

**С. АНОРБОЕВ**

# **парвоз**




**[ОЧЕРКЛАР]**

**Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Ёш гвардия» нашриёти  
Тошнент—1973**

«Инсоннинг юксак фазога парвоз қилиши шароитини ўрганиб, шу учишнинг бехатар ўтишини таъминлаётган олимлар, врачлар ичидаги ажойиб ўзбек фарзанди ҳам бор», — деган эди Юрий Гагарин.

Ёзувчи Суннатулла Анорбоевнинг «Парвоз» деб аталмиш ушбу китобида биринчи космонавт-учувчи тилга олган олим ва замонамизнинг бошқа атоқли кишилари ҳақида ҳикоя қилинади.



© «Ёш гвардия», 1973 й.

# ҚОРАҚАЛПОҚ ДАФТАРИДАН САҲИФАЛАР

Йўл хотираларимга мен шундай сарлавҳа қўйдим. Аммо зинҳор, улкан, ҳассос шоиримиз Миртемир билан беллашмоқчидир, деб ўйлай кўрманг, ҳурматли китобхон. Фақат, келажаги ёрқин Қорақалпоғистон бўйлаб кезганимда севимли шоиримизнинг «Қорақалпоқ дафтири» деб аталмиш шеърларидағи нафис ва ёлқинли мисралар қорақалпоқ дўстлар қалбига кириш, гирдобли Амударё сирини билиш, афсонавий очил-дастурхондай маъмур Орол дийдорига тўйиш, пахтазорлари — қумтепа — саҳро билан, шолиноялари — қамишзор тўқай билан туташ бу республиканинг чинакам чиройини англашда менга бир калит бўлди.

Шоир айтмоқчи, тарихи бир вараққа жой бўлиб кетадиган навқирон Нукус мен бориб қўнган кун ўз ҳаяжони, ўз ташвиши билан яшамоқда эди: Қорақалпоғистон ёзувчилари ўз съездларнга тўпланиб, кейинги йилларда яратилган асарларни муҳокама қиласетган, қорақалпоқ адабиётининг равнақи учун янги режалар тузатетган эдилар. Улар кундузи сермазмун мажлислар қуриб, кечқурун отахон шоир Содиқ оғашининг етмиш йилгини байрам қилдилар.

Нукус-қалъа замопавий шаҳарларга хос кўкрак кериб

нафас олар: пахтазор, шолипоялар йироқда бўлишига қарамай, бу ерда ҳам катта хирмон, тоғ-тоғ ҳосилнинг қайноқ ҳовури ҳар қадамда сезилиб туради. Эрта тонгда корхоналар ва ташкилотларнинг дарвозаларидан машина-машина ҳашарчилар теримга жўнаб кетаётганини кўрасиз. Радио ахборот бера бошлаши билан йўловчилар тақقا тўхтаб, республика куни кеча қанча пахта топширгани, қайси район байроқдор бўлиб олдинда бораётгани билан қизиқиб қоладилар. Идораларга кирсангиз ҳам гап айланиб келиб пахта устида тўхтайди. Халқнинг бойлиги, фахри, дастурхондаги нони шу пахта туфайли бўлгач, бундай қувонч, бундай гапларнинг бўлиши табиий, албатта.

Биз ҳам Нукусда узоқ турмай, пахта далаларига йўл олдик.

— Мен сенга Тошкентни кўрсатаман,— деб ваъда берди қамроҳим Тиловберган оға.

Хўжайли — Кўнғирот тош йўлида соатига саксон километр тезликда кетаётиб, теварак-атрофга қарадим. Ям-яшил воҳадан чиқиб, яккам-дуккам жинғил ўсган саҳро қўйнига шўнғидик. Шундагина Тошкентдан минглаб километр йироқда эканим ёдимга тушди. Тиловберган оғанинг ҳазилидир, деб қўя қолдим. Забардаст шоир ҳазил-мутобибасиз гапирмайди.

## Шуманай афсонаси

— Шуманай — Чаманой деган қизнинг исми,— дея тушунтира кетди Тиловберган оға.— Қорақалпоқда бир афсона бор. Бу ердаги халқа Аму яқин бўлса-да, сув бир умр армон бўлган. Сув бўйида ўтириб, сувга қонмай ўтган неча авлод. Тентак Аму баҳорда тошиб, халқнинг мол-жони, ҳатто бешиклаги боласигача оқизса, саратороннинг гармссли экин-тиқинини қовжиратган. Халқ-

нинг оҳи-фигони на худонинг, на ҳоннинг қулоғига етган. Буни фақат ҳалқнинг асл қизи Чаманой эшигидан-у, юрагида оғир дард қилиб кўтариб юрган. Чаманойга ўзга юртлик бир бий ошиқ экан. Қиз унга шарт қўйибди: «Агар Амудан ёп қазиб овулимга сув келтирсанг мен сеники бўлай», дебди. Бий ниҳоятда бой экан. Тилла-кумуш, қўй-эчкисини сарфлаб ёп қаздирибди. Иссиқ кунда сўлиб турган экинлар сув ичиб тирилибди. Элатнинг чеҳраси очилганини кўрган Чаманой, «Мақсадимга етдим», дебди. Лекин у қорни тоғорадай, юзи товоқдай, соқоли тўрвадай бийни ёмон кўраркан. «Шу сассиқ чолга теккандан ўлганим яхши», деб ўзини Амуга ташлабди... Шуманайнинг қум босиб кўмилиб кетган эски ёпи мамлакатимиз фашизмга қарши ҳаёт-мамот жангги олиб бораётган 1942—1943 йилларда қайта ковланди. Ватан тақдири қил устида турган энг оғир йилларда келажакка ҳамиша умид билан яшаган ҳалқ юз йил муқаддам аждодлар томонидан ташлаб кетилган Шуманай чўлига яна сув олиб борди. Яна экинзор, чаманзорга айлантириди.

Машинамиз катта йўлдан бурилиб, пишиқ ғиштдан тикланган обод қишлоқни оралаб бориб тўхтади.

— Етдик,— деди Тиловберган оға.

— Қаерга?— дедим тушунмай.

— Тошкентга,— деди у жиддий.

Яна ҳазиллашяпти, деб ўйлаб, кулдим.

Йўқ, биз келиб тўхтаган жой «Тошкент» номидаги совхоз қишлоғи экан. Чиндан ҳам унинг пойтахтимизга ўхшаброқ кетадиган томонлари бор: қишлоқ бош план асосида қурилмоқда. Битгач гўзал, чароғон манзилга айланиши турган гап.

Бизни совхоз директори Бердибой Қурбонов кутиб олди. Оёгига брезент этик, эгнида эски камзул, деҳқонча кийинган.

— Бердибой ҳақида «Коммунизм даврипинг кишини» деган очерк ёзгайман,— деб илова қилди Тиловберган оға.

Бердибойнинг қирра бурни сал қизарди, қуюқ қошлари чимирилди.

— Коммунизм даврининг одамлари бошқачароқ бўлишса керак,— дея кулимсираб қўйди.

— Ленин айтган: ҳам маънавий томондан, ҳам жисмоний томондан гўзал бўлишадн.— Тиловберган оға ўз очеркидаги фикрини ёқлади.

Бердибой Қурбонов бизни пахта терилаётган далага боштаб борди. Бир томонда ранго-ранг кийинган теримчилар. Бир томонда кўм-кўк қўш кема оппоқ пахтазор бўйлаб сузиб кетаётибди.

— Анови картанинг бир кўсагида қирқ саккиз чигит санадим,— деди Бердибой.

Биз ҳам санаб кўрдик. Чаноқнинг бир хонасида тўққиз, бошқасида саккиз... ҳаммасида қирқ уч чигит.

— Ўтган йили қандай бўлган?— пахта чигитларини санай туриб сўради Тиловберган оға.

— Одатда ўттиз беш чигитгача бўларди, бир кўсакдаги пахта оғирлиги тўрт-тўрт ярим грамм келар эди.

— Бу йил пахтангизнинг салмоги дуруст-ку!— дедик.

— Икки ҳисса ортиқ!— Биз томонга жиддий боқди Бердибой.— Яқин-яқинда ҳам бу ернинг одамлари:

«Қурбақа булбулим,  
Якандан гулим.  
Шуманайда чўчқа қувган севгилим»,—

деб қўшиқ айтиб юрганлари ёдимда.

Халқнинг ижодий қудратига қойил қоласиз. Қурбақалар қуриллаб ётган қамишзор, тўнғиз болалаб ётган тўқай кўз ўнгимга келади. Матонатли, меҳнатсевар қорақалпоқ халқининг қўйл кучи билан очилган мана бу

қўрпқ ерлар ҳозир воҳанинг энг гўзал, обод пахтазорлари!

## Омади келган йигит

Қорақалпоғистон республиқамизнинг асосий шоли базаси. Шоликор хўжаликларнинг энг бадавлати Кўнғирот районидаги Чапаев номли совхоздир. У 1964 йили ташкил этилган. Совхоз қишлоғи янги, ҳали кўкаlamзорлаштиришга ҳам улгуришмаган. (Бунга шўр сизот суви ҳам ҳалал берадиган экан.) Хўжалик биринчи йили 800 гектар ерга шоли эккан бўлса, бу йил 2100 гектар ери ишга туширибди. 7 ярим минг тоннага яқин ҳосил кўтармоқчн.

— Илгор бўлишнинг ташвишн катта экан,— деди Ўнгарбой Қурбонниёзов.— Ўтган кунн киночилар келиб овора қилишдн. Кеча телестудиядан. «Тракторда ўрганинг бўлмайди, комбайнда ўрнб янчишни кўрсатишнимиз керак», дейишиди. «Қомбайн солишга уч-тўрт кун вақт бор. Шолипоя нам, ўраб кетади», десам қани кўнишса! Турган-битгани дахмаза!

— Биз ҳам сизн безовта қилгани келгаимпз,— деб фотограф ҳамроҳимга қараб қўйдим.

Анчадан бери шайланиб турган ҳамроҳим директор жилмайган заҳоти аппаратни чиқ этиб босди.

— Бўлмаса мен сизларни бизнинг омади келган йиғтимиз билан таништирай. Ҳа, ана ўзи ҳам келиб қолди!— деди Қурбонниёзов дераза тагига келиб тўхтаган «Волга»га имо қилиб.

Салдан кейин кабинетга ўрта бўй, қотмагина бир киши кириб келди. У ҳам бу ерадагилар каби оёғига этик, бошига похол қалпоқ кийган. Эгнида қизил катак кўйлак.

— Тиломуротининг радиатори бузилган экан. Механикни юбордим,— деди у.

— Танишинглар,— деди директор, ўрнидан туриб.— Наби Жайиқбоев, совхозимизнинг байроқдор бригадири.

Набининг асл касби тракторчилик. Олтмиш бешинчи йилдан бери биринчи бўлимдаги иккинчи бригадага бошлиқ экан. Планини бажармаган йили йўқ. Ўгли Хидиравли ҳам ота касбини эгаллаб, комбайн ҳайдаркан.

Набини «Омади келган йигит» деб аташларининг боиси меҳнатдаги ютуқларири, деб ўйлаган эдим. Бундан бошқа сабаблари ҳам бор экан. Ўзоқ йили 75 гектар ернинг ҳар гектаридан салкам 40 центнердан шоли олгани учун у «Москвич» машинаси билан мукофотланибди. Ўтган йили бир сўмлик лотереяга «Волга» машинаси ютибди.

— Бу йил ҳам бир нимага илиниши аниқ. Ваъдаси 50 центнердан,— деди директор Набининг елкасига қоқиб.

Ютуққа чиқсан сут рангли «Волга»га ўтириб шоли-поялар тепасига борганимизда Наби Жайиқбоевнинг ваъдаси асосли эканига ишондик. Шоли белдан келади. Сап-сариқ, тилладай. Ичиде бегона ўт кўрмайсиз. Тиловмуротнинг комбайни тузалиб қолибди. Энига олти метр жойдаги шолини бехато ўриб кетаётибди.

На чора, директорнинг аччиғи чиқса ҳам, ўроқчиларни бир оз ишдан қўйишга тўғри келди. Ҳамроҳим сурат олишга қулайроқ жой қидириб, кўп уринди.

— Вой-бўй. Шоли экишдан ҳам суратга тушиш қийин экан-ку!— деди Наби кулиб.

## Хўжайлининг хирмони Говур қалъадан баланд

Хўжайли раённомининг биринчи секретари кабинетига кириб борганимда Олимбой Ражабов Валентин Софрошин билан гаплашиб ўтирган экан.

Валентин Николаевич билан меҳмонхонада танишганмиз. У Ленинграддаги машҳур Киров заводидан. Бу ерда Киров номидаги завод ишлаб чиқарган қудратли К-700 трактори синовдан ўтказилибди.

— Олтмиш еттинчи йилнинг... янглишмасам, саккизинчи сентяброда поезд платформасидан туширдик,— деди Олимбай Ражабов.— К-700 ни Энгельс номли колхозга бердик. У ерда уч йил давомида пахта далаларини шудгор қилди, шолипояларни ағдарди. Қиши кунлари ўғит ташиди, ёз кунлари сабзавот. Хуллас, тиним билмади. Раҳмат қизил путоловчиларга. Қишлоқ хўжалиги учун қудратли машина яратишибди. Энди мана, Валентин Николаевич тракторини қайтариб олиб кетаётибди.

— Колхоздагиларга жуда ёқиб қолибди!— луқма ташлади Софрошин.

— Бир кечакундузда ўттиз икки гектардан ер ҳайдаб, тўртбешта занжири тракторнинг ишини бир ўзи бажаргандан кейин ёқмасинми!— деди Ражабов фахр билан.

— «Ташлаб кета қолинг бизга, пулини тўлайлик», дейишади колхозчилар.— Софрошин жилмайди. Завқи келганиданми, кўзлари қисилиб, гўштдор юзи қизарип кетди.— Уларнинг шу гапи учуноқ бериб кетар эдим. Лекин,— яғриндор кифтини қисди,— иложим қанча? Тракторни олиб борганимдан кейин конструкторлар унинг ичак-чавогини ағдаришади. Ҳар бир деталнинг уч йил иш давомида аниқланган чидамли-чидамсиз томонларини ўрганишади. Кейин аввалгидан ҳам кучлироқ янги трактор яратилади.

Софрошинга оқ йўл тилаб хайрлашаётганимизда Олимбай Ражабов:

— Сизнинг тракторингиз билан пахта териб бўлмайди-да, ўйқса теримга сафарбар қилардик!— дея тегишиди.

Олимбай Ражабовнинг таржимаи ҳоли Улуғ Ватан

урушидан кейин вояга етған күнчиллк ёш зиёлиларницидан фарқ қилмайди: ҳозирги Беруний районида дәхқон оиласида түгилган, эллигинчи йилда Түрткүл педагогика билим юртини тамомлаган, кейин Тошкент юридик институтини битирди. Қорақалпогистонга қайтгач юрисконсульт вазифасидан область партия комитетининг бўлим мудири лавозимигача хизмат йўлини босиб ўтган.

У ишлаб туриб Узбекистон Фанлар Академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти асппрантурасида сиртдал ўқиди. 1965 йили Олимбой Ражабовга Қорақалпогистон АССР Министрлар Совети фаолияти тарихига оид илмий иши учун ҳуқуқшунослик фанлари кандидати деган унвон берилди. Мана, уч йилдирки у Хўжайли район партия комитетининг биринчى секретари.

Кабинетга олдинма-кетин одамлар кириб келишди. Булар ирригатор, мелиораторлар, район сув хўжалиги ва қурилиш ташкилотининг командирлари. Пахта терими айни қизиб кетган, Хўжайли райони кушига тўрт процентдан ошириб пахта топшириб турган бир пайтда бундай кенгаш чақирилиши бизни ажаблантирди. Телефон жиринглади. Ражабов трубканни олиб жимгина қулоқ солди. Ўнг томонда райкомнинг иккинчى секретари Юлдуз Иванович ўтирас эди.

— «Ленин байроби» бир «Колхида» сўраяити,— деди Ражабов унга.

— «Ленин байроби»гина эмас, бошқа колхозлар ҳам пахта ташишда қийналишити.

— Юлдуз Иванович, Нукус автобазаларида йўқми-кан? Бўлса, ўнтасини сўраб олсангиз...

Мажлис давом этарди.

— ... Биз мавсумда 70 минг кубометр ер қазишимиз керак. Ҳозирча 23 минг кубометр қазидик. 17 экскаватор ишлаб турибди,— дея кепгашга ҳисоб берарди. район суғориш системасининг бошлиғи Райимбой Ўтапов.— Ҳар

каналда учтадан экскаватор ишлаб турибди. Инженерлар биркитилган...

— Райимбой!— Ражабов нотиқнинг сўзини бўлди.— Мана сентябрь тугай деб қолди. Асосий ишнинг учдан бири ҳам бажарилмаган. Ноябрда каналлар тўнгади. Унда нима қиласан? Сеитниёзов!— Нимадандир ташвишлангандай, полга тикилганча ўтирган тўлагина оқсариқ кишига мурожаат этди.— Қазувга қанча экскаватор чиқаргансиз?

— Үнта.

— Қолганлар-чи?

— Тўрттаси ремонтда...

— Ёзда ҳам ремонтда эди!— Ражабов ўрнидан туриб кетди.— Сеитниёзов! Сиз раҳбарлик қилаётган қурилиш-монтаж бошқармасидаги одамларни ҳар бир қўл ҳисобли бўлган ҳозирги масъулниятли пайтда пахта теримидан озод қилиб қўйишимиznинг сабабини тушунасиз-мп? Катта йўлдаги қўприк ҳали битмаган. Участка бошлифингиз Матенов битта экскаваторни эплаб ишлата олмаса! У қандай одам ўзи! Сеитниёзов, Утапов, Дўстжонов, яна бир карра шуни яхши билиб олинглар. Келгуси йилнинг ҳосили сизларнинг ҳозирги қундалик ишларингизга боғлиқ. Ёп, зовурлар вақтида тозаланмаса қишки, баҳорги шўр ювиш кечикади. Бизнинг шароитимизда бунинг оқибати маълум. Бу ердан чиқиб ўз ташкплотларнинг боргач, коммунистларни тўплаб бир ўйлаб кўринглар. Аниқ режа тузинглар. Бугунги кенгаш иатижаларини районом яқин вақтларда текшириб кўради...

Кенгашга тўпланганлар тарқагач, Ражабов район халқ контроли комитетига телефон қилди:

— Энгельсномали колхознинг проценти кеча сал пасайибди. Ташишнинг мазаси йўққа ўхшайди...— У андак индамай қулоқ солиб турди-да, бош иргади:— Яхши.

Бориб ёрдам бериб юборинг.— Трубкани қўйгач бизга қаради.— Хоҳласаларинг, сизларни кеча кўчма Қизил байроқ олган Ҳамза номидаги колхозга олиб бораман.

Кенгаш давомида деразага тикилганча, хаёли қочиб, ўзича ниманидир пичирлаб ўтирган Тиловберган оға ўрнидан тураётуб аста хиргойи қилди:

...Хирмонлари мисли осмон,  
Говур қалъа қўрғонидан  
Баланд десам янглишмасман...

Йўл-йўлакай Ленин номли колхозга бурилдик. Найманликлар томонидан Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган бир юз ўн уч ҳамқишлоқларига атаб ўрнатилган ёдгорлик қаршисида бир дақиқа сукутга чўмдик. Номлари зарҳал билан ёзилган мармар дафтарга ишора қилиб:

— Қаранг,— деди Олимбой Ражабов,— Гелдиев Ит-рик, Гелдиев Холбой... бир оиласдан икки ака-ука... Улар бизнинг бугунги кунимиз, тўкин-сочин ҳаётимиз учун жон фидо қилдилар...

Муздакхон қалъаси вайроналарини ёнлаб ўтиб катта пайкал ёқасида тўхтадик. Арава устида туриб ниқтаб пахта босаётган қўнғир чийбахмал камзулли киши билан «ҳорма — бор бўл» айтишдик.

— Қачон энди?— деди пастда туриб Ражабов.

— Бугун, ўртоқ секретарь.

— Аниқми?

— Чин сўзим!— деди қўнғир чийбахмал камзулли киши чеккасини енги билан арта туриб.— Ошиб ҳам кетади.

— Унда, олдиндан табриклаб қўяйлик. Лекин, маррага етдим-ку, деб бўшаштириб юборманг, Соғинбой ака. Ҳали пахтангиз кўп.

— Бўлмасам-чи! Икки юзга ҳам қурбимиз етади.

— Балли.

Тўпхона деворларининг арпа тишли кунгураси худди булувларга қадалгудай баланд. Қадимий шаҳар ҳаробаларига яқинлашганимизда Тиловберган оға энди товушини баралла қўйиб, таниш мисраларни такрорлади:

Оқ момиги кўпириб тошган,  
Хирмонлари мисли осмон,  
Говур қальва қўргонидан  
Баланд, десам янгишмасман!

Машинадан тушганимизда у қадимий қўргон томонга қўйл чўзиб хитоб қилди:

— Бу йил Ҳўжайлиниң хирмонлари мана шу Говур қалъадан баланд бўлади!

— Янгишмадингиз,—деди Ражабов баланд, хипча қаддини букиб сал энкайганича юқорига йўл бошлаб бораётib.—Мана шундай минг йилларга чидаган зўр Говур қалъани-ку, бобокалонларимиз яратган экан, нега энди биз пахтадан тоғ яратса олмаймиз?

Говур қалъанинг энг баланд нуқтасига чиқиб чор атрофга назар ташласам ҳамма ёқ лайлакқор ёғиб ер бетини боса бошлагандай олачалпоқ. Узоқда Хоразм шоҳлигининг қадимий пойтакти Кўқна Урганч минораси кўриниб турибди. Кўз илғаганча, пахта, пахта дала-лари.

— Фақат териб-ташиб улгурсак бас,—дейди Ражабов паства ӯрмалаб кетаётган машиналардан кўз узмай.

Говур қальва Амударё қирғофида жойлашган обод шаҳар бўлган. Кўхна Урганч ҳам... Қадимий тарих жин кўчаларида кезиб, узоқ ўтмишда ҳам пахта, арпа эккан, ёп қазиб боғ-роғлар кўкартирган, буғдой, шоли экиб эл дастурхонини маъмур қилган довюрак, қадоқ қўлли боларимиз руҳини ёд этиб, вақт ўтганини билмай қолиб-миз. Тарих — сирли ва сеҳрли. Ер юзи ҳамиша адолат ва

разолат, маърифат ва жаҳолат ўртасидаги кураш майдони бўлиб келган. Тарих кураш билан жозибалийдир. Аммо мана бу рўнарамиздаги реал ҳаёт ва унинг эртаси ундан ҳам жозибали ва умидбахш!

Биз Говур қалъа гумбазидап тушиб, зовурнинг у томонидаги Ҳамза номли колхозга қараб йўл олдик. Колхозда давлатга пахта сотиш планини тўлдирган, ҳозирнинг ўзидаёқ гектар бошига қирқ центнердан ошириб ҳосил олган машҳур пахта устаси, Социалистик Мехнат Қаҳрамони Иўлдош Маткаримов, ҳозирнинг ўзидаёқ «Ўзбекистон» пахта териш машинасида юз эллик тоннадан ортиқ пахта терган моҳир механизатор Жумабоев, яна ўнлаб пахта усталари меҳнат қилмоқдалар. Мен улар билан Олимбой Ражабовнииг ҳикояси орқали горийбона танишман. Олимбой Ражабов уларнинг болача қаларигача билади.

— ... Колхоз раиси Абдукарим Холбоев илгари шу колхознинг ўзида партия ташкилотининг секретарини эди,— деди у.— Яхши партия ходимларидан эди. Шунинг учун шаҳар Советига раис ҳам қилиб кўтаришган эди. Ҳали ҳозирча шаҳар бошқа, қишлоқ бошқа. Узига яраша ташвишлари кўп. Шаҳар хўжалигини эплаб кетди-ю, ҳар қалай, қишлоқ боласи эмасми, маълумоти ҳам қишлоқ хўжалигига мос. Шунинг учун йил бошида уни шу колхозга раисликка тавсия этдик. Колхозчилар қулоқ очиб қарши олишди. Холбоев райкомнинг ҳам, колхозчиларнинг ҳам ишончини оқлади. Колхознинг ҳозирги қадам олиши чакки эмас — Қорақалпоғистон ҳукуматининг кўчма Қизил байробини олди. Шаҳар Совети раислигига ўзимиздан чиққан бошқа бир йигитни тавсия этдик. Унинг иши ҳам чакки эмас. Сабаби, ўзи қурувчи инженер. Шаҳар коммунал хўжалигида анча ишлаб тажриба ортирган... Ия, ана! Қаҳрамоннинг ўзи хирмони бошида юрибди-ку!

Биздан ўн қадамча нарида қотмадан келган баланд бўйли бир одам турарди. Ўдалага ишлагани чиққан кишига ўхшамайди. Оёғида хром этик. Эгнида оҳори тўкилмаган кул раиг костюм. Бошида зангор велюр шляпа, кўкрагида Олтин Юлдуз.

— Йўл бўлсип?— дея қўл берди унга Ражабов.

Қаҳрамон индамади.

— Нукусга кетяисизми?— қайта сўради Олимбой Ражабов.

— Йўқ...— у ийманиб ерга қаради.

Кейни билсак, бу ерга Қорақалпоғистон телестудиясининг оператори келиб кетган экан.

## Қутлиқиз момонинг қўшиғи

Колхозга Ҳамза номининг берилishi бежиз эмас. Хўжайлида кўп жойлар, кўп воқеалар оташин шоир Ҳамза Ҳакимзода номи билан боғлиқ. Бу ерда 1922—1924 йилларда Ҳамза билан бирга ишлаб, халқ ўртасида маърифат, маданият таратган одамлар кўп. Олимбой Ражабов бизни шулардан бирни билан таништириди.

Биз Ҳамза Ҳакимзода тарбиячи, кейинча директор бўйлиб ишлаган питернатда бўлдик. Эски биносини ҳам, янги биносини ҳам бориб кўрдик. Ҳамза пшининг давомчиси, чинакам маърифатпарвар-тарбиячи Амина опа билан сухбатлашдик, ушиг уч ёшдан тортиб ўн етти ёшгача бўлган саксон саккизта ўғил ва қизларининг меҳмони бўлдик. Уларнинг чинни садосидай тиниқ кулгилари ҳали қулогим тагида ўчмасдан, қувноқ чеҳралар кўз ўнгимдан кетмасидан меҳмонхонага етиб келганимда, менн Қутлиқиз кутиб турган экан... Жон олиб жон берилган, янги социалистик ҳаёт учун шафқатсиз кураш олиб борилгап ўша узоқ революцион йиллардан бери

ёшу қари тилида Қутлиқиз номи билан машҳур бўлган момо рўпарамда ўтирибди. Қорақош, қоракўз, кулча юзли аёл. Пешанабоғ устидан қора шолрўмол ўраган. Эгнида қора фижим баҳмалдан узун яланг камзул. Бир ёнбошида гармони.

— Буни қўпдан бери чаласизми?— деб сўрадим.

Қутли момо гармонига кўз қирини ташлаб кулимсиради. Шунда бирдан ўзгарди. Ўни кекса кўрсатиб турган ажинлар юзидан сидириб ташлангандай бўлди. Кўзларида шўх киноя ўйнади.

— Болаликдан ҳамроҳим-ку!— Момонинг товушида ҳазил-мутоиба жаранглади.— Бошимга неча хил мало-матлар солмади бу қурмагур! Шунда ҳам ажрагим келмайди.

— Маломат билан бирга қувонч ҳам келтиргандир?— дея сўз қотдим.

— Ҳова, ёшулли!— Қутли момо бош иргади.— Бир куни бош ювиб ўтирсан Йслом Чека уйимизга кириб келиб қолди. «Қутлиқиз!» деди. «Лаббай» дедим.— «Гармонингни ол» деди. «Қаён борамиз, оға?», дедим. «Яхши гелдихон оврув экан. Бориб келали», деди. Совет ҳокимиияти Жунаидхонни Қорақумга қувлаган, бошқа майдачуда туркман хонлари билан ортиқча қон тўқмаслик учун яхши муносабатлар ўрнатишга ҳаракат қилаётгани вақтлар эди. Шунинг учун Йслом Чеканинг сўзини қайтармай тезда отланиб, қўлга гармонни олиб орқасидан юрдим. «Зарифбойга ўзим тушунтираман», деди Йслом Чека. Ҳова, оға, дедим. Зарифбой езнангиз Шайдаков армиясинда учинчи эскадрон командири бўлган, коммунист. Тушунтирмаса ҳам ўзи тушунадиган одам. Шундай қилиб, Йслом Чека бош бўлиб уч-тўрт киши Яхшигелдихондан ҳол сўрагани овулига бордик. Совға-саломимизнинг тузуклиги учунми ёки Совет ҳукуматидан хайиққани учунми, хон бизни яхши қабул қилди. Қўй сўйиб

зиёфат қилди. Шунда Ислом Чека менга қараб: «Гармонь чалиб хоннинг кўнглини хушла!» деди. Мен ҳам қўлга гармонни олибману орқа-олдимга қарамай қўшиғимни айта берибман. Шукуржон онам саводли, шоир табиат киши эди. Мен бўлсам, ёзганларини ёдлаб олиб айтар эдим. Шукуржон онамнинг охирги ғазали мана шу. Буни гармонь чалиб айтиб берганимда ўзига ҳам ёқкан. Яхшигелдихонга ҳам ёқса керак деб, ўйлаб-ман-да.

Гармоннинг баланд аккорди меҳмонхона деворларига бориб урилди-ю пасайди. Қутли момо кўзларини юмиб аста куйлай кетди:

Кўчиб юриб, кўчда армон қолмади,  
Кўрпа юклаб, белда дармон қолмади.  
Орзум эшиш, қайда бўлсанг бекларим,  
Халтада ун, қопда ғаллам қолмади.

Қалъамизнинг дарвозаси ўймали,  
Босмачилар молимизни қўймади.  
Фуқаронинг қонин ичиб тўймади,  
Улар бўлдик босмачининг дастидан.

Унинг лабларидаги бечоралик, мунг ғазаб билан ал машинди. Йиғлоқи куй ўрнини пўлат жаранги босди. Момонинг сўлғин кўзларида ўт чақнади, товушида исён янгради:

Шайдаков кеп, оро кирди жонима,  
Шайдаков кеп элни обод айлади!

Пуламит тўпини қўлига олиб,  
Қувди босмачини олдига солиб,  
Уларнинг ўлиги чўлларда қолиб,  
Яшасин дунёда қизил аскарлар!

— Яшасин дунёда қизил аскарлар, деб туриб Яхшигелдихон ўтирган томонга қараб қолмайманми! Кўзидан ўт чақнарди. Қўрққанимдан тилим танглайима ёпишиб,

гармоинмни туштириб юборай дедим. Ҳамма жим. Ислом Чека ҳам срга қарагашча ўтирибди. Ёши-беримга қарамай, гармонни тортаверибман. Яхшигелдихоннинг йигитлари қалъа дарвозасини бекитиб, миљтиқларини шайлаб, хоннинг буйруғини кутиб туришибди. Шунда Ислом Чека Яхшигелдихонга қараб: «Ҳон, бу ёш бола. Қўлшиа кампит бериб, айт, десаңг тилига келганини айта беради», дегани ҳалигача қулогимда. Чиндан ҳам у вақтда жуда ёш бола эканман. Ўзим ҳам кичкинагина... бийн бор келинга ҳеч ўхшамасдим. Ҳон иисофга келиб газабини ичига ютдими ё чўчидими, бизни омон қўйиб юборди. Шундай, ёшулли, Ҳамза ога Хўжайлига келиб труп па тузганча ҳам мен гармонь билан айтар эдим.

— Труипа тузганмидилар? — деб қайта сўрадим.

— Бўлмаса-чи,— жилмайди Қутли момо. — Жамила бўлиб мен ўйнаганман, Зарифбой Ғофир ролида чиқсан Айтимбет Нурмонов, Сеитниёз Жуманиёзов, яна Абдулла Жуманиёзов деганлар бор эди. Ражаб жарчи кўчакўйда юриб «Бой ила хизматчи»ни кўрмаганлар армонда»... деб жар чақирап эди. Усти юпун эди. Совуқда тўғмасин, деб Ҳамза оға унга бир гуппи кийдирган. Овлоқроқ кўчада жар чақириб юрса, Тонготар деган бир йўлтусар ечинтириб кетибди. Шунда Ражаб жарчи: «Ҳамзанинг жарини биз чақирибмизу гунишини Тонготар кийибди», деган экан... Энди, ёшулли, Ҳамза оға билан қандай учрашганимни айтаниш.

— Қулогим сизда,— дедим, стулни унга яқинроқ сурпид.

— Йигирма биринчи йили Салимабика билан мени Хўжайлига женотдел қилиб сайдадилар,— деб яна ҳикоя бошлади Қутли момо.— Совет ҳокимияти хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ берган. Шу ҳақиқатни уйма-уй юриб тушунтирадик, хўрланган жабрдийда аёлларни золим эрлардан ҳимоя қилардик. Бир куни иш

біллан Салимабиканикінга кирдім. Қарасам, Зарифбой ўша ерда экан. Матеңуб Отажонов ҳам бор. Иккови ҳам Қызыл Армия сағыдан бүшаб совет-партия ташкилотла-рида иштаётган эди. Яна бир нотаниш киши ҳам ўтирган экан. Қорақош, қоракүз, озғин, ола дүпшли. Бу то-моннинг одамига ўхшамайди. «Интернат мудири Ҳамза оға» деб таниширишди. Қўлларини олиб Салимабика-нинг ёнина ўтирудим. Театр очишни маслаҳат қилишаёт-ган экан. Отажонов Ҳамза оғага менинг овозимни мақ-тади. Шу кундан бошлаб женотделликдан ташқари Ҳамза оға тузган театрнинг ишларини ҳам бажара бошла-дим. Биринчп марта Ҳамза оға ўргатган, биринчи марта сахнадаи туриб айтган қўшиғим мана бу...

Қутли момо қўлига гармонини олиб, чўзиб тортди-да, пшчи-дехқон бирлиги ҳақида, янги тузум хотин-қизларга озодлик келтирганн ҳақида кўйлай кетди.

Сўзлари ўта содда, куйи табиий бу қўшиққа қулоқ солиб ўтириб, ўзи ҳам ўқитувчи-мураббий, ҳам хонанда-созандаларни тўплаб том маънодаги халқ театрини таш-кил этган ташкилотчи, оммага янги тузумнинг мақсади-ни етказган тарғиботчи Ҳамза Ҳакимзода сиймоси кўз олдимга келди. Шоир бу қўшиқ сўзларини ёзганда иш-чи-дехқон ҳокимиятининг моҳияти ва хоҳишини оммага энг осон, тушунарли йўл билан етказишга ҳаракат қил-ган. Тўғрироғи, у ҳофиз ва музика тили билан халқа хитоб қилган.

Қутли момо гулдор пиёладаги чойдан бир ҳўплаб, ҳикоясида давом этди:

— Биз хонанда-созандалар тўпланишиб машқ қилиб турган эдик. Ҳовлиқиб Ҳамза оға келиб қолди. «Биродарлар, Ленин конституция берди», деди. У вақтда «Конституция» нима дегани — булмаймиз. Бу сўзни би-ринчи марта Ҳамза оғанинг оғзидаи эшитдик. У хонтах-та ёнига чўккалашиб, шимашидир тез-тез ёзди. Дам ўтмай

менга бир парча қоғоз узатди. «Қутлиқиз, мана буни ёд ол», деди. Шу куниёқ ёдлаб, халқ олдида гармонь билан айтдим.

Қутли момо тиззасида турган гармонини яна қўлига олди. Одатдагидай, кўзларини юмди-да, бир дам сукутга чўмди. Бу пайтда у чоққина кўринса-да, улуғвор, олтмиш беш ёшига қарамай, гўзал эди. Балки момо бу пайт йигирма иккинчи йил — ўзининг ёш қалбида ҳислар тў-фондай тошган ёшлигини эслагандир.

Қўққисдан куй янгради:

Қонуннинг асоси бўлиб бизларга раҳбар,  
Эркак билан хотинга ҳуққуқ бўлди баробар!

Қутли момо қўшигини тугатганда биз даврада ўтирганлар беихтиёр чапак чалиб юбордик. Момо тўлқинланаб кетди. Эҳтимол, қалбнинг самимий туйғусини ифодалаб тўрт жуфт қўлдан чиққан қарс момога ўзининг саҳнада эришган катта муваффақиятларини, юзлаб, минглаб муҳлисларининг гулдурос олқишиларини ёдига туширгандир. У таъзим қилди. Бошини кўтарганида киприклари нам эди. Хўрси ниб қўйди.

## Амударё миллионери

Тик қирғоқ, усти қорагунгурт тўронгизор. Ёйиқ дарё сатҳи узоқда жимир-жимир қиласи, осмон эса ложувард, сокин. Палуба бетўхтов титрайди. Пастда девкор мотор ҳансираиди.

Капитан Иброҳим ака билан кеманинг тумшуқ томонида турибмиз.

— Умрим шу дарёда ўтди,— деб қўйди у.

Кўзим, қизариб-бўзариб гирдоб бўлиб оқаётган Аму сувида, қулогим Иброҳим акада. У бу сўзни ўтган ум-

рига ачинибми ёки фахрланиб гাপирдими, юзига боқиб билолмадим. У чўйиндай қўйма гавдасини мардонавор тутиб оқимга тикилганча турибди. Қуюқ қошигача бостириб кийган қора фуражкаси, энгагигача тушған ўsicк мўйлови унинг бўғриққая юзларини янада тундроқ қилиб кўрсатади.

— Үзим Хонқа яқинидаги Қирқёп қишлоғиданман, ёшулли,— дея ҳангомага киришди Иброҳим ака.— Бу ерга тирикчилик важидан келиб қолганман. Ўн ёшимда отадан ажралдим. Ўн тўрт ёшимда Чолиш пристанига бориб ишга кирдим. Йигирма олтинчи йилдан то ўтти зинчى йилгача солдовчи бўлиб кема судрадим. Чолиш да кемага пахта ортардик-да, ўн саккиз солдовчи Чор жўйгача тортиб борардик. Баъзида ўн кун, баъзида бир ой йўлда қолиб кетардик. Қайтишда кемага омоч, тиш уруғлиқ ёки кунжара ортардик.

Репиннинг машҳур картинаси таъсиридами, бурлаклик, яъни солдовчилик узоқ ўтмишгагина алоқадор заҳмат бўлиб туюлар эди менга. Рӯпарамда турган сало батли капитанни солдовчи қиёфасида ҳеч ҳам тасаввур эта олмадим.

— Шу Амударёда-я?— ишонгим келмади.

— Бўлмаса-чи!— деди Иброҳим ака менга қараб қўйиб.— Амуда подшо ҳукуматидан мерос бўлиб фақат тўртта-бешта дарё пароҳоди қолган. Бошқалари ҳаммаси моторсиз ёғочкемалар эди. Ўттиз бешинчи йилгача ана шундай кемада дарғалик қилдим. Кейин теплоходда ишладим. Мана, қирқ тўрт йил ўтибди...

Тўғри, Иброҳим ака қирқ тўрт йилдирки Амударё билан олишади. Амуни жиловлаб олганман дейдиган ка питан янгилишади. Дарё кўтариб урганини билмай қолади. Уни ота-боболар бекорга Жайхун деб атамаганлар. Куни кеча кема сузиб ўтган теран ўзан бугун қарасангиз қум босиб қолибди. Капитаннинг кўзи шамғалат бўлди-

ми — тамом: кемасини қумга қадаб, қараб тураверди.

— Асов-ку, бу Амударё! — дейди Иброҳим ака худди бўз отнинг ёлини силаётгандай қўйл чўзиб. — Миндингми, доим ҳушёр бўлиб тур. Қирқ тўрт йиллик умрим, мана шундай, Амунинг бу бошидан у бошигача, бу ёғи Дарғон ота, бу ёғи Оролга сузиш билан ўтди. Мана шундай кема ортига гоҳида иккӣ, гоҳида учта баржапи тиркаб оламиз-да, сузганимиз сузган...

— Ёшингиз қашчага борди, Иброҳим ака? — деб сўрадим.

Капитан мўйловини силаб мийифида кулиб қўйди.

— Менинг ҳамма ўртоқларим пенсияга чиқиб кетишди, — Иброҳим ака аста бош чайқади. — Павел Григорьевич Середа... Мадраим Избостиев... Бизга ҳам оз қолди...

— Болалар нечта?

Капитаннинг чеҳраси яна ёришди.

— Болаларга боймиз! — дея кулди у. — Ўнта. Тўрт қиз эрга чиққан. Бир ўғил матрос-моторчи бўлиб ишлайди. Икки ўғил армияда. Бошқалари ўқийди.

— Пири бадавлат экансиз, — дедим.

— Деҳқончилик! — ҳазилга йўйди Иброҳим ака.

Бурдан кеманинг юрак уриши заифлашгандай бўлди. Капитан машина залига тушиб кетди. Мен палубада ёлғиз қолдим. Айланиб кеманинг қўйруқ томонига ўтдим. Шатакка олинган баржаларда чироқ ёқилибди. Тунука печда эса олов ёнмоқда. Матрослар балиқшўра пиширишаётганга ўхшайди. Чап қирғоқдаги тўқай устиди кечки шафақ ловиллади.

— Амударё миллионери, — дея ўзимча пичирладим кеча пристанда кимдир капитан Иброҳим Нурматовни шундай деб атаганини эслаб. Дарҳақиқат, уни миллионнер деса арзийди. Аму — Орол бўйлаб миллион кило-

метрдан ортиқ сузгандаи кейин, ўз кемасида миллион тоннадан ортиқ юк ташигандан кейин у миллионер бўлмай ким бўлсин!

Совет ҳукумати унинг хизматини ардоқлаб, қўксига Мехнат Қизил Байроқ ордени, қўш-қўш медаллар тақибди. Ҳамма жойда эъзоз-ҳурмат унини! Лекин, барибир, Иброҳим аканинг пенсияга чиқншга кўнгли йўқ кўринади. Суяғи меҳнат билан қотган-да. Айниқса мана бу ўйиоқи Аму билан, унинг сўлим қиргоқларп билан хайрлашиш менгаки оғир, ўргангап одамга жуда оғир бўлса керак.

Сочларимни силаб-тортқилаб салқин Аму шамоли эсади. Юрагимда ҳаяжон. Алави Аму сувидай тўлқинланади. Ўрта Оснёнинг бу энг катта дарёсида сузиб, қиргоқларида кезиб юриб шу дарёдай багри кенг, феъли кенг, меҳнаткаш ажойиб одамлар билан танишдим. Уларни ҳар қанча мақтасанг ҳам оз.

## Унинг сеҳргар қўллари

Ўтган йили баҳор пайти эди, шекилли. Санъат музейида Ўзбекистон рассомларининг янги асарлари кўргазмаси ташкил этилгани тўғрисидаги эълонга кўзим тушиб қолди. Бориб кўрдим. Залларда санъат шинавандаларига кўндан таниш катта усталар билан бир қаторда яқинда қанот чиқариб, тасвирий санъат осмонида парвоз қила бошлаган ёш рассомлариниг полотнолари ҳам анча-мунича экан. Кишига шуур, завқ бағишлийдиган, кўрса кўргудек асарлар.

Айланиб юриб ёғоч ҳайкал қаршисида тўхтаб қолдим. Қорақалиоқ миллий кийимида, нозиккина, бодом-қовоқ бир қиз ибо билан ерга қараганча турибди. Назаримда, ҳали замон аста бошини кўтаради-ю, уятчанлик билан мен томонига нигоҳ ташлайдигандай.

Агар бу ҳайкал тагига «Келинчак» деб ёзиб қўйилмаган тақдирда ҳам унинг келинчак эканини, келинчак бўлганда ҳам қорақалпоқ келини эканини тасвирий санъат муҳлислари пайқамасликлари мумкин эмас эди. Унда Қорақалпоқ миллый руҳи шу қадар нафис нақш этилган эдик, қараб кўзинг қувнайди.

Жўлдосбой Қуттимуродов... Нотаниш ном. «Келинчак» ҳайкалига тикилиб туриб ижодкорининг киёфасини ўзимча тасаввур қилишга уриниб кўрдим. У Кононовга ўхшаган кекса одам эмас, албатта. Агар унинг юрагида ёшлик муҳаббати жўш урмаганида қиз боланинг бадани, қиз боланинг назокатини бунчалик эҳтирос билан ясамаган бўларди. Шу билан бирга у анча ҳаёли, андишли йигитта ўхшайди: бу унинг ҳис-туйгуларни яланғоч бўрттирибмас, пинҳон сақлаб, кўз илғамас майдади чизиқларда ифодалашидан кўриниб турибди.

«Келинчак»ка маҳлиё бўлиб турганимда, кўнглимда уни яратган ижодкор билан танишиш иштиёқи тугилди.

Кузда Нукусга йўлим тушди. Шаҳарни томоша килиб юриб, тасодифан музей олдидан чиқиб қолдим. «Балки бу ерда ҳам Қуттимуродовнинг бирор асарини кўриш насиб бўлар», деб ўйладим. Ниятимнинг холислигини қаранг: музей остонасидан ҳатлаб ўтишим билан рўпарамда турган улуғвор ҳайкалга кўзим тушди. Худди эски ошнамни учратгандай қувониб кетдим: бу албатта Қуттимуродовнинг иши. Услубидан маълум, фақат уги на бундай асар яратишга қодир, дедим ўзимга ўзим. Яқин бориб остидаги ёзувини ўқидим. Янглишмабман. Ҳайкалтарош «Амударё» деб атабди бу ҳайкалини. Амуни гўзал аёлга қиёс қилибди. У сертомир, каттакон тўнкага саховатли, серирмоқ Амуга, эл-юрти учун афсонавий обизамзам, ҳаёт суви Амударёга бўлган фарзандлик ихлосини нақш қилибди.

Нукус музейи залларини айланиб юриб, Қуттиму-

родовнинг яна бир асарига дуч келдим. Бу бўй-басти новдадай қиз боланинг тут дараҳтидан йўниб ишланган ҳайкали эди. Унга ҳайкалтарош «Фунча» деб ном қўйибди. Ислим жисмига мос чиройли ном. Шундай эмасми? Ҳайкал ҳам чиройли, бекиёс. Худди жони бордай. Келинг, мен унинг нозик қадди-қомати, туриши, юз-кўзларидаги фасоҳат ҳақида ортиқ сўзламай қўя қолай. Қисқасп у куй, ёшлиқ таровати, инсон гўзаллиги ҳақидаги куй!

Эҳтимол кўпни кўрган бирорта доно санъатшунос менинг бу таъсирчанлигимдан кулар. Антик дунё маъбудаларининг тош ҳайкаллари, Ўғониш даврининг буюк усталари Микельянжело, Леонардо да Винчи, Рафаэль, қолаверса Кононов, Вучетич, Мухина ва бошқа катта санъаткорларнинг ижодидан бехабармисиз, деб киноя қилар. Тўғри, улар буюк. Аммо шу дамда менинг юрагимга яқин, руҳимга илиқлик бағишилаб турган асаллар нотаниш замондошим Қуттимуродовнинг «Келинчак» санами, «Амударё» ва «Фунча»си бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам Нукусга келганимдан фойдаланиб бу санъаткор билан танишишга ошиқдим. Ёнимда юрган музей ходимидан унинг адресини сўраб, тўғри уйига бордим. Шаҳар истироҳат боғининг қаршисида турар экан. Эшикни йўл-йўл хоразмча қизгилт чопонни елкасига елвагай ташлаган, бўйи ўртадан баландроқ йигит очди.

— Келинг,— деди камтарлик билан.

Рангпаргина, ўта таъсирчан, мулоийим чеҳра. Танишдик.

Чоғроққина ҳовлидан ўтиб уйига кирдик. Йўлакда бизни нозиккина бир жувон қарши олди.

— Наима...— дея таништириди Жўлдосбой.

Наима хонимни ўзгачароқ қиёфада бўлса-да, илгари кўрганман... Ҳайкалтарошнинг илҳом париси.

Меҳмонхона Қуттимуродов учун ишхона вазифасини

ҳам ўтайверар экан. Ўртадаги столда каттагипа тўла турибди. Қизиқсиниб қараганимгами, уй эгаси кулимсираб:

— Араванинг гупчаги,— деб қўйди.

Яқинроқ бориб қарадим. Назаримда, парда қия очи-либ, ичкаридан икки жуфт кўз мўралаётгандай туюлди менга.

— Кўпдан Лайли ва Мажнунга ҳайкал қўйсам деб юарднм...— Жўлдосбой ўзининг яиги бошлаган иши тўғрпсида гапириб берди.

Демак яқин ўртада, парда очилади. Томошабин юз йиллар давомида авлодлар дилини ҳаяжонга солиб келган ошиқлар подшоси Қайс, вафо элининг маликаси Лайли билан яна учрашади. Ҳайкалтарош исказасининг кескир тиги теккан ёғочга боқиб мусаффо қалбларга ҳамиша куч, илҳом бағишловчи қўшиққа айланиб кетгай, муҳаббат оташида эса пайванд бўлган бу жуфт вужудининг шарпасини аён сездим.

— Аммо бу ҳали орзу,— деб қўйди Қуттимуродов.

— Орзунинг ушалади,— дедим ишонч билан.

У ясаган ҳайкаллар, у чизган суратларни кўрган сарим ёш бўлса-да, ўта қобилиятли бу қўли гул санъаткорга ҳавасим орта борди. Савол устига савол ёғдириб бу камсуқум йигитдан анча-мунча нарса билиб олдим.

Жўлдосбойнинг дадаси Қуттимурод ака зиёли, она томондан бобоси дурадгор, ҳар иккиси ҳам эртак ва достонларга кон кишилар эди. Жўлдосбой тўрт-беш ёшида-ёқ улардан эшигтан афсоналардаги ботирларнинг суратини чиза бошлайди. Бобоси кўриб суюнганиданми ёки ўқниганидан: «Менинг қўлимдан касбимни олар деб юрсам сураткаш бўлар экан-ку», деб бош чайқайди. Дар-ҳақиқат бобоси башорат қилгандай бўлади. Биринчи синфдалигида-ёқ ўртоқлари Жўлдосбойни «рассом» деб тан олишади. Шундан бошлаб то ўнинчи синфи битир-

ганига қадар мактаб деворий газетасининг деярли барча сонларини Жўлдосбой безаб чиқаради.

У бўйи чўэнлиб йигит бўла бошлаганида олис юртларга саргузашти саёҳатлар қилишни қўмсаб қолади; Айвазовскийнинг сеҳрига илениб, дengиз тўфонларига йўлиққан дengизчиларни тасвирилашни орзу қилади. Шу ниятда ўсан эли Кегейлидан Ленинградга йўл олади. Денгизчилик билим юртида икки йил таҳсил кўради. Бу вақт ичида анча-мунча расмлар ҳам чизди. Бироқ Қорақалпоқ чўлининг қуруқ ҳавоси, жазирама иссиғига ўргангандай йигитга шимол совуғи, нам дengиз ҳавоси ёқмади. Қасал бўлиб қолди. Талант, санъат қадрига етадиган билим юрти бошлиги курсант Қуттимуродовни Бенъков номидаги Тошкент тасвирий санъат билим юртига йўллади. Жўлдосбой ўқиши мувваффақият билан тугаллади. Ленинград Давлат тасвирий санъат академиясига тавсия этилган номзодлар ичида унинг номи ҳам бор эди. Жўлдосбойда академияга бориб машҳур санъаткор устозлар қўлида таълим олиш ҳаваси нақадар зўр бўлмасин ҳавасдан ақл мушоҳидаси устун чиқди: У Ленинграднинг дengиз ҳавоси ўзига ёқмаслигини бир карра синаб кўрган. Шунинг учун ҳам ноилож воз кечди. Тошкентда қолиб Театр санъати институтига кирди.

— Олтмиш олтинчи йили зилзилада Тошкентда эдим,— дея ҳангома қилди Жўлдосбой Наима хоним дамлаб кирган кўк чойни қайтара туриб.— Вой-бўй, даҳшат бўлди-ку. Айниқса Қашқар маҳалла...— у оғир бош чайқади.— Оёғинг ости дам-бадам тўп отгандай гумбурлаб, шувоғи тўкилиб турган уйга киришга юрак безиллаб қолган ўша ваҳимали кунлардан бирнда Анҳор ёқалаб кетаётган эдим, томирлари тарвақайлаб ётган улкан ёнғоқни кўриб қолдим. Зилзиланинг заарни шу дарахтга ҳам тегибди. Саржинчиларга арралатдим-

да, тўморми машинага ортиб квартирамга олиб кетдим.

Эл-юрт хумориси, айниқса, киши бошига кулфат тушганда қаттиқ тутадими деб қўйдим.. Яхшиям тўморми топганим. Қўлдан қачовни қўймай ҳамма нарсани уутиб, иш билан овундим...

Жўлдосбой ўз кечирмаларини ҳикоя қилаётиди-ку, менинг хаёлим музей даҳлизидаги улуғвор ҳайкалда. Жўлдосбойнинг зилзила тўхтовсиз давом этиб турган ваҳимали кунлардаги руҳий ҳолатини равshan ҳис этдим. Эл-юрт хумориси, дили дилига яқин одамлар меҳри—бари-барини ҳайкалтарош «Амударё»га тўкканини, сингдирив юборганини сезиб турибман.

— «Келинчак»ни бўлса келин висолига етишгач ясангандирсиз?— деб тегищдим.

Жўлдосбой кулимсираб бош чайқади:

— Уни ҳам Тошкентда ясаганман. Ёғочини Эски шаҳардаги ўтин бозордан топдим. Қурт емаган бутун ўрик ёғоч... сал кечикканимда арраланиб кетар экан... Келин у вақтда Кегейлида эди... у ҳам ўқирди.

— Ўртадаги масофа йироқ, икки минг километрча бўлишига қарамай келиннинг кўринишини «Келинчак»ка шундай кўчиргансиз-қўйгансиз.

— Йўғ-эй— Қуттимуродов кулимсиради.— Ўзингиздан қолар гап йўқ, ижодий ишда умумлашма бўлади, хаёл, фантазия аралашади...

Жўлдосбой ўзи сезмагани ҳолда, бобосидан мерос қолган исканани қўлига олди. Гапириб туриб ишга киришиб кетди. Унинг жоду қўллари теккан ёғоч гўё аста-секин пўст ташлаб, ажиг бир шакл ола бошлади. Унга жон кираётгандай эди назаримда.

## Мугурдак арава

Хоразмшоҳлар сулоласидан бўлган Исфандиёрхоннинг мотам пардаси ичида фисқ-фужур, айш-ишрат, фаҳш ва қон тўкиш билан ўтган қирқ кечаю қирқ кунлик «хилватга чекиниши» ҳақида расмий манбалар шундай хабар беради: 1915 йилнинг охирида Исфандиёрхоннинг биттаю битта ўғли, ўн икки ёшли Шаҳзода Темурғози тўра тўсатдан вафот этади. Хон Хоразм таҳтининг меросхўри бўлмиш фарзандининг вафоти туфайли давлат ишларидан қўл ювади. Қирқ кун мотам тутишга қарор қилиб хилватга чекинади.

Исфандиёрхонни беш панжадай билган вазири аъзам Матвафо Бақдол ўғли, Ашур маҳрам, Абдуллабой ва бошқа сарой аёнлари маслаҳатлашиб, ўзларича хоннинг кўнглини олиш йўлини топадилар: қирқ кунлик мотам давомида «олий ҳазратлари» қўйнига ҳар куни биттадан қиз солиш лозим деб биладилар. Улар азбаройи садоқатлари жўш уриб, ўз қизларини қўшган бўлсалар керак деб ўйламанг. Аркони давлат хон кўнглини овлаш учун қирқ қизни фуқародан тортиб олишга қарор қиласдилар. Қорақалпоқлар чекига ўн қиз, қозоқлар чекига ўн қиз, ўзбеклар чекига эса йигирма қиз тушади (туркман овулларида хонга қарши ғалаёнлар бўлиб тургани туфайли туркманлар чекига тушган ўн қизни ўзбеклардан олишни маъқул кўрадилар).

Расмий бўлмаган, оғиздан оғизга ўтиб бизгача етиб келган ривоятларда эса Темирғози тўранинг қўйқисдан ўлими ва хоннинг қирқ кунлик мотами шундай изоҳланади: ёш шаҳзода кўп сонли оналаридан бирининг қайсиdir маҳрам билан ўйнаш эканини кўриб қолади. Сирлари фош бўлишидан қўрқсан ошиқ-маъшуқ Темурғози тўрани заҳарлаб ўлдирадилар. Энди Исфандиёрхоннинг

қириқ кунга чўзилган мотамини фисқ-фужур билан ўтка-зишинга келсак кўрган-билган ёки узун қулоқдан эшит-ган кишиларнинг айтишларига қараганда бунинг асл сабаби ҳам бошка, мотам — фақат баҳона бўлган халос. Исфандиёрхон Оқподшо ҳузурига бутун Хоразмнинг бир неча йиллик даромадини олиб Петербургга боргани-да уни, албатта, иззат-икром билан кутиб оладилар. Тантанали қабул маросимида малика Александра Фе-доровна ҳам иштирок этиб, кўп меҳрибонликлар кўрса-тади. У билан бирга яна ўнлаб моҳлиқо хонимлар... Умрида бундай ажойиботни кўрмаган, узоқ осиёллук «мўмин-мусулмонлар паногоҳи»нинг қони қайнаб, кўз-лари ўйнаб кетади. Николай иккинчи рафиқаси — Alise Александра Федоровнанинг яланғоч, оппоқ елкаларига Исфандиёрхоннинг суқланиб тикилаётганини пайқаб қо-лади. Шу кечасиёқ хон ётоғига «шоҳона инъом» жўнати-лади — бу кўпларнинг қўлидан ўтган битта фоҳиша эди...

Исфандиёрхон Оқподшо ҳузуридан Хивага қуруқ қайтмади — захм орттириб келди. Хон яқин кишилари-га ўз дардини айтиб, даво излайди. Сарой табиби билан вазири аъзам Матвафо, Ашур маҳрам, Абдуллабой, Шоҳназарбойлар ўйлаб-ўйлаб хон ўз касалини қирқта қизга юқтиурса заҳми сўрилиб тузалиб кетади, деган фикрни айтишади. Дин пешволари — Одам Охунд билан Жалол эшон ҳам маъқуллаб фатво берадилар. Темур-ғози тўранинг вафоти, қирқ кунлик мотам хонга бир ба-хонагина бўлади. Шу куниёқ қора паранжига ўранган шумоёқ даллол хотин тушган мугурдак арава Хиванинг Урганч дарвозасидан чиқиб Хўжайли томон йўл олади.

1916 йил январь ойининг бошида хон ҳарамида Эна-жон исмли қиз пайдо бўлди. Уии Қорақалпоғистоннинг Хўжайли шаҳрида истиқомат қилувчий қассоб Дўсниёз Юсуф ўғлинишиг уйидан — ота-она багридан юлиб олиб келдилар.

Оҳ, бу лаънати мугурдак арава не-не ота-оналарни қон қақшатмаган! Унинг номиёқ ис-исе қизларни қўрқувдан дир-дир титратмаган! Мана шу мугурдак арава фожиасини ёзишга киришган куним ишхонамга кириб борсам, деразада бир мусича ўтирган экан. Очиқ дарчадан киришга кирибди-ю, қандай чиқиб кетишни билмай қамалиб қолибди. Унга яқинлашганимда ҳуркиб ўзини ойнага урди, қаютини ёзиб питир-питир қиласди. Азбаройи ўзини ҳар ёққа урганидан патлари тўзиб, тумшугидан қон келиб кетди. Үн олтинчи йилнинг ўша машъум январь кечаси бўм-бўш совуқ хонага қамаб қўйилган Энажоннинг олдига Исфаидиёрхон кўзларида ҳирс, оч мушукдай яланиб кириб келганида бечора қиз худди шу мусичанинг аҳволига тушмаганмикан? Қаттиқ қаршиликка учраб юзлари тирналган, соқоли юлиниб мақсадга эришолмаган хон жазаваси тутиб, Энажонни бўғиб ўлдиради. Жасадини эса ота-онасига юбортиради. Эртасига ҳам ҳарамда худди шундай фожиа юз беради. Бу сафарги қурбон манғитлик Жаббор темирчининг қизи Ойман — Ой қиз эди. Ойдай қизларини тириклайин бериб ўлигини қайтариб олган ота-оналарнинг аҳволини кўз олдингизга келтириб кўринг-а! У бечора снтамдийдаларнинг оҳ-фарёдлари етти маҳаллани бузган, ёшу қарини зор йиғлатган бўлса ажаб эмас.

Хон зулми этдан ўтиб суюкка етгай, талангани, хўрлангани аламзада халқ бу шумликка ортиқ чида буролмади. Қоракалтак бўлиб Хивага қараб юрди. Хўжайлида халқ қўзғолонига Авазжонхўжа, Манғитда Жаббор темирчи бош бўлди. Сон-саноқсиз солиқлар-ўлонлардан, ерсизлик-сувсизликдан азоб тортаётган туркман камбагаллари ҳам уларга қўшилди.

Аллақачон таг замини чириб, қилтиллаб турган Хива тахти халқ ғазаби бўронидан чархпалак бўлиб кетиши муқаррар эди. Фақат у чоризм найзасининг зўри билан-

гина жон сақлаб қолди. Ўн олтинчи йил халқ ўртасида «Галкин йили» деб аталпши бежиз эмас. Генерал Галкиннинг жазо отряди қўзғолончиларни қонга белади. Нечакиша қорақалпоқ, туркман овуллари, ўзбек шаҳар-қишлоқларини тўпга тутиб кулини кўкка совурди. Манғитда Жаббор темирчи бошлиқ қўзғолончилардан ўн бир кишини, Ургаичда ўп тўрт, Гурланда етти кишини тутиб дорга осди.

Хўжайлига борганимда ўша машъум «Галкин йили»-нинг гувоҳи—Қутлиқиз момо билан учрашдим. Момо ўн олтинчи йилнинг баҳорида Хўжайли ерларининг бети қизғалдоқдан эмас, эл қони билан қизарганини, бозор майдонига қурилган дорлар, уларга осилган қўзғолончиларнинг мурдалари аҳоли юрагига ваҳима солиб неча кунлар турганини эслади.

Қутлиқиз момо, хон қўлида ҳалок бўлган Энажон қизнинг кўриниши, қиёфасини суриштирганимда эслолмади. Аммо фаҳш хонга қарши ўз ориятини ҳимоя қилиб исён кўтарган ҳалққа бош бўлиб ҳалок бўлган поки-за қалбли йигит Авазжон тўғрисида онаси Шукуржон тўқиган, кейинча оғиздан оғизга ўтиб юрган қуйидаги қўшиқни айтиб берди:

Авазжон бий бўлиб бийлик қилмай,  
Зар чакманин ийнларина киёлмай,  
Хўжайлининг бир қизини жиёлмай,  
Бир қиз учун ҳалок бўлди, наилайнин.

Золим душман кирди қала ичина,  
Галкин келди Хўжаларнинг қастинда.  
Авазжон бий ўлди дорнинг устинда,  
Бир қиз учун бўлди фидо, наилайнин.

. . . . .

Кексалар айтмоқчи, элнинг кўз ёши ёвузларнинг ёқасидан тутди. Қасос, муқаддас қасос куни ҳам етиб келди! Подшо, хон тахти қунпаякун қилинди. Собиқ Хива

хонлигидаги маъкум, тутқун ҳалқлар эндиликда озод ва фаровон яшамоқдалар.

Яқинда Мангитга борганимда Ойқизнинг изини қидирдим. Кўрган-билганлар бормикан, деб суриштирдим.

Амударё район ижроия комитетининг раиси Йўлдошбой Файзуллаев ҳузурида бўлганимда ҳам «Ойқизни билганлар борми?» деб сўрадим. Менинг саволим Йўлдошбой акани ўйлантириб қўйди. Қалин бодомқовоқлари босиб тушди, лаблари қимтилди. У бир дам ерга тикилиб турди-да, жовоондан аллақандай катта дафтар олиб варақлай бошлади. Кейин билсам бу дафтар ўзига хос Мангит тарихи... Мангит, мангит аҳолисига алоқадор барча муҳим воқеалар унда қайд этилган экан.

Йўлдошбой aka ўн олтинчи йил, йигирманчи йил Хоразм инқилоби, гражданлар уруши тарихий воқеаларига алоқадор одамлар рўйхатини бирма-бир кўздан кечириб чиқди.

— Ойман қизни билса бир Айтбой бобо билан Садат кампир билади,— деди дафтарини ёпа туриб.

У менга ўйчан қараб туриб қаергадир телефон қилиди. Раъно исмли аёлдан ҳол-аҳвол сўради. Онасини йўқлади. Күёви, болалари ҳам қолмади. Гапнинг паст-бальандига қараб туриб Йўлдош aka ҳозир Садат кампирнинг қизи билан сўзлашаётганини сездим.

Раъно аптека мудири экан. Онаси қандайдир қарин дошларининг қирқини ўтказгани кетибди. Эрталаб келар экан.

Шундан кейин Айтбой бобони қидириб бордик. Унча узоқ бўлмаган жойда жин кўча ичидаги тураг экан. Эшикдан кириб борганимизда ҳовли тўридаги айвонда оппоқ соқолли, ёноқ суюклари кенг, барваста бир чол кўрпачада ёнбошлаб ётган эди. У бизнинг шарпамизни сезди шекилли, ўрнидан қўзғалди. Пешанасига кафтини соябон қилиб ҳовли томонга тикилди.

Салом бериб қўлини олдик. Биз қидирган Айтбой бобонинг ўзларп әкан. «Сизни кўргани келдик»,— дедим. «Умрингдан барака топ, ёшулли»,— дея дуо қилди.

Ҳангомалашиб ўтириб ўтган кўнлардан гап очганимда бобо ўйланиб турнб бош чайқади:

— Жеппор... Ойман...— у яна бош чайқади,— эслолмадим, ёшулли.— Бобо узр сўрагандай жилмайди-да, қўшиб қўйди.— У вақтда ёш бола эдим. Бироқ генерал Галкин Манғитини ўтлаганда биз Тўрткўл томонга қочганимиз... Мол-дунё барини ташлаб... буни биламан...

Бобо сўзлаётганида тарих саҳифаси жонлапиб кетгандай бўлди. Орқада ўт ичида қолган кўхна шаҳар. Тутундан димнқан молларнинг бўкиришин, отларнинг аянчли кишнаши. Даشت-далада эса қочиб бораётган ярим ялангоч оломон. Бола кўтарган оналар, ҳолдан тойган кексалар, соchlари тўзғига қизлар... Улар орасида фақат Ойқиз, аламдийда халқиниң қасос байробига айланган қизгина йўқ.

Манғит тупроғига қадам босганимдан бошлаб эсҳушимни Ойқиз фожиаси чулғаб олган эди. Айтбой бобо ҳузуридан чиққаимда ҳам хаёлим унда эди. Йўлда кетаётиб ҳам кўхна тупроқдан унинг изларини қидирдим. Дуч келган ойжамол қизга боқиб: «Ойқиз балки унга ўхшар?»— деб тахмин қилдим. Шу куннинг эртасига эрталаб Садат кампирникига кириб борганимда ҳам унинг чеҳрасидан ўн тўрт кунлик ойдай тўлишган гўзал Ойқизга хос белгиларни қидирдим.

Рўпарамда Ойқизнинг tengдоши, қисматлари ҳам ўхшаш, фақат хон чангалидан тасодифан омон қолган Садат кампир турарди. Мен унинг бир осмон остида яшаб, бир фазодан нафас олаётган замондошлим эканини унутиб, тарих ёдгорлиги қаршисида анграйиб қолгандай турганлигимгами, момо бетўхтов кулимсиради.

Йўқ, уни етмиш уч йиллик қингир-қийшиқ, ўнқир-

чўнқир замон букиб ташлай олманди. Балки, халқ айтмоқчи, палаги тозалигидандир. Мана, алифдай бўлиб қаршнимда турибди. Бошида қўш шол рўмол, эгинда енгиги бармоқларининг учигача ёнгудек узун кўйлак, кўк духоба камзул. Ҳали ўткир қўй кўзларида эса саволомуз кулги жилваланади.

Орқароқда кўрпача солиб жой ҳозирлаб юрган қизил атлас кўйлакли жувон унинг қизи, Йўлдош ака телефонда гаплашган ўша Раъно бўлса керак, бўй-басти қуйиб қўйғандай Садат бувининг ўзи. Очиқ деразадан майкачан бир бола билан соchlари жамалак қизча биз томонга ўғрича қараб туришибди. Уларнинг ҳам зуваласи Садат бувидан узилган кўринади.

Айвонда меҳмондўст жувон дамлаган кўк чойдан ичиб ўтириб Садат бувини гапга солдим.

— Исфандиёрхон сизга илтифот қилиб мугурдак арава юборган экан,— дедим.

Буви лабига бармогини босиб кулиб қўйди.

— Оти ўчсин,— дея шиншиди.— Бир куни мана шундай дастурхон атрофида ўтирган эдик. Матниёзбийдан навкар келди. «Бегмурот чобиқ борми?» деб... Бобомиз ёв билан олишганда юзига қилич тегиб чобилган экан. Шунга отамизни ҳам «чобиқ» деб чақиришар эди.

Отамиз ҳокимникндан ранги ўчиб қайтиб келди. Онам билан шивир-шивир сўзлашдилар. Онам: «Вой манглайи қора!» деб ўзини уриб йпғи бошлади. Отам: «Жим! Йигидан не фойда?» деб берди. Кейин қаёққадир кетди. Онам менга қарайди, йиглайди. Ўзича пи chir-пичир қиласди. Сўрасам айтмайди. Бир вақт отам келди Дорға бобога маслаҳатга борган экан...

— Қим у?— деб сўрадим.

— Бобомизнинг дўсти...— жавоб қилди Садат буви.— Кўпни кўрган доно қария... «Ҳазрат деган, садагаси кетай, фуқаронинг отаси бўлмайма!» дебди дорға бобо.

Шундан кейингина ҳамма ташвиш менинг учун бўлаёт-  
ганини билиб қолдим. Бирпасда тоғалар тўпландилар.  
Ҳамманинг оғзида «мугурдак арава», Ваҳима! Мени  
бўлса қоронғи сомонхонага олиб кириб бекитдилар.  
Отам дарвозанинг бир томонида болта ушлаб ўтирибди.  
Эшмамат акам қўлида пичоқ, иккинчи томонида ўтириб-  
ди. Сомонхона эшигининг ёриғидан кўриб турибман.  
Бир вақт дарвоза олдига отлиқ икки навкар билан ўсти  
ёпиқ арева келиб тўхтади. Ўша отинг ўчигир мугурдак  
арева! Ундан Матниёзбийнинг хотини Розия билан хон-  
нинг қўшмачиси Хатира маҳрам тушди... Қадами етган  
уйнинг шўри қурийдиган ўша жодугар Хатира! Пакана-  
гина, қақанглаб турган қорача хотин... Отам уларнинг  
йўлини тўсди. Навкарлар хонининг ғазаби қаттиқ экани-  
ни айтиб дўқ-пўписа қилишди. Отам бўш келмади.

— Үлигимни босиб ўтасизлар! — деб қаттиқ турди.

Хатира маҳрам вафирлайди, навкарлар қамчи силтаб  
бақиради... Барини эшикнинг ёриғидан кўриб турибман.  
Ахийри мугурдак арева жилди. Кўз олдимдан юрагим-  
га ларза солаётган тобут қуригандай бўлди.

Садат бувининг ҳикояси давомида (аминман бу би-  
ринчи эшитиши эмас, шунга қарамай) тиззасини қучоқ-  
лаганча диққат билан қулоқ солиб ўтирган Раъно хўр-  
синиб қўйди.

— Она, бобом яхшиям сизни олиб қолгани! — дея қу-  
вончини очиқ изҳор қнлдп Раъно. — Бўлмаса биз бу  
дунёга қаёқдан ҳам келардик.

— Хў-ў, қаёқда! — деб қўйди Садат буви. — Ҳарамга  
олиб кетилган қизларнинг ўлиги қайтса қайтганки, ти-  
рик қайтмаганлар.

— Айби нима уларнинг? — Раъно елкасини қисди.

— Айби қиз бўлиб туғилгани-ю ҳусни-жамоли. — Са-  
дат буви қизига қараб аста жавоб қилди.

— Ҳамشاҳарингиз Жаббор темирчиининг қизи Ойман-

нинг қисмати шундай бўлган экан,— деб айтиб бердим.— Эшитганмидинглар?

Садат буви қошларини чимириб ўйланиб турди-да, бош чайқади.

— Сизларнидан қуруқ қайтган мугурдак арава балки Жаббор темирчиникига тўсатдан бостириб кириб, Ойқизни зўрлик билан олиб жўнагандир,— дея ўз тахминимни гаппидим.

Раъононинг ранги ўчди, кўзларни катталашди. Ўтирган ўрнида бир сесканиб тушди. Садат буви: «Оҳ, бечора»,— деб қўйди.

Тўғри, адолатсиз ўтмишда ундаи бечоралар, очилмай туриб сўлган гул-ғунчалар оз бўлган дейсизми! Раънога қараб, чўчиманг синглим, сиз ҳур, эркин дунёning баҳтиёр фарзандисиз. Ойқизлар бошига тушган фожия, онангиз кечирган мусибатни сиз кўрмайсиз. Чунки тенгсизлик, зулмат дунёси Ленин, Октябрь туфайли қайтмасга кетган, дегим келади. Кўпчиликка қўёшдай аён бу ҳақиқатни такрор-такрорлагим, ёшларга қаратса, қадрига еting бу куннинг, дегим келади.

## Орол фарзандлари

Бошимни кўтарнуб каюта дарчасидан ташқарига қардим. Назарим жигар ранг сувга тушди. Ағдарилиб тўнтирилиб, қайнаб оқаётган бепоёи Аму. Тонг отибди. Палубага чиқдим. Қемамиз қирғоққа тақалиб турибди. Кўз илгамас тўқай. Кун чиққани билди табнат тунги салқин ва шабнам асоратида жунжикуб тургандай.

Нарироқда шийлон, бир неча оқ том кўринади. Бу срни Ўрдабой дейдилар. «Амударё» балнўчилик колхозининг участкаси. Колхоз майдонининг бу четидан у че-

тига етиш учун олтмини километрдан ортпқ йўл босиш керак. Устортдан Сирдарёгача чўзилган, Амунинг ўнлаб ирмоқлари тилкалаган, юзлаб-минглаб ойна кўллар пардоз берган бу улкан ўлкада «Амударё»дан ташқари яна ўнлаб балиқчи, чорвадор колхозлар, шотикор совхозлар бор...

Мингкўл ўлкаси ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ўзининг ойдин кўлларидан урчиган ғиж-ғиж балиғи, овбоп ўрдаклари, ҳамиша шеъриятга илҳом бериб келган оққушлари билангина эмас, жирвлари, шоирлари билан ҳам машҳур. Ўлмас «Қирқ қиз» достонини элга ёйгаи ва доно, сўзамол қиз Мекеш билан айтишувлари ҳамои оғиздан-оғизга ўтиб юрган Ажиниёз, халқ дардини, халқ баҳтини куйлаб ўтган Бердақ, Аяшберган шоир, яна кўпгина сўз усталари шу ўлканинг фарзандларидир. Шоирлар ўлкасида, Аму ирмоғи Оқдарё бўйида туғилиб вояга етган Тиловберган оға бу ерларнинг табиати, бойлигини таъриф-тавсиф қилиб бир ҳангома сўзлади:

— Шу ерга яқин жойда Ёмон Ловзак кўли бор.— Шоир ўнг қирғоқдаги қалин тўқай томонни кўрсатиб қўл чўзди.— Жуда теран. Биз болалик вақтимизда ота-опаларимиз чўмилгани қўймас эди. Сабаби — сув ичгани кўл бўйига келган сигир-бузоқ, от, ҳатто туялар ҳам чўкиб кетарди. Ёмон Ловзак аталишининг боиси шундан. Кексалар, бу кўлда улкан лаққалар — наҳанг балиқлар бор, улар қирғоқча яқин келган мол-жонни қўйруғи билан бир уриб сувга йиқитади-да, ейди, дейишарди. Отамнинг айтишинга қараганда, бир йўлбарс қирғоқда пойлаб туриб юзага чиққан наҳангни шартта тишлиб отибди. Кейинча одамлар Ёмон Ловзак бўйида ўлиб ётган жуда катта наҳанг билан йўлбарсани кўришибди. Йўлбарс наҳангни тишлиб отганида бели узилиб кетган экан. Одамлар наҳангнинг қорнини ёрганларида ичидан иккита йўлбарс боласи чиққанмиш... Бу тўқайларда тўн-

ғиз, чиябўри, қуён, қирговул ҳозир ҳам кўп. Қадимда йўлбарс ҳам бўлган, кўлларда беш газ келадиган лақ-қалар сузib юргани аниқ. Болалигимда ҳатто ўзим ҳам тутганман! Бир ўртоғим билан Ойдинкўлда балиқ овладик. Қарасак қайигимиз ўзидан-ўзи сузib кетаётибди... Қамишлар қайиққа урилиб шиқир-шиқир сина бошлигандан кейин пайқабмиз. «Ўй-бай, не бало?», деди ўртоғим. Кўм-кўк сувда лаққанинг сирти қоядай қорайиб кўриниб туради. «Жим», дедим ўртоғимга. Қайиқ қиргоққа яқинлашганда секин тушдим-да, тўронғидан сўйил синдиридим. Лаққанинг бошини мўлжаллаб туриб бир туширдим... Қармоқ тизмаси — желани паққос ютиб юборган экан, жонивор: икки бола ҳа-ҳалашиб лаққани қайиққа ортиб, Тимофеев деган балиқчи савдогарнинг чўлонига олиб борганимиз. Тимофеев лаққанинг у ёқ-бу ёгини кўрди-да, кўзини қисиб кулиб: «Эй, бунга туз кўп кетади. Қеракмас», деди. «Энди нима қилдик?», деб ҳайрон бўлиб бош қашиб турганимизда бойнинг кўса гумаштаси: «Яхши болалар экан. Қуруқ қайтарма», деб орага тушди. «Майли, сенинг сўзинг ерда қолмасин. Олсам олай. Бироқ туз кўп кетади-да», деди бой қийналгандай бўлиб. Олди. «Манглайларингни танғиб юринглар», деб икки лахтак чит берди. Икковимиз ҳам қувониб қолдик. Қайиқда сузib кетяпмиз-у, бир-бирамизга қараймиз. Чит билан пешапамизин танғиб олганимиз. «Мана энди ҳақиқий балиқчиларга ўхшадик», деб оғзимпз қулогимизда...

Кемамиз гоҳ ўпқонга тушиб кетгандай, гоҳ қирга улоқтирилгандай қаттиқ чайқала бошлади. Аму тугаб Орол денгизига чиқиб қолдик. Ҳақиқатан ҳам унча узоқ бўлмаган масофада зумрад ҳошия каби сувн кўм-кўк кўкариб турибди. Нақ манглайнмда қуёш. Назаримда олам улкан ойнага айланди-ю, ялт-ялт этиб кўзи қаштириди.

Рўпарада балиқчи кема кўринади. Теварагида қайиқлар фолбиннинг тошидай сочилиб ётиби.

Денгизда донгдор балиқчи Аяп Назархоновни учратдик. Ҳамма балиқчилар каби унинг оёғида ҳам узун қўнжли резинка этик, эгнида комбинезон. Бошида жимжимадор гилам дўпии. Баланд бўйли киши, Аяп Назархоновнинг тўр ташлаб балиқчилик қила бошлаганига ўттиз йилдан ошди. Бу орада қирқ иккинчи йилдан қирқ саккизинчи йилгача Совет Армияси сафида хизмат қилди. Гитлер галаларининг ўмгаини узиб муқаррар яримжон қилиб қўйган ўша машҳур Курск—Орёл жангидаги қатнашди. Душманни Шарқий Пруссиягача қувиб борди. Бир эмас тўрт марта яраланди. Кўрсатган жасорати учун «Қизил юлдуз» ордени, «Жанговар хизматлари учун» медали билан тақдирланди. Қирқ саккизинчи йили ўз овулнинг қайтди. «Коммунизм» колхозида яна коммунизм қуриш йўлида енг шимариб ишлай бошлади. 1959—1965 йилгача бўлган етти йиллик планни тўрт йилда бажаргани учун ҳукумат унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон бериб, кўкрагига Ленин ордени билан Олтин юлдуз тақди.

— Меҳмонлар, ҳу-ув анави мотофелюгада балиқ шўрва пишиб ётириш. Кўнгилларинг тортса, биз билан тушлик қилинглар,— деди Назархонов узоқда денгиз юзасида қалқиб турган кема томонга ишора қилиб.

— Нега кўнглимиз тортмас экан! Оролга келиб сиздай одамнинг қўлидан балиқ шўрва ичмай кетсан сафаримизнинг нима қизиги қолди?— дедим.

Назархонов жилмайди-да, муртини силаб қўйди.

Кема томон сузиб кетаётганимизда бригаданинг ишларини сўрадим.

— Бригадамизнинг жагдайими? Ёмон эмас,— деб қўйди Аяп.— План тўлай деб қолди. Ҳозир, асосан, келгуси йил овининг тараддуидамиз.

Гапига тушунмадим. Қандай қилиб? Шишадай денгиз сатҳида қорайиб-қорайиб турган қайиқларга кўз ташладим.

— Бригадамда олтмиш балиқчи. Кўпчилиги кўлларда...

— Кўлда ов қилишяптими? — деб сўрадим.

— Иўқ,— Назархонов гапимни бўлди.— Бу пайт кўлларда ов қилиш жиноят! Иссин пайтда урчтилган чавоқларни дока билап тутиб денгизга қўйинб юборилади. Қишида чучук сувли кўллар музлайди. Муз тагида қолган балиқлар ҳаво етишмай қирилиб кетади...

— Э-ҳа, деҳқон бўлсанг куз ҳайдо, куз ҳайдамасанг юз ҳайдо, деган ташвиш сизларда ҳам бор экан-да.

— Беташвиш ҳаёт ҳаёт эканми! — деб қўйди Назархонов.— Мана ҳозир Довкампир кўлини депгизга туташтириш учун канал қазиётирмиз.

Мен эгпига комбинезону оёғига узун қўнжли резинка этик кийган, жанговар йилларда солдат бўлган, тинчлик йилларида эса балиқчилик қилаётган бу меҳнаткаш инсонга зимдан қараб туриб, ҳурматим ортди. Ўзи оддий балиқчи, борингки, бригадир. Ўй-рўзгори ҳақида лом-мим демади. Бошида бутун колхознинг ташвиши, колхозим бўлсин, эл-юртим бўлсин, дейди. Келажакни ўйлади.

Теплоходимиз сувда аста чайқалиб турган шийпон нусха кемага яқинлашганда Аяп Назархонов мотор товушини босиб қичқирди:

— Месъё! Шўрва пишдими?

— Тайёр! — деган жавоб эшиплди у томондан.

Товуш эгаси шляпали, ёноқлари чиққан қорамағиз киши. Пастки лабидан энгагигача тушган калта соқоли билан бошқалардан ажралиб турарди.

Кемага ўтиб қўл олишдик. Қисиқ чагир кўзларида меҳмондўст, илиқ табассум. Мезбон — зуваласи пишиқ қорақалпоқ. Нега энди у «Месъё» бўлар экан?

Лаганда балиқ, косаларда эса шўрваси келди.

Қўй гўшти шўрвасидан қолишмайди. Айниқса помидор солиб пиёздоф қнлингандан кейин таъми бошқача бўлиб кетаркан. Палубада ёзилган дастурхон атрофида чордона қуриб ҳангомалашдик.

Назархонов мезбонга яиа «Месье» деб мурожаат этди. Унинг қулогига шивирлаб:

— Узининг оти шундайми? — деб сўрадим.

— Йўқ,— бош чайқаб жилмайди у.— Оти Мамбетназар. Фамилияси Абдинаимов.

— Унда нега «Месье» дейсиз?

«Мамбетназар Абдинаимовга тегсин», — деб Франциядан ёзилган хатлар келиб туради, — Назархонов нарироқда чой дамлаётган мезбонга бир қараб қўйди-да, гапида давом этди. — Франция Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида иштирок этган. Узидан сўранг, яхши гурунг қиласди.

Чой ичиб ўтирганимизда сўрадим.

У ерга қараб жилмайди:

— Несин айтади? Барн ўтди-кетди.

— Айтаверинг. Французлар қандай одамлар экан, биз ҳам билайлик-да! — Мотофелюга мотористи — паҳмоқ соч ёш йигит илтимос қилди.

— Қандай бўларди? — дея кулди Мамбетназар. — Тури сенга ўхшамаса-да, қилиғи ўхшайди. Баъзан моторни бирдан босиб келиб юборасан-ку, балиқларни ҳуркитиб, одамларни чўчптиб! Француз ҳам сендай бирдан қизипшиб кетиб баланд кўтарилади-да, бирдан пастга тушибди...

Даврадагилар йигитни ҳар ёқдан чўқилашиб бир дам аския қилиб олишди.

— Бизнииг командир шундай эди, — деб қўйди Мамбетназар ерга қараганча тин олиб. — Энди гурунгни овулдан кетганимдан бошлайин. Биласиз-ку, бизнииг

овул Оққалъа. Қирқ иккинчи йилни анов Абдирайимов бор-ку, Менглибек...

— Ҳа, ҳа,— дейишди даврадагилар.— Телевидение-даги...

— Тап шул Менглибек, баримиз армияга бирга ча-қирилганмиз. Үрушга Волга бўйидан кириб Житомирга-ча етиб бордим. Воҳ-ҳ! Отангга лаънат фашист. Йўли-мизда битта бутун қишлоқ, битта бутун шаҳар қолдир-мабди-я! Ҳатто анов темир йўл бор-ку... пўлат!.. Шунида, қарс-қарс сиидириб кета берган. Бир қишлоққа кечаси кириб борсак гиж-глж фашист экан. Улар ҳам пай-қамабди, биз ҳам. Аралашиб кетибмиз. Қиши. Совуқ. Бир уйда улар бўлса, иккинчисида биз. Бир аросат тўполон бошланди, асти қўявер! У деразадан ҳам тар-тар отишма, бу деразадан ҳам. Ким кимни отаётганини билиб бўймайди. Үзимизни үзимиз қириб қўймасак эди, деб қўрқамиз. Бир вақт қоронгида комбатнинг: «Оқ кийимлини кўрсанг, отавер!», деб қичқирганини эшитиб қолдик. Фашистнинг маскировка халати зимистон тунда оппоқ нишонга айланди. Қоп-қора деворлар панасида лип этган оқ шарпани кўриб қолгудай бўлсак бутун-бутун дискани бўшатдик, деразаларга гранаталар ташладик. Ёнаётган уй, қўралар алангасида чопиб юрган гитлерчиларни ро-са тердик. Тонг отганда ертўлаларда бекиниб ётган яна саксопта фашистнин топдик. Лекин шу жангдан сал кейиниоқ — қирқ учинчи йил декабрининг бошларида ўзи-миз қопқонга тушиб қолдик...

— Вой-бу, шўринг қурибди-ку?— моторист йигит ҳайрон бўлиб Мамбетназар томонга энгашди.— Қандай қилиб? Қирқ учинчи йили-я! Ахир армиямиз душманни қувиб кетаётган бир пайтда-я?

— Вой, бола,— Аяп унга ҳайрон бўлгандай боқди.— Худди кўргандай сўзлайсан-а. У вақтда онангшининг қорнида эмасмидинг?

— Тўғри, ога. Онамнинг қорнида ҳам йўқ эдим...

— Мактабда ўқиб билган-да,— дея изоҳ берди Мамбетназар.— Тўғри, биз фашистни изма-из қувиб кетаётган эдик. Шу қувди-қувдига қизиқиб кетган бўлсак керак, қуршовда қолдик. Фашистлар батальонимизни олдинга ўтказиб юбориб, шартта бошқа кучлардан узиб қўйди. Етти кечакундуз оч-наҳор душман билан олишдик. Олдимизда ҳам душман, орқамиизда ҳам душман, тепамиизда ҳам душман. Ҳамма ёқдан отади. Бомба ташлаб туриб «Рус сдавайс!», деб бақиради. Етти кунгача қор еб тириклик қилдик. Бироқ кишига дармон бўлмас экан... Мен олти кунга чидадим. Олтинчи куни кечасига яқин ҳолдан тойиб йиқилдим. Эс-ҳушим жойида, ҳамма нарсани кўраман. Лекин оёғим гавдамни кўтариб туришга, бармоқларим автомат тепкисини босишга ярамай қолди. Еттинчи куни эрта тонгда тушган қуюқ тумандан фойдаланиб душман бизни таппа босди. Батальонимизнинг қолган-қутгани — ярадорлар, яримжонларни Польшадаги қандайдир ҳарбий асиirlар лагерига тиқди. Кейин Франциядаги Костер концентрацион лагерига кўчирди. Бу ерга хайр-эҳсон кўтариб француз хотин-қизлари кириб туришарди. Улар озиқ-овқат билан бирга янгиликлар ҳам олиб келишарди. Яқин атрофдаги ўрмонда француз партизанлари ҳаракат қилаётганини эшитиб, қандай бўлмасин улар билан алоқа боғлаш, қўшилиш фикрига тушиб қолдик. Ичимиизда Иван Петрович деган рус йигити бор эди. Соч-соқолини олдирмай ўзини телбаликка солиб юаради. Бир минг беш юз кишилик ҳарбий асиirlар лагернда жуда эҳтиёткорлик билан ташкил топаётган Қаршилик кўрсатиш ташкилотининг бошида шу одам тургани фашистларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмагандир-ов. Ниҳоят, узоқ орзикаб кутилган кун ҳам келди. 1944 йил 20 апрель кечаси яширин ташкилотнинг юзта аъзоси сездирмайгина ба-

раклардан чиқиб, деворларни панараб дарвозага қараб юрдик. Етиб борсак дарвоза ланг очиқ. Ёпирай, ўта юракли йигит эди Иван Петрович! Шу кунни фашистларнинг қандайдир байрами экан. Атрофдаги минораларда қоровул қолмабди. Иван Петрович шуни кутиб бир қоронғи бурчакда бекиниб турибди-ю, эмаклаб дарвозага яқинлашибди. Ёлғиз қолган соқчини бир мушт билан ийқитиб, қанор қопга тиқибди. Лагердан қочганларни катта йўл муюлишида тўртта усти ёпиқ юк машина кутиб турган экан. Қоровул жойланган қанор қопни ҳам машинага чиққанимда кўрдим. Шу пайт лагерь томонда тасир-тусир отишма бошланди. Үн беш километрча йўлни тезликда босиб ўтиб, эсон-омон ўрмонга кириб яшириндик. У ерда бизнинг қочишимизни уюштирган француз партизанлари отрядининг қароргоҳи бор экан. Бизга уч кун дам беришди. Тўйдирнишди. Кийинтиришди. Кеъии қўлларимизга қурол бериб бўлинмаларга бўлишди. Франция шароитида партизанлик жанги тактикасини ўрганишга киришдик. Совет Армиясининг сержантини бўлганим учун, үн икки кишига бошлиқ қилиб қўйишиди. Воҳ, француз қизлари!..

— Сулув бўлса керак-а? — ўзини тутолмади моторист.

— Ҳей, ўнгмаган! — Мамбетназар унга бир хўмрашиб, юзини ўгирди. — Ута юракли қизлар эди. Уша бизнинг олдимизга лагерга кириб-чиқиб юрган қизлар! Улар орасида поляк қизлари ҳам бор. Велосипедда атрофдаги қишлоқ-شاҳарчаларни оралаб қаерда қанча немис гарнizonи тургани, қурол-яроғ, техникаси, барини билиб қайтишарди. Биринчи марта француз дўстларим билан тунги овга чиққанимни ҳеч унутмайман: ўрмонга яқин жойдаги қишлоққа кетаётирмиз. Агар біз бормасак, у ерда турган немис гарнizonи ўрмонни ўраб олган бошқа жазо отрядлари билан эрталаб бизни босади.

Ўрмон қаршиисига қўйилган исемис дозорларига дуч кел-  
маслик учун ёнбошдан четлаб, қишлоқнинг орқасига  
ўтиб олдик. Ҳужумимиз шу қадар қўққисдан бўлдики,  
душман биздан эмас, биз турган томонга қараб қоча  
бошлиди. Бу жанг ялт этган яшиндай қисқа бўлди. Бутун  
бир моторлашган ротани қириб ташладик. Шу ротанинг  
машиналарига ўтириб, сафар ошҳоисини пишиб тур-  
ган овқати билан тиркаб олиб жўнаб қолдик. Тап шу  
кечанинг ўзида қирқ-эллик километр йўл босиб изимиз-  
ни йўқотдик. Иттифоқчилар иккинчи фронт очиб қўшин  
туширгунларича Фрацияда ана шундай сайил қилиб  
юрдик,— мийифида кулиб қўйди Мамбетназар.

— Ҳай! Бошқача сайил ҳам бўлгандир-ов, месъё?—  
деб тегишди Назархонов.

— Манави келаётган хатлар шундай сайиллардан  
орттирганларингиздан бўлса керак, оға?— деди мото-  
рист.

— Қалжингламай кет!— Мамбетназар яна четга ўги-  
рилди. Ҷейин моторист йигитга юзланиб деди:— Орттири-  
дим! Эшитдингми? Кўп дўст орттиридим!..

Тепамизда оқ чарлоқлар чарх уришарди. Оlam нурга  
чўмилган, осуда. Денгиз сатҳи жимиirlайди. «Мингкўл  
ўлкасининг фарзандлари», дейман ичимда балиқчилар-  
нинг тобланган, мардона юзларига боқиб. Беихтиёр  
уларнинг қўлларига қарайман. Бу қадоқ қўллар — муси-  
батли кунларда қурол тутиб Ватанини ҳимоя қилган,  
тинч кунларда эса эл дастурхонини маъмур этган сахий  
қўллардир.

1970 йил.

# ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИНИ

«Олтин қазиб чиқарувчи саноатни янада ривожлантириш таъминлансан».

КПСС XXIV съезди Директиваларидан

Ўзбекистон «оқ олтин» хазипасигина эмас, чинакам олтинга ҳам эга экани эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Юнон тарихчиси Геродот Аму билан Сирдарё оралиғида яшаган массагет қабилалари тўғрисида: «Улар Темир ва кумушин спра ишлатмайдилар, бироқ олтинга ва мисга бойдирлар», деб ёзган эди.

Бухоро олтини жаҳон бозорида азалдан машҳур бўлган. Жуда кўп жаҳонгирларнинг кўнглига ғулгула солиб, кўзларини ўйнатиб келган. Ахир, Пётр І нинг Қизилқумга ҳарбий экспедиция юбориши бежиз эмас эди-да.

Хоразмлик буюк олим Абу Райхон Беруний Ўрта Осиёнинг кўпчилик жойларидан олтин қазиб олинишини ёзган. Шунга қарамай, Бухоро амирларининг хазиналарини бойитган олтинлар қаерлардан, қандай қилиб олингани ҳатто йигирманчи аср одамлари учун ҳам жумбоқлигича қолиб келган эди. Ниҳоят, эллигинчي йилларда геологларимиз бу жумбоқни ечдилар. Қизилқум бағрида бойлик кўмилиб ётганини аниқладилар: бир эмас, бир неча олтин конларини топдилар.

Сал кунда жаҳонга машҳур бўлиб кетган Мурунтов конини ўз кўзим билан кўриш истагида Навоий шаҳрига, у ердан эса Зарафшонга қараб йўл олдим. Конимехдан чиққанингиздан кейин қип-қизил дашт бошланади. Ўркач-ўркач қум тепалар кўкимтири шувоқ, ям-яшил исириқ билан қопланган, аҳён-аҳёнда эргажай қандим, маймоқ саксовул кўриниб қолади.

Офтоб ўнг курагимни қиздириб турибди. Шунга қараганда шимоли-ғарб томонга қараб кетяпмиз.

Йўқ, саҳрони бутунлай кимсасиз деб бўлмайди. Уфқ-қа қадар тасмадай тортилган тош йўл четида асов қумни суриб, ўрмалаб юрган скреперни, қир ёнбағрини пармалаётган кумуш ранг парма ҳавозасини учратиб қоласиз.

Автобус моторииинг узлуксиз гуриллаши, дим ҳаво, бепоён чўлнинг бир хил манзараси кишини элитади.

Фовур-ғувурдан кўзимни очдим. Рўпарада ёғин-сочин емириб, қуёш қовжиратган яйдоқ тог бағрида оқ том. У худди қаддини ростлаётган одамдек қир ортидан аста кўтариљмоқда. Ана, бор бости билан кўринди. «Мурунтов», дейишди ҳамроҳларим. Қаршимиздаги муҳташам бинолар Мурунтов олтин саралаш заводи экан. Биз у ерда тўхтамадик. Яна ўттиз километрча йўл босиб, сувсиз сойдан чиқаётганимизда фақат тушлардагина учрайдиган ажойиб манзара намоён бўлди: қуёшда куйган қизгилт саҳро ўртасида тўққиз қаватли муҳташам иморатлари билан ям-яшил воҳа пайдо бўлди. Зарафшон деган шаҳар барпо этилганидан хабардор эдиму аммо Қизилқум ичида бу қадар улуғвор, бу қадар муаззам, гўзал шаҳарни кўраман, деб ўйламаган эдим.

## Кончилар учун

Меҳмонхонага жойлашгач, Зарафшон коммунал хўялигининг бошлиғи Владимир Шляхетко билан шаҳар айлангани чиқдик.

Владимир Вячеславович — қотмадан келган, ўрта бўй, хушфеъл йигит. Қизилқумда қурувчи-инженер сифатида иш бошлаган экан.

— Сайрни шаҳар дарвозасидан бошлаганимиз тузукдир? — деб менга қаради у.

Бир вақт тош йўл ёқасидаги бетон лавҳа қаршисидан чиқиб қолдик. Ерга қадалган байроқ шаклидаги бу лавҳага: «Партия иродаси, халқ қўли билан бу ерда Зарафшон шаҳри қад кўтаради», деб ёзилган. Лавҳа 1964 йилнинг кузида рўпарадаги учта тўрт қаватли бинолар билан клубга пойдевор қўйилганда ўрнатилган экан.

— Сувни артезиан қудуғидан ичдик, — дейди Владимир Вячеславович. — У вақтларда ҳар бир литр сув ҳисобли эди. Аҳоли, техника кўпайиб, қурилиш кенгайгандан сарп сув танқислиги зўрая борди. Олтмиш еттинчи йили Томдибулоқдан эллик километрли қувур билан сув келтиришга мажбур бўлдик. Лекин бу эҳтиёжнинг ўндан бирини ҳам қондира олмас эди. Ниҳоят, олтмиш саккизинчи йили эни бир метру йигирма сантиметр, узуунлиги салкам уч юз километрли пўлат қувур ётқизилиб, Амударёдан сув келтирилди. Энди ичишга ҳам, боғ-роғ, экин сугоришга ҳам, олтин саралаш учун ҳам, ҳамма нарсага сув етарли. — Владимир Вячеславович орқага ўгирилиб, темир йўл томонга ишора қилди. — Ҳов анави ерда комсомол кўлимиз ҳам бор!

Эни қирқ, узуунлиги минг метрли кўчатзор ёқалаб, шимолга қараб юрдик. Ҳозирнинг ўзида ўн уч минг аҳолиси бор шаҳарда иккита ўрта мактаб, тўртта болалар

боғчаси, Индустрисал техникум, Тошкент Давлат политехника институтининг филиали ишлаб турибди. Замонавий ускуналар билан жиҳозланган медицина-санитария шаҳарчаси қуриб фойдаланишга топшприлган. Шарқ томонда савдо маркази, маданият уйи, кинотеатр, стадион, хоккей ва спорт зали, бассейн — спорт комплекси, янги турар-жойлар қурилиши жадал давом эттирилмоқда.

Зарафшонда энг имтиёзли «табақа»— болалар бўлса керак. Улар назаримда, ҳозирнинг ўзидаёқ коммунизмда яшамоқдалар. Қичкинтойлар учун қурилган бoggча бинолари эртаклардаги афсонавий саройларга ўхшайди. Ранго-ранг қўғирчоқлар, анвойи кўргазма материаллар, жиҳозларнинг чиройлилигидан оғзингиз очилиб қолади. Ҳаммадан ҳам бу саройларнинг эгалари — озода кийинган болалару мураббияларга ҳавасингиз келади.

Магазинларга ҳам кирдик. «Таъминотимиз москва-ча!» деб фахрланишларида гап бор экан. Дўконларда одампинг жонидан бошқа ҳамма нарса муҳайё!

## Қидирудувчилар

Зарафшонга кираверишдаги пармалаш ҳавозаси узоқ-узоқлардан ҳам кўриниб туради. Ўнинг тоғ тошларидан қалаб тикланган пойдеворига: «Қизилқум бойлигидан саноатда фойдаланишга асос солган геологлар шарафиға. 1967 йил, 7 ноябрь», деб ўйиб ёзилган. Қизилқум тагида яширинган бойликни топган ўша разведкачиларни қидириб геологлар шаҳарчаси Мурунтовга бордим.

— Сиз уларни Тошкент, Самарқанддан қидиришингиз керак эди. Овора бўлибсиз,— деб кулди Мурунтов экспедициясининг бош геологи Георгий Васильевич Кавченко.

Тұғри, Қызылқумының қаерларида олтын бўлиши мумкинлиги тўғрисида изазий фикр айтгаи, қидириб тонган ва бу катта ишга бошчилик қилган, уюштирган ўртоқлар Ленин мукофоти лауреатлари И. Ҳамробоев, Ҳ. Тўлага-нов, Ю. Мордвинцев, П. Хромишкин, Л. Палей, В. Шурнгина, К. Шулятников, В. Гарьковец, Г. Горев, И. Сокол, В. Талалов каби ажойиб геологлар, олимларимиздир.

Ана, узун стол орқасида Георгий Қасавченко ўтирибди. Қалин сочли, ёноқ суюклари чиққан, мовий кўз йигит. Мен унинг донғини илгари кўп эшитганман. Шунга қараб, девқомат бўлса керак, деб ўйлардим. Йўқ, ўрта бўй,чувакроқ киши. Аммо сўзларида аллақандай шижоат бор... Уни бу ерда ўртоқлари: «Экспедициянинг мияси», деб аташаркан.

— Георгий Васильевич, экспедицияларингизни, энг самарали, деб мақтайдилар, ибрат қилиб кўрсатадилар. Бунга қандай эришдингизлар? — деб сўрадим.

Қасавченко қуюқ сочини силаб қўйди:

— Бирлик... баҳамжиҳатлик туфайли. Қолаверса, экспедиция бошлиғи, бош инженер ҳамда бош геолог нинг бир ёқадан бош чиқариб ишлаши.

Деразадан кўриниб турган яйдоқ тоқقا назарим тушдии... Бу ерлар обсд шаҳар эмас, қуёшда қовжираган Қизилқум-да.

— Кўп бўлдими бу ерга келганингизга — дедим.

— Қизилқумда уйландим, фарзанд кўрдим. Умримнинг ўн саккиз йили Қизилқумда ўтибди. Йўқ, ачиняни деб ўйламанг, — Георгий Васильевич бош чайқади. — Мехнатигининг самараси кўзнигга кўршиб тургандан кейин, ўтган умрингга ачишмас экансаи. Олтмиш бешинчи йили кўп йиллик тинимсиз меҳнатимизнинг натижасида Мурунтов олтин конининг запасини аниқлаб, Давлат комиссиясига топширдик. Ўша йилнинг ўзидаётк Итти-

фоқда, борингкі, жағонда мисли күрилмаган суръатда қурилиш бошланиб кетди. Беш-олти йил ичиде уч юз километрдан зиёд масофада темир йўл, тош йўл қурилди. Обод, кўкаламзор Зарафшон шаҳри қад кўтарди. Энг замонавий техника билан ускуналанган олтин саралаш заводи қуриб ишга туширилди. Навоий шаҳридан элекстр қуввати, Амудан эса сув келтирилди. Биз геологлар бу вақт ичиде янги хом ашё маибаларини аниқлаш, карьерларни йириклиштириш, ер ости шахталари қуриб, маъдан олиш йўлларини ўрганиб чиқдик.

— Янги беш йилликдаги режаларингиз қандай? Бу ерда геологларга иш қолмагандир?

Саволим қизиқ туюлдими, Георгий Васильевич мийирида кулиб қўйди:

— Бизгина эмас, болаларимиз, ҳатто невара-чевараларимиз геолог бўлганларида ҳам иш етиб ортади! Бу беш йилликда ер остидаги чуқур горизонтни, ўнг ва сўл қанотларни ҳар томонлама ўрганиб, фойдаланишга топширамиз. Кейин... умуман, бу ерда геологлар учун юз йилга етгулик иш бор,— Георгий Васильевич сигаретасини кулданда эзиб ўчирди-да, столга энгашиб, кулимсиради.— Қизилқумдан кетадиган анойи йўқ.

Дарҳақиқат, Георгий Васильевичгина эмас, бутун геология экспедицияси Мурунтовга муқим ўрнашиш фикрида эканини Қасавченко ҳузуридан чиқиб, бош инженер Горохов билан кўча айланганимизда пайқадим: геологлар шаҳарчасининг марказий кўчаси план асосида қайта қурилмоқда. Иморатлар ҳам узоқ даврни кўзлаб тикланган, безаклари ҳам шинам... Бутун шаҳарчалик ҳаётига ғамхўрлик ҳар қадамда сезилиб турибди. Бош инженер Аркадий Соломонович Горохов билан ости разведка қилинаётган майдонга бордик. У ерда ўз тақдирларини геология билан боялаган, қирқ олтинчи йилдан

бери ер қаърини тешиб, минглаб метр шахта, штолня қурган, ўилаб шогирдлар етиштирган шахтёр усталар Жумабой Пардаев, Владимир Мартинюк, ер остида ўра ковлашда рекорд қўйган коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Павел Прокопец билан учрашдим. Мурунтовга биринчилар қаторида келиб пармалаш ускунасида қидирув ишларини бошлаб юборган Ленин орденли Эсон Турсунов билан танишдим. Булар ер қатламлари ни тадқиқ қилишда геологларнинг энг яқин ёрдамчилари. Бири ўнг қўли бўлса, иккинчиси чап қўли. Улар ҳар қадам, ҳар метрдан ковлаб олган тош-тупроқни геологлар лабораторияда текшириб кўрадилар, фойдали қазилма борми-йўқми аниқлайдилар. Бош геолог эса ҳамма маълумотларни жамлаб туриб хулоса чиқаради.

Эсон ака келтирган тош-тупроқ қоришмасини синчиклаб кўздан кечираётган Горохов:

— Маълумотларни тўплаб саралай билишда гап кўп,— деб қўйди.— Бизнинг бош геологимиз ўзининг шу хусусияти билан алоҳида ажralиб туради. Ярим кечада уйғотиб, бирон пармалаш ҳавозаси ёки шахтага оид маълумотни сўрасангиз ҳеч янглишмай айтиб беради. Бир пармалаш ускупасидан олинган маълумотларни таҳлил қилиб, тезда бошқасига қўллашда ниҳоятда эпчилик. Георгий Васильевич касалмандлигига қарамай ғайрати ўи одамга етгудек. Зарур пайтда кунни тунга улаб юборади. Бош геологининг ишлаб ўтирганини кўрган ҳамкаслари ётиб ухлашин ўзларига эп кўришармиди! У ишга жон-жаҳди билан ёпишади. Бошқаларни ҳам ўз кетидан эргаштира олади. Бизнинг Касавченко шундай одам!

— Аркадий Соломонович, Георгий Васильевич билан бирга ўсиб, бирга ўқигаи дўстга ўхшайсиз-а?

— Йўқ,— Горохов бош чайқади.— Мен Тошкентда туғилиб, Тошкент политехника институтини тамомла-

ганман. У кубаплик. Орджоникидзе шаҳрида Тог-металлургия институтини битирган. Брга ўқимаган бўлсак ҳам бизни иш... Қизилқум дўстлаштирган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони! Георгий Васильевич бу юксак увонни бутун Мурунтов геология экспедициясининг хизматига партия ва ҳукумат томонидан берилган баҳо деб билади. Ҳа, у кун ҳаммамиз Қасавченко билан бирга қувондик.

## Кон

Биз диспетчер хонасидамиз. Бу ердаи юз гектар майдондаги, балки ундан ҳам катта ҳовузсимон кон кафтадай кўринади. Ана, катта экскаваторларнинг хартумлари дам кўтарилади, дам тушади. Йигирма етти тоннали юк машиналар уларга яқинлашади-ю, яна изига қараб физиллайди.

Кон бошлангич партия ташкилотнинг секретари Анатолий Иванович Бодров билан пастга, машиналар асаларилардай ғужгон ўйнаётган конга тушнб бордик.

— Мен сизга бугун донгдор машинистларимиз Елагин ёки Бижеловни кўрсатолмайман,— деди Бодров худди узр сўрагандай.— Ленин ордени кавалери Сердаковнинг экскаватори эса ремонтда экан...

— Қелинг, анави экипаж билан танишайлик,— дедим унга ён томонда ишлаётган экскаваторга ишора қилиб.

Бодров машинасини ўша томонга бурди.

Олтинчи экскаваторда машинист Алексей Дмитриевич Плотников экипажи навбатчилик қилаётган экан. Фўлабир, кўкракдор Алексей оғиз-бурнига тутган докани ечиб қўйиб, очиқ чеҳра билан саломлашди.

Хол-аҳвол сўраганимизда, у:

— Бу ерда илан тўлиб турса, уйда эса маош хотинга тўлиқ тегиб турса, аҳволнинг яхшилпги шу! — деб кулди.

Плотников XXIV съезд ваҳтасида ғолиб чиққанлардан. Номи ёзилган соат билан мукофотланибди. У Бошқирдистонда туғилган. Ўрта мактабни тамомлагач, комсомол йўлланмаси билан Братск ГЭСига бориб ишлаган. Тўрт йил бетон қуибди. Турбинани ўрнатишда ишлабди. Ўша ерда экскаваторчилик ҳунарини эгаллабди. Олтмиш бешинчи йилдан бери Қизилқумда, олтмиш еттинчи йилдан эса Мурунтов олтин конида экан.

— Сибирнинг совуғини роса тотдим. Жанубнинг иссиғини ҳам кўрай дедим.

— Қалай?

— Қўникар экансан,— дейди Алексей.— Шарт-шароит, атрофингдаги одамлар...— У рўпарасида турган ўзбек йигитга имо қилди,— хушвақт, яқдил бўлгандан кейин унча-мунча қийинчиликларга парво қилмас экансан. Гоҳо ёз ойлари, бу ерда таффот эсади. Қайноқ гармсел кўз очгани қўймайди, тупроқ, қум совуради. Шундай пайтда ён-верингга қараб: «Ана Зиёвиддин, ана Юсуф чидаб юрибди-ку, «БелАЗ»ни суриб! Менинг жоним ширин-у, уларники қаттиқми?» деб ўйларкансан. Умуман, бизда вазият ўзи шундай, биримиз биримизга суюнчиқмиз.— Плотников хаёл суриб қолди.— Анчадан бери ўйлаб, фикримни тарозига солиб кўрдим,— У Бодровга қараб қўйди.— Ўзимни синадим ҳам. Энди партияга кирсам дейман.

Бодров унинг елкасига қоқиб қўйди:

— Яхши, Алексей Дмитриевич, Тавсияни мана Юсуфдан ол, мен бераман.

Шофёр йигит Юсуф Хўжаев ўзи ҳали ёш бўлишига қарамай, даврадагилар ичида энг «кекса»лардан. Олтмиш бешинчи йил яивардан бери шу конда ишлар экан.

— У вақтда чодирда ётардик,— дея эслайди ўша

вақтларни Юсуф.— Қечалари тиш тишга тегмай, дий-дираб чиқардик. Анави данғиллама бинолар, олтин са-ралаш заводи-ю, Зарафшон шаҳридан ҳали ном-нишон йўқ эди. Директор ҳам биз билан ёима-ён ёғоч вагончада яшарди, шу вагончада ишларди. Текшириш учун бирин-чи ковлаб олинган маъданни Навоий шаҳрига ўнқир-чўнқир ўзанлардан қийнала-қийнала ташиганимиз. Энди қаранг...

Беихтиёр қайрилиб қарадим. Каттакои сув ташувчи машина аста ўрмалаб коп ичидаги текис йўлга ёнгина-миздан сув сепиб ўтди.

Юсуф марғилоплик. Кино аппарати ўрнатилган ма-шинасини фириллатиб гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда томошабиннинг олқишини олиб, баъзан танбеҳини эши-тиб юрар экан. 1964 йили хотини Эътиборхон билан Му-рунтов қурилишига келибди. Бу вақт ичіда Эътиборхон медицина техникумини тамомлабди. Бир ўғил, бир қиз-лари бор экан. Юсуф бўлса, «Йигит кишига етмиш ху-нар ҳам оз», деган мақолга амал қилиб, экскаваторчи-лик касбини ҳам эгаллаётган экан.

— Умуман, бизда кўпчилик ўқииди. Плотников ҳо-зир Тоғ техникумисинг тўртинчи курсида. Ҳов анави,— Бодров тикка жар лабида ишлаётган экскаваторни қўлли билан кўрсатди,— агрегат машинисти Мешчанипов ҳам Алексей Дмитриевичнинг курсдоши. Қизилқум кўпгина йигит-қизлар учун университет ҳам бўлди.

Шу гапни мен Касавченкодан ҳам эшилган эдим. Унинг қўл остидаги кўпгина геологлар сиртдан ўқир эканлар. Масалан, геолог Фёдор Бруханский Тошкент политехника институтининг геология факультетини яқинда сиртдан тамомлабди. Геологлардан Холмурод Каримов билан Анатолий Бендик бўлса, Қизилқумда ишлаб юрпіб, кандидатлик диссертацияси ёзишибди, му-ваффақиятли ёқлашибди.

— Зарафшонда Тошкент политехника институтининг филиалига кўзингиз тушдими? — деди Бодров менга қараб.

Бош чайқадим.

Баланд бўйли, оқ-сариқ йигит Бодров мени пармаловчилар ҳамда портлатувчилар ҳузурига бошлаб кетаётганида, эрталаб айтган гапни эслатдим:

— Илгорларни кўрсатолмадим, деб ачинмасангиз ҳам бўларкан. Илгор бўлмаганлари ҳам чакки эмас.

Шунда ҳам Бодров бўш келмади.

— «Ҳурмат тахтаси»да буларнинг номи бугун бўлмаса, эртага бўлади, — деди жиддий оҳангда.

Мана, ҳар беш метрда бир чуқур. Бугун ёки эртага кенглиги йигирма сантиметр, бўйи эллик метрча келадиган бу чуқурлар дори билан тўлдирилиб, портлатилади. Кейин бу ерга экскаваторлар, юқ машиналари келади. Кон, шундай қилиб, ҳам тиккасига, ҳам энига кенгайиб кетаверади. Ҳозир унинг сатҳи ўnlаб гектар. Келажакда юзлаб гектарга кеигайса ажаб эмас.

## Сараловчилар

Мурунтов экспедициясида Жумабой Пардаев деган уста бор. У Сталинграддан Берлингача, Отпор станциясидан Порт-Артургача бўлган ўйлни жанг билан босиб ўтган. У Мурунтовни кашф этганлар қаторида «Ҳурмат Белгиси» орденига сазовор бўлгап, Ватанга меҳнати сингган камтарин одам. Шу киши билан ҳангомалашганимда таъна оҳангидага шундай дейди:

— Самарқандга борганимда эски танишлар: «Қаерда ишлайсан?», деб сўрашади. «Мурунтовда» дейман. Улар Мурунтов олтин конининг шухратини эшитишган. «Э-ҳа, ҳамма ёгинг олтин бўлиб кетгандир унда?», деб

тегажаклнк қилишади. Кошки, олтии ер тагида ёмбига ўхшаб қалашпб ётса!..

Дарҳақиқат, олтин қалашиб ётмайди, унинг заҳмати ҳазилакам эмас.

Машҳур геолог олпим Иброҳим Ҳамробоевнинг ёзишича, табиатда асосан иккп турдаги олтин конлари учрайди. Биринчиси — туб конлар ер қаъридаги ички кучлар жараёни, ички ҳодисалар ёрдамида бунёдга келади. Иккинчи хил шу туб конларнинг—тоғларнинг, ташқи кучлар, яъни иссиқ-совуқ, ёғин-сочин зўри билан емирилиб, қум-шагал шаклида ётқизилишидан ҳосил бўлади. Иккинчи хил сочма конлар Ўзбекистонда кам. Бу ердаги конларда олтин кўз илғамас даражада майда заррачалардан иборат бўлиб, кварц ва бошқа тоғ жинслари билан қотншма ҳолида учрайди. Уни саралаб олиш учун конда ковланган олтинли тошин талқондек туядилар.

Мурунтовдан олдинроқ, Чодак конига борганимда, шундай манзарани кўрган эдим: Пиримиробдаги штолья ва Газаксой каръеридан ковлаб олинган тоғ жинслири машиналарда ташиб келтирилиб, олтин саралаш фабрикаси майдалаш агрегатининг ҳовузига тўкилади. Майдаланганд тош тасмали транспортёрларда ундан ҳам майдароқ қилиб туядиган агрегатга қуйилади. Кейин тегирмонга тушади. Тегирмонда сув билан аралашиб, бўтана ҳолида тиндиргич бетон ҳовузга оқиб ўтади. Тиндирилган шламм — олтин-кумушли лойқа фильтрловчи металл ҳовузчаларга ҳайдалади. Яна бир қанча жараёнлардан ўтгач, олтин-кумушга бой балчиқ ажратиб олиниди. Кейин электр яллифида қуритилиб, қофоз қопларга солинади-да, олтин-кумушни алоҳнда-алоҳида саралаб оладиган заводга жўнатилади.

Мурунтовнинг кунгай томонида жойлашган завод ҳам деярли шу усулда ишлайди. Фақат бу ерда Чодак-дагига ишбатан иш ҳажми катта. Чодак олтин саралаш

фабрикасига руда машиналарда келтирилса, Мурунтов заводига вагонларда, эшелоиларда келтирилади. Шу билан бирга, бу ерда юртимизнинг иқтисодий қудратига құдрат құшадыган, Ломоносов айтмоқчи, «энг биринчи тоза маъдан»— қип-қизил олтининг кўзни қамаштириб сувдай оқишини, қолилларни лим-лим тўлдириб, дам ўтмай қотишини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Чиндан ҳам, зарафшонлик олтин сараловчилар тош-тупроқдан жаҳонда энг соғ 99,99 процентли олтин ажратиб олмоқдалар. Бу, кўп жиҳатдан ўз касбини санъат даражасига кўтара олган олтин қуювчи усталарниң маҳоратига ҳам боғлиқ. Мен шулардан бирни Владимир Александрович Беляев билан сұхбатлашдим. У ўрта бўй, чўзничақ юзли, қпра буруп, оқ--сариқ йиғит.

— Биласизми, куни аниқ эсимда йўқ... Мурунтов олтинини биринчи марта 1969 йил июль ойининг охирида эритиб қўйдик,— дея жилмайди у.— Мен Новосибирскдан келганимда, печкалар тайёр эмас эди. Катта уста Аржанцев билан енг шимариб, ишга тушиб кетдик. Касбимиз бўлмаса-да, сувоқчилик қилишимизга ҳам тўғри келди. Ҳа, индуктор печларни ўтга чидамли лой билан суваб чиқдик. Олтин қўйиш учун стандарт бўлмаса-да, қўлбола қолиллар ясадик. Биринчи вактларда туну кун ишлашга тўғри келди. Чунки бўлимда фақат икки киши эдик. Печка бир ёқилгандан кейин совуб қолмаслпги зарур.

— Олгин қўйиш сизга ота касбими?— деб сўрадим.

— Тасодиф!— дея жилмайди Беляев. — Отам артист, онам эса тикувчи эди. Иккови дам Новосибирск опера театрида ишлашарди. Ҳам ўқиб, ҳам ишладим. Илмий-текшириш институтида слесарь эдим. Тўққизинчи синфи ни тамомлаб, армияга кетдим. Қайтгач, яна ўша институтда ишладим. Уйландим. Ўзингиздан қолар гап йўқ, ҳар бир оиланинг ўзига яраша ташвиши бўлади.— Беля-

ев мийнгида кулиб қўйди.— Дурустроқ иш қидириб юрганимда рангли металл заводига бориб қолдим. Қуйиш бўлимида ўрин бор экан. Албатта, нотаниш касб. Иш оғир. Биринчи пайтларда кўп қийпалдим.

— Зарафшонга қандай келиб қолдингиз!— деб сўрадим.

— Таклиф қилишди. Мутахассислар керак экан,— ёқимли кулимсиради Беляев.

«Тасодиф». Бу сўзни мен Чодак копишинг дпректори Муллажон Фозиевдан ҳам эшитган эдим. У Беляевнинг аксича — баланд бўйли, полвон қомат йигит. Ўзи ҳам темирчидан чиққан геолог, ота-бобоси, авлоди билан темирчи ўтган экан.

— Йў-ўқ!— деб қўлини силтаган эди у.— Чодакдан умуман олтин чиқниши хаёлларига ҳам келмаган. Тоғда нодир metallarining белгиларини кўриб вольфрам, молибден, қўрошин қидиришган. Лекин тасодифни қәранг, эллик биринчи йили лои этиб олтин-кумуш чиққан. Чодак копиши тоиган Лушина билан Ляшкевичларнинг ўзлари шундай дейишади.

«Тасодиф» сўзиши Тошкентда Иброҳим Ҳамробовдан ҳам эшитган эдим.

— Дастрраб, эллигинчи йилларнинг бошларида Томдibuлоққа борганимизда, олтин кони тошишу бошқа нарсаларни умуман ўйламаганмиз,— деб ҳикоя қилиб берган эди олим.— Асосан биз Томди районидаги асвест конини илмий асосда ўрганиш учун борган эдик. У вақтда ўша жойларнинг геологик харитаси бу ёқда турсин, ҳатто топографик харитаси ҳам йўқ эди. Кичкинагина вазифа катталашиб, кенгайиб бораверди, бир мавсумга мўлжаллаиган режалар икки-уч йилга чўзилди. Нуротадан Томдibuлоққа чўзилгани тоглардаги тоғ жинсларини ўрганиб, у жойларнинг геологик харитасини туздик. Ўша вақтда тасодифи, Кўнграбод яқинида Чормитон олтин

конини топдик. Чормитон ва Қизнлқумдаги бошқа куза-  
тывлар, тажрибалар шуни күрсатдики, Ғарбий Ўзбе-  
кистонда олтин маргимуш колчедани билан ёки кварц  
томирларида учарә экан...

Сочлари деярли оппок, қуйма гавдали — Иброҳим  
ака республикамизининг пешқадам назариётчи олими,  
вольфрам, молибден, олтин ва бошқа кўпгина конлар  
топиб, юртимиз бойлигига бойлик қўшган атоқли геолог  
бўлишига қарамай, ўзи тўғрисида гапиришни ёқтирумай-  
диган камган одам. У ўзганлик оддпй деҳқонишинг ўғли.  
Жаҳонга машҳур академигимиз Ҳабиб Абдуллаевнинг  
ҳамқишлоғи, шогирди. Эндиликда ўзи ҳам Абдуллаев-  
дек етук олим.

Уни қирқнчи йилларда ёқ, университетда ўқиб юрга-  
нимда орқаворатдан танир эдим. Эгнимда ҳали солдат  
шинели, у ҳам оддий коржомада, оёғида қўпол ботинка,  
кирпитикан игналаридан соchlари қоп-қора, ўзи ҳам қо-  
рамағиз, камсуқум йигит эди. Аммо унинг ишларидан  
хабардор студентлар: «Қаранг-а, кон топибди!» дея ҳай-  
рат билан тикилишарди.

Иброҳим Ҳамробоев ўша вақтда аспирант эди. У  
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг  
геология факультетини қирқ иккинчи йили тамомлаган.

Совет ҳалқи немис-фашист босқинчиларига қарши  
ҳаёт-мамот жангни олиб бораётган энг оғир пайтлар эди.  
Иброҳим Ҳамробоевнинг фикри-ёди тезроқ қўлга қурол  
олиш эди. Фронтга интилди. Унинг ниятидан хабардор  
устози профессор Борис Николаевич Наследов: «Йўқ,  
Иброҳим, разведкачи-геолог учун жанг майдони — инсон  
қадами етмаган тоғ-тош, дашт-далада. Битта геолог Ва-  
танга бутун бир дивизия, ҳатто армияча наф етказиши  
мумкин. Буни ўйлаб кўр», деди. Иброҳим Ҳамробоев  
мамлакат куч-қудратини ошириш—кон топиш учун жўпаб  
кетди. Елкасида қопчнқ, қўлида метин, ўзига ўхша-

ган разведкачи геологлар билан Чорух-Дайрон даштла-рида кон қидирди. Уларнинг ойлаб-йиллаб қилган меҳнатлари бекорга кетмади. Ватанга ниҳоятда зарур вольфрам конларини аниқлашди. Кейинча Чорух-Дайронга яқин Шўралидан яна вольфрам, молибден тошишди. Иброҳим Ҳамробоев Чорух-Дайрон, Шўрали конларини очиш, кўламини аниқлаш ва фойдаланишга топширишда бевосита иштирок этди. (Бу конлар ҳамон ишлаб турибди). Иброҳим Ҳамробоев 1944 йилда Помир тогида ҳамроҳлари билан табиий билур конини кашф этди.

— Йirim-чиrimларга ишонмайман, лекин мен учун 7 хайрли рақам,— деб кулди Иброҳим Ҳамробоев.— 1927 йилда Ўзганда очилган бошланғич мактабнинг биринчи синфиға кириб ўқий бошладим; 1937 йили Карл Маркс номидаги Тошкент педагогика техникумини битирдим; 1947 йилда «Чорух-Дайрон магматик формациялари деган темада кандидатлик диссертацияси ёқладим; 1957 йилда эса «Фарбий Ўзбекистондаги магматизм ва постмагматик жараёнлар» деган илмий ишим учун докторлик даражасини беришди.

Тўғрисинни айтганда, кейинги ўн йилларда 7 дан бўлак бошқа рақамлар ҳам Иброҳим Ҳамробоевга хайрли келди. Масалан, 1958 йили «Фарбий Ўзбекистондаги магматизм ва постмагматик жараёнлар» номи билан нашр этилган монографияси учун 1960 йили республика мукофоти берилди. Кейинча гарбий Ўзбекистонда мис, қўргошин, симоб ва бошқа маъданларга бой конларнинг топилиши Иброҳим Ҳамробоев олиб борган илмий иш билан бевосита алоқадордир. У шахсан ўзи Чормитон ва Томдибулоқ олтин конларини очди, Қўкиётос ва Мурунтов конларини топшишда эса иштирок этди.

У кейинги ўн йил давомида Фарбий Тянь-шань билан Уралнинг тузилиши, маъдан бойлиги жиҳатидан ўхшашлиги муаммоларини ўрганиш, аниқлаш билан банд бўл-

ди. Бу текширишларнинг натижасида «Магматик комплекслар таркибидаги маъдан бойлигининг петрологик-геохимик кртерийин» монографияси майдонга келди.

Эллик икки-эллик учинчи йилларданоқ алоҳида боблари матбуотда эълон қилина бошлаган «Гарбий Ўзбекистондаги магматизм ва постмагматик жараёнлар» монографиясида Иброҳим Ҳамробоев гарбий Ўзбекистоннинг металлогения схемасини тузиб, қўргошин, рух, мис каби полиметаллар, олтин ва вольфрам, молибден, қалай каби нодир металл конлари алоҳида зоналарда тизилиб ётишни кўрсатди. Шу жумладан, олтии конлари жойлашган зона шарқда Жиззах районидан бошлануб, Шимолий Нуратов орқали, гарбда Марказий Қизилқумдаги Томди тогларигача давом этишини белгилади. Ўмуман, бу зонада яна бошқа, ҳали маълум бўлмаган олтин конлари топилиши мумкинилгини ҳам назарий башорат қилди. Натижада, Ўзбекистон Геология министрлигига қарашли Геофизика трестининг ходимлари Ю. Мордвинцев, П. Хромишкун ва бошқалар 1957 йили И. Ҳамробоевнинг олтин билан маргимушнинг боялиқлиги ҳақидаги илмий фаразига асосланиб, жойларда қидирув ишлари олиб бордилар. Мурунтов олтин конини кашф этдилар.

\* \* \*

Зарафшондан қалбим тўла қувонч билан қайтдим. Мени аллақандай фахрланиш ҳисси чулғаб олган эди. Кексалар, одатда, ўзлари туғилиб ўсган она юртларини ардоқлаб: «Бу тупроққа таёқ тиқсанг ҳам кўкаради» дейдилар. Назаримда бу тупроқниг қаерини кавламанг олтин ҳам чиқадигандек туюлади.

# ДОЯ

Каравотда олтита чақалоқ қатор ётибди. Агар бир парчагина очиқ, қип-қизил юзлари демасангиз, улар қўл-оёқларигача ўраб-чирмалган қўғирчоқларга ўхшайди.

— Мана буниси мени кўп қийнади,— Хатича опа ўнг томонда ётган чақалоқни эркалаб қўлига олди.— Тўрт килою уч юз!— дея тилла тишларини кўрсатиб жилмайди.— Қолган бештасининг туғилиши ҳам бир, буники ҳам бир бўлди. Онаси бечора тўлғоқ келмай кўп азобланди-да. Дори-дармон, амал-тақал билан ҳар қалай кўзи ёриди. Лекин биласизми нега «кўзи ёриди» дейилади? Сабаби ҳомиладор аёл тўлғоқ тутганда олам кўзига тор, қоронғи бўлиб кўринадп. Бола туғилганидан кейин эса оғриқ таққа боснлади-ю, дунё қўзига чарогон кўриниб кетади. Бу туғилишга туғилди.— Хатича опа қўлидаги чақалоқни силкитиб қўйди,— аммо онасининг кўзи ёrimади... аксинча хира тортди: томир уриши деярли сесимай қолди. Туни билан қийналди, бунинг устига кўп қон кетди.

Жонини зўрға асраб қолдик.

У қўлидаги гўдакни баланд кўтарди. Лик-лик ўйнатиб, жажжи юзи, пучук бурни, оғзини палаондай очишига қараб туриб, кулди:

— Онасидай бўйдор, дуркун бўлиши аниқ. Ҳа, бўлдп-бўлди! Ё бундан ашулачи чиқармикин-а? Овозини қа-ранг, қўнғироқдай!

Хатика опанинг иши шу: мана, ўттиз йилдирки ҳо-миладор оналар атрофида парвона. Уларнинг дардига малҳам бўлиш учун қўлидан нимаики келса қиласи. Дунёга келган митти одамни илк бор у қўлига олади. Меҳри уммон бу аёлнинг дили ва тилида уларнинг ҳар бири учун албатта ширин сўз, хайрли тилак топилади.

Мен ташқарига чиқиб ҳовлида Хатика опани пойлаб турдим. Қоп-қора ёмғир булутлари орасидан қуёш кўринди. Еру кўк гўё бир хўрсиниб қўйди, гўё қизалоқдай кўзларини очишга қийналиб киприкларини пирпиратди-да, роҳат қилиб жилмайди. Ичкарида эса бир одамзод ўзи-ининг ҳозиргина дунёга келганини билдириб чирқираб жар солар эди.

Хатика опа бутунлай бошқа қиёфада чиқиб келди. Қаршымда эгнида энди оқ халат эмас, зангори плаш, ичидан оқимтири жемпер кийиб, турмакланган сочи устидан қора-қизил гулли шол дурра ўраган, оёғида баланд пошнали оқ туфли, сипо бир аёл турар эди. Мен у кишини сердарахт хиёбон бўйлаб бошлаб келаётib бир-икки оғиз ўзлари ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилдим.

— ... Балки ушалмай ичингиизда қолиб кетған ёшлиқ армонларингиз бордир? — дея тегишимдим.

Опанинг бодом қовоқлари нимранг қизарди.

— Ука... — опа менга синовчан боқди, — хафа бўлмайсизми «укам» десам?

— Йўқ, аксинча!..

— Мана, ҳозиргача сиз мен учун тошкентлик бир но-таниш мухбир эдингиз. Бир оғиз илиқ гап билан ўтрамиздаги ётсираш йўқолди-қолди. Демоқчиманки, бизнинг касбимизда одамларнинг ишончини қозониш, уларни

ром қила билиш анча оғир масала. Қирқинчи йили Қўқон медтехникумини тамомлаб, Тўрақўргоннинг Шаҳанд қишлоигига келганман-у қани одамлар менга ишониш! Ёш, тажрибасиз қизман денг. Үқиб келган менга эмас, саводсиз, исқурт товламачи кампирга ўз соглиқларини ишониб топширишади! Хуноб бўлар экансан. Бақрайиб туриб юзимга эшикларини ёпишар эди-да! Хонамга бекиниб олиб қон-қон йиғлаган пайтларим бўлган.

Бир куни кўчадан ўтиб кетаётсан орқамдан «дўхтир қиз, тўхтанг», деб кимдир чақириб қолди. Қарасам уйқусизликдан кўзлари киртайган қорасоқол бир киши. Нега тўхтатганини дарров билдим. Ўйига кирсам хотини тўлғаниб ётибди. Уч кундан бери туғолмас эмиш. Қаёқдан туғсин, бола тескари келибди! Доя кампир оладиганини олиб, жувоннинг тирик қолишига кўзи етмай, «Боласи қорнига ёпишиб қолган», деб қочворибди. Нима қилиш керак? Пасти-баланд олтита боласи, кўзлари мўлтираб атрофида туришибди. Эшикнинг орқасида ота. «Нима бўларкин», деб қулоқлари динг. «Илгари қаёқда эдингиз?» деб гинахонлик қилишнинг пайти эмас. «Арава топинг», дедим. У вақтда машина қаёқда! Аёлни тезроқ район марказидаги касалхонага етказиб боришдан ўзга чора йўқ.

Бола йўлда туғилди. Ана шундан кейин хотин-халаж дуч келганда қайрилиб кетмайдиган, қўл бериб сўрашадиган, ҳатто сирларини очиб сирлашадиган, маслаҳат сўрайдиган бўла боришли. Аммо тўлиқ ишонч қозониш — халқ «Ҳатичанинг қўли енгил экан», дейдиган бўлгунга қадар узоқ йиллар кунни тунга, тунни кунга улаб ишлашга тўғри келди. Бу атрофда мен юрмаган йўл, мен ишламаган қишлоқ, мен кирмаган эшник йўқ. Қирқинчи йилларда қишлоқ шифохоналарида деярли врачи йўқ, врачнинг ҳам, фельдшернинг ҳам, ҳамшира, доянинг ҳам вазифасини ўзим бажариб кетаверардим.

Попга келиб керакли дориларни олардим-да, яна Чодак, Пунгон қайдасан деб пиёда қайтардим. У вақтларда ҳозиргидай теп-текис йўл қаёқда! Попдан Чодакка, Фурум-саройдан Пунгонга етгунча неча-неча хилват тўқай, янтоқзор чакалак, дашт-даладан ўтиб бориларди. Йўл-йўлакай қўрғонларга кириб безгак тутганига акрахин бериб, яраси борига дори суртиб даволаб кетаверардим.

Хатича опа ёқасини ушлаб менга қаради. Унинг хиёл ранги ўзгарган эди. Кечаси билан навбатчилик қилган. Балки бутун тунни тикка туриб мижжа қоқмай ўтказгандир. Ёни-беримга қараб, тут тубига қўйилган скамейкага кўзим тушди. Таклиф қилдим. Ўтирди. Мен рўпарасида тикка турибман. Опа нафасини ростлаб менга боқди:

— Аммо-лекин-чи, ука, ҳали-ҳали эсимга тушса юрагим орқамга тортиб кетади. Кўп касалларни кўрганман. Қирқ иккинчи йили бўлса керак ҳалигидай чала-ёлғиз қўрғонлардан биттасига кириб қолсан, айвонда юз-кўзи газак олган, бир одам пуфакдай бўлиб кетган, беҳуш ётибди. Уй эгаси кампир тепасида исириқ тутатиб ўтирибди. «Ким бу?» десам, «ўғлим» деди. Кампирнинг ўғлини билардим. Чиройли, Турдиали деган йигит. Одам ҳам шунчалик ўзгариб кетар экан-а, тавба! Бурнига яра чиқсан экан. Колхоздан арава топиб, Турдиалини олиб кетдим. Аравакаш ҳам ўзим, беморга қарайдиган ҳамшира ҳам ўзим. Ақалли юлдуз кўринса-чи, зимистон! Гўристон томондан юрагимга ваҳима солиб чиябўри увллайди. Менга далда бўладиган кишим ҳалигидай, ўзини билмай ётибди. Тинч ётса ҳам майли эди. Сапчиб-сапчиб туриб кетади денг. Шу алпозда Попга етиб бордик. Қасалхонага кирсак хирург йўқ... Фронтга кетибди. Бутун районда битта ҳам хирург йўқ. Ана ука, шундай пайтлар ҳам бўлган. Қейин Чустга телефони қилдик. Чуст район касалхонасида Зуев деган хирург бўларди, тун ярмида ўша

қарияни ўрнида ётган жойидан безовта қилдик. «Етиб боролмайман, олиб кела қолинглар», дебди. Начора, тўқилиб турган чол! Яна аравани дўқиллатиб Чустга қараб йўл олдик. Етиб боргунимча тонг отди. Зуев ҳам касалхонада жарроҳлик қайчиларини қайнатиб, кутиб турган экан. Дарҳол операцияга киришди. Турдиали ўн кунча ўтар-ўтмас тузалиб, қишлоққа қайтди. Вой онасининг алқаганлари! Агар унинг дуоси инобатга ўтсами, мен яна минг йил яшайман, ҳа!—Хатика опа кулди.

— Айтинг-чи, сизга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвон берилганини эшитганингизда...

— Олдинига ишонмадим, ука. Ахир, мендақа ишланлар камми? Кейинча Кремлда ўртоқ Подгорний қўлидан Ленин ордени ва Олтин Юлдуз медалини олганимдан сўнг, бундай ўйлаб қарасам, касбнинг катта-кичиги йўқ экан. Ҳар қаерда ҳам ҳалол меҳнат қилсангиз, партия, ҳукумат унутмас экан...

Рўпарамда Хатика опа. Скамейкада ўтирибди. Мен тикка турибман. У ҳамон ўша хушхабарни эшитган пайтидаги ҳолатини эслаб ҳаяжонда.

# ПАРВОЗ

8 октябрь 1968 йил.

Тошкент Давлат медицина институтиишиг ректори Зуфаров ўрнидан турди. Ҳали йигитлардай хипча қомати ва қўл ҳаракатларидан, қизариб кетган чиройли юзидан унинг ҳаяжонланаётгани сезилиб турибди... Профессор пофона-пофона бўлиб деярли шифтгача кўтарилган катта залда ўтирган лиқ тўла одамларга кулимсираб бир қараб қўйди: олдиндаги қаторларда Москва, Боку, Самарқанддан келган, шунингдек, тошкентлик машҳур олимлар ўтиришибди. Ўрта ва орқа қатордаги-ларнинг ҳам кўпчилиги унга таниш. Ҳамкаслар, шогирдлар. Шунга қарамай у сезиларли ҳаяжонланмоқда. Катта тантаналардагина шундай бўлар эди. Дарҳақиқат, ҳозир ҳам катта тантана эмасми? Чинакам тўй-ку! Институт илмий кенгашида докторлик диссертацияси ёқланаяпти. Яна қандай денг! Фазо тиббиёти соҳаси бўйича! Бунинг устига ўзбек халқининг фарзанди иттифоқ тиббиётида, ҳаттоқи, жаҳон тиббиётида биринчи бўлиб... Чинакам катта кашфиёт, ахир!

Профессор Зуфаров илмий кенгаш мажлисини очик деб эълон қиласди:

— ...«Тезлик ва портлаш декомпрессиясининг инсон ва ҳайвонлар баданига таъсири»...

Мавзу ҳам, диссертация ёқловчи ҳам залда ўтирган кўпчиликка янгилик ва нотаниш.

Диссертация ёқловчи кўпчиликка ўзини таништираётган илмий котибнинг майни овозига қулоқ солиб туриб бир хўрсиниб қўйди. Қаранг, ўттиз йилт ўтиб кетибди. Росмана бир йигит умри! 1939 йили худди шу институт-пинг иккинчи курсини битириб, Куйбишев ҳарбий медицина академиясига кетган эди. Ватан осмонини қора булут босган, ҳалқимиз озодлиги хавф остида қолган оғир дамларда фронтга жўнади. Муттасил беш йил фронтда бўлди. Фарбий фронт, Марказий фронт, Биринчи Украина фронти...

Урушни 1945 йил 9 май куни Прагада тугатди. Ҳамиша қон, қон, қон... Жарроҳ бўлганидан кейин қўлини ярадор ватандошларининг муқаддас қонига бўймай иложи қанча? Юзлаб кишиларнинг баданини кесиб қўрғошин, темир парчаларини суғириб олган: юзлаб ярадорларнинг синиқ суякларини тахтакач қилган... Нега яшириш керак! Неча-неча бечоралар ўз қўлида жон берган...

Уруш тугагач яна бир ҳарбий академия. Бу сафар Киров номидаги Ленинград ҳарбий медицина академияси. Машҳур рентгенолог профессор Немёнов қўл остида янги мутахассисликни ўрганди. Кейин яна хизмат. Гоҳ Россия, гоҳ Грузия... Эллик биринчи йили Ленинград ҳарбий медицина академиясига қайтди. Икки йил давомида рентгенологияни чуқур ўрганди. Эллик учинчи йили Москвага СССР Медицина Фанлари академияси қўшидаги илмий-техникиши институтига рентгенология бўйича катта илмий ходим бўлиб келди.

Рентгенология бўйича фазо тиббиёти соҳасида ишлай бошлаганидан бери саксондан ортнқ илмий иш ёзди. Эллик саккизинчи йили кандидатлик диссертацияси ёқлади, олтмиш саккизинчи йилда эса докторлик... Ҳўхўй! Ўттиз йил... Қанот чиқаруб ўз инидан учган қуш яна

айланиб келиб ўз инига қўнгани каби у ҳам мана қайтиб келди. Қайтганда ҳам... Абдухалил лиқ тўла залга ер остидан бир назар ташлади-ю, вужуди жимир этиб кетди. Ахир бу азиз, ҳурматли кишилар, тиббиёт оламининг устунлари бу ерга уни деб келишган. Ана, олдинги қаторда қўллари демасангиз, оддий ишчи башарали, пешонаси ва чўзинчоқ юзи мураккаб турмуш, машақатли меҳнат туфайли ажин босган СССР Медицина Фанлари академиясининг корреспондент аъзоси РСФСР ва Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби Павел Мозаев ўтирибди. У билан ёнма-ён ҳали йигитлардай сарвқад СССР Медицина Фанлари академияси фазо тиббиёти бўлимининг илмий котиби профессор Вячеслав Шумаков, Боку медицина институтининг ректори Габид Абдуллаев ва унинг ҳамкаслари атоқли озарбайжон профессорлари ўтиришибди. Улар билан бир қаторда расмий оппонентлари — сочидаги оқи демасангиз, ҳамон чиройли қора қош, қора қўз академик Адҳам Юнусов, медицина фанлари доктори Виктор Малкин, Профессор Жалол Мақсумов ва бошқалар.— Ахир ўзи шу кунни кўпдан орзиқиб кутмаганмиди!

Абдухалил Мансуров ўн беш йиллик тинимсиз меҳнати ҳақида кўпчилик олдида ҳисобот бера бошлади.

...Экранда ҳавосиз камерага қамалган қуён ички аъзолари ёрилиб парчаланади, териси кўз олдингизда дўмбирадай шиша бошлайди.

...Хар хил тезликда учиб кетаётган одамнинг ўпкаси ҳамда юрагининг рентген суратлари деворга осиб қўйилган: муҳофаза кийими кийганда ва муҳофазасиз қандай ҳолатда бўлишлиги аниқ кўриниб турибди.

Абдухалил Мансуров қўлидаги кўрсаткич таёқча билан жадваллар, диаграммаларни бирма-бир кўрсатади. Булар ўн беш йиллик машақатли илмий иши давомида тўпланган натижалар кўргазмасидир.

Илмий кенгаш диссертация ёқловчининг ахборотини эшитиб, оппонентларнинг маърузасини тинглашга киришади. Илмий котиб хизмат жўнидан келолмаган диссертантнинг илмий консультантини СССР Фанлар Академиясиning корреспондент аъзоси, профессор Олег Газенко нинг ёзма баҳосини ўқиб эшиittiради.

«...Абдухалил Мансуров мамлакатимизда биринчи бўлиб инсон ва ҳайвон юксак фазога учган пайтида баданида бевосита юз бериши мумкин бўлган радиал тезлик ва декомпрессия (сиқилиш, эзилиш, майиб бўлиш) ҳолатларини рентгенология воситасида ўрганди... Диссертациянинг энг муҳим жойлари Бутунитифоқ физиология жамиятининг VIII ва X съездларида, шунингдек Парижда бўлиб ўтган Халқаро Фазо тиббиёти иккинчи симпозиумида қилинган нутқида баён қилинган... А. Мансуровнинг илмий ишлари авиация ва фазокорликда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир...» — деб ёзибди устози.

Абдухалил Мансуровнинг расмий оппоненти, машҳур олим, академик Василий Парин диссертацияни бомбабоб таҳлил қилиб келадида: «Мансуровнинг диссертация ишига энг юксак баҳо берсак арзиди, муаллиф эса тиббиёт фанлари доктори деган даражани олишга шубҳасиз, лойиқdir.

Биз муаллифга диссертациянинг асосий мундарижасини монография сифатида нашр қилишни маслаҳат берар эдик», — деб ёзма тақриз юборибди.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Алҳам Юнусов эса минбарга чиқиб юқоридаги олимларнинг фикрини қувватлади ва «Мансуровнинг илмий иши ...шубҳасиз жаҳон фанини япги далиллар билан бойитади, шунинг учун ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир», — деб баҳолади.

Расмий оппонент тиббиёт фанлари доктори Виктор

Малкин Абдухалил Мансуровнинг илмий иши авиация ва фазо тиббиётига оид ва бу соҳа залда ҳозир бўлганларнинг кўпчилигига янги, нотаниш бўлгани учун ҳам диссертация ҳақида лўндароқ қилиб сўзлаб берди. Унингча, Абдухалил «... рентгенология усули ёрдамида тезлик орта бориши билан ўпкада ҳосил бўладиган морфологик ўзгаришларни бутун тафсилоти билан кузата олган, натижада тиббиётда биринчи марта патологик жараён динамикасини кўрсатиб бера олган». У яна: «Мансуров биринчи бўлиб катта тезликда учирилган ҳайвонларни асраб қолиш «чораси»ни аниқлади... Жаҳон тиббиётида, биринчи маротаба, маст қилинмай учирилган ҳайвоннинг томирига акс эттирувчи модда юбориши орқали қон айланиши ҳолатини рентген экранида кўрди ва суратга олди», — деб Абдухалилнинг кашфиётини юқори баҳолайди.

Авиация ва фазо тиббиёти соҳасининг атоқли вакили Виктор Малкин Мансуровнинг илмий ишининг катта амалий аҳамияти ҳақида тўхтаб:

«...Олиб борилган, физиолого-рентгенологик комплекс текширишлар асосида киши баданини ҳаво босимидан муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқилди», — деди.

Новча, қўй қўзлари ўсмиirlардай кулиб турган қора соқол бу одамнинг Абдухалил Мансуровнинг муваффақиятини ўз муваффақиятидай кўнглига яқин олгани унинг самимият барқ уриб турган чеҳрасидан кўриниб турибди. «Биринчи бўлиб... биринчи маротаба...» деб такрорлайди у Абдухалил Мансуров томонга ҳаваси келгандай қараб-қараб қўйиб.

Малкиндан кейин сўз олган биринчи ўзбек рентгенолог олими Жалол Мақсумов ҳам Абдухалил Мансуровнинг илмий ишига юксак баҳо берди.

— ...«Правда Востока» газетасининг 1961 йил 9 ав-

густ сонида жаҳонда биринчи фазокор Юрий Гагарининг мақоласи босилган эди. Ўша мақолада шундай сўзлар бор: «...Узбекистон меҳнаткашлари Совет Иттифоқининг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашда катта ҳисса қўшдилар, демак юксак фазога учишнинг амалга ошишида фаол қатнашдилар.. Бу учишга ҳозирлик кўриш ва амалга оширишда кўпгина миллатларнинг вакиллари бевосита иштирок этди. Инсоннинг юксак фазога парвоз қилиши шароитини ўрганиб, шу учишнинг бехатар ўтишини таъминлаётган олимлар, врачлар ичida ажойиб ўзбек фарзанди ҳам бор. У ўзи тошкентлик, тажрибали врач, Улуғ Ватан урушида иштирок этган, қобилиятли олимдир».

Жалол Мақсумов йиллар ўтиши билан сарғайган газетадан кўз узиб залга қаради. Унинг юмалоқ қип-қизил юзига табассум қалқиди:

— Энди билсак Гагарин мақтаган ўша ўзбек олими ўртоқ Мансуров экан!

Минбар ёнида ҳамон тик турган Абдухалил Мансуров хижолатдан ерга қаради. Чўнтағидан дастрўмолини олиб жимир-жимир этаётган пешонасига босди. У, бир дам ўзини учайдигандай ҳис этди; осмони фалакка кўтарилишларига кўмаклашган ўша машҳур фазокор дўстлари — Беляев, Николаев, Титовлар каби юксакларга парвоз қилаётгандай жуда енгил ҳис этди.

Шу куни Тошкент Давлат медицина институти илмий кенгашининг мажлиси чинакам тўйга айланиб кетди.

# ДУРАДГОРНИНГ КЕНЖА ЎҒЛИ

## Табиат бир қулф

Собир Юнусовни кўпдан биламан: у катта кимёгар, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, СССР Фанлар Академиясининг муҳбир аъзоси, Немис табиат шунослар Леопольд Академиясининг академиги. Собир ака ўз шогирдлари билан ўсимлик моддалари кимёси соҳасида жуда катта иш қилган: 119 гиёҳдан 210 алкалойд ажратиб олган, шулардан 110 таси бутунлай янги. Бу олимимиз билан гойибона фахрланар эдим, аммо яқиндан таниш эмасдим. Мана, танишишга баҳона ҳам топилди.

Академия шаҳарчасига қараб йўл олдим. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўсимлик моддалари кимёси институти директори қабулхонасига кириб бордим. Собир Юнусов банд экан. Кутдим. Анчадан кейин директор кабинети очилиб ҳаммаси бир хил — кўк халат кийган кишилар чиқиб келишди. Ичкари кирдим. Қенг хонанинг ўртасида оқ халтали ялангбош киши орқа ўгириб турибди. Собир Юнусовнинг ўзи. Одамларни кузатиб, ҳали столига ўтиришга улгурмабди. Қайрилиб қаради. Қорақош, қора кўз, қуюқ соchlаридаги оқи кам, ўрта бўй, савлатли киши. Салом бердим. Алик олди. Собир ака

ортиқ, индамаса ҳам унинг кўзлари «қани, мақсадга кўч», деяётгандай эди. Айтдим.

Собир ака лабини қимтиб қўйди. Утириңг дегандай имлади-да, ўзи юмалоқ стол ёнига ўтирди.

— Ишлаш керак, оғайни. Ваъзхонлик, маъракадан кимга наф?— Собир ака қошини чимирди,— ўзбекларда ўлган одамга маърака ўтказиларди. Ёмон бўлса ҳам «яхши эди раҳматли», деб мақташарди. Энди бўлса... Йўқ, қаршиман. Кечагинда президиумда ҳам гап бўлди. Керак эмас, дедим. Ахир бизнинг ёшимиздаги одамлар учун ҳар бир кун ғанимат! Кузда, одатда, хирмон кўтарилади. Мева-чевалар йигиб-териб олинади. Мен ҳам умримнинг кузида бутун эккан-тикканларимни жамлашшим керак. Элликка кирганимда ҳам марҳум президентимиз Абдуллаев, юбилейингни ўтказамиз, деганида рози бўлмаганман. Қилинмаган ишлар кўп, оғайни. Сал саранжомлайлик. Тўй-маърака қочмас. Ақалли саксонга кирайлик. Ана унда ярашади.

— Кимё фанини тарғиб қилишда сизнинг юбилейингиз бир баҳона бўлади, — дедим.

Собир ака ташқарида савалаб ёғаётган ёмгирга ўйчан тикилиб турди-да, менинг фикримга қўшилгандай бўлди.

— Тўғри, кимё янгиликларини кенг тарғиб қилиш керак. Кимё тараққиётисиз ёрқин келажакни тасаввур этиб бўлмайди. Бу Ер ости бойликлари — кўмир, нефть, газ абадий эмас. Тугайди. Аммо тугамас бир бойлик бор, у — ўсимликдир. Инсоннинг абадий йўлдоши. Уни тўйдиради, кийинтиради, соғлигини саклайди ҳам. Шунинг учун болаларимизда, энг аввал, ўсимликлар оламига муҳаббат уйфота билишимиз керак. Оёқ остида тапталиб ётган ҳар бир гиёҳда катта сир яширганини — инсоннинг саломатлигини яхшилайдиган, умрини узайтирадиган, ёки аксинча баҳтсизлик келтирадиган заҳар яши-

ринганини, бу сирни очиш учун кимё фани бир калит эканини англатишимиз керак.

Табиат бир қулф, кимё эса калит. Шу калитни маҳкам, дадил ушлаб, сирли қулфни оча оладиган забардаст қўллар — қобилиятли кадрлар керак. Билимдои кадрлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, оғайни, болаликдан тарбияланади, ўрта мактабдан. Ўзбек ўрта мактабларида, айниқса, қишлоқ, ўрта мактабларида кимё фанининг ўқитилиши кўнгилдагидай эмас. Ўқитувчи программадаги темани чала-чулпа баён қиласди, формулани доскага ёзади. Ўтдингми-ўтдим. Тамом. Доривор ўтлар қидириб экспедицияга чиққанимда кириб кўрганман. Ўрта мактабларнинг кимё хоналарида айрим сотиб олинган ускуналар шкафларда йиллаб қўл теккизилмай чаңг босиб ётади. Амалий машғулот, тажрибалар деярли ўтказилмайди. Бундай совуққонлик билан болаларда кимёга қизиқиши уйғотиб бўлармиди! Болада мавжуд, мудраётган туғма қобилият ҳам шундайлигича қолиб кетади. Йўқ, ўрта мактабларда кимё фанининг ўқитилишини тубдан яхшилаш керак. Кимё ўқитувчиси ўз фанининг чинакам шайдоси бўлсин. Шундагина у ўз ғайрати, юрак ҳарорати билан ўқувчиларини исита олади, ўз кетидан эргаштира олади...

Собир ака гапдан тўхтади. Унинг кўзларида аллақандай илиқлиқ жилва қилди:

— Менинг муаллимларим ана шундай шайдойилардан эді.

## Шайдойилар

— Муаллимларим тўгрисида гапириб беришдан олдин, уларнинг қўлига қандай қалиб тушганимни айтмасам, қиссам, чамаси узуқ-юлуқ бўлиб қоладиганга ўхшайди, шундай эмасми?

— Шундай,— дедим.

— Раҳматли онамизнинг йил суруштириб айтганларига қараганда, менинг туғилган вақтим 1909 йилга тұғри келади. «Девор тәғіндегі оқ үрік чаман бўлиб гуллаб турған пайт эди», деган эдилар. Үрік Тошкентда март ойининг иккинчи ярмида гуллайди. Шундай әмасми, оғайни?

— Шундай, — дея бош иргадим.

— Шундай бўлгандан кейин паспортга беш кун у ёқлик, беш кун бу ёқлик — фарқи йўқ, ўн саккизинчи март деб ёздириб юбордим. Чақарда Яланқа деган маҳалла бор. Биласизми? Хў, эшон мачитнинг орқаси, бизнинг ҳовлимиз худди ўшатдаги тор кўчанинг ичидаги бўлган. Дадам шморат устаси — дуралгор эканлар. Етти ойлигимда вафот этибдилар. Ойимиз тўртта бола билан бева қолганлар. Ёш бўлишларига қарамай, «болаларимни кимга муте қиласман? деб жойи чиқса ҳам эрга тегмабдилар. У киши чокчилик қиласдилар. Дўппи, жияк тикиб сотардилар.

Игнанинг учи билан рўзгор тебратишни бир ўйлаб кўринг-а! Биз тўрттовимиз ҳам пасти-баланд, факат ейиш-ичишдан бошқани билмайдиган ёш болалар эдик. Бутун заҳматни муштипар онамиз чеккан. Бизнинг баҳтимизга Октябрь инқилоби бўлиб қолди. Бўлмаса... Ҳозирги Собир Юнусов қаёқда! Октябрь инқилобисиз академик Абдуллаев ҳам, Содиқов ҳам, Орипов ҳам, Қори Ниёзий, Собир Юнусов ҳам бўлмас эди.

Эс-эс биламан: кўчада тупроқ чангитиб, соққа ўйнаб юрган эдим. Онам чақириб олди-да, юз-қўлимни ювиб, амакимга қўшиб берди. Қўзларида ёш, эшиккача кетимиздан чиқди. Амаким мени ҳозирги Ўқчи кўчасидаги етимхонага олиб бориб топширди. Бу 1918 йилдаги гап. Етимхона эски рус-тузем мактаби, ҳозирги Карл Маркс номидаги педагогика билим юрти ўрнида эди.

Совет давлати ўша оғир йилларда ички ва ташқи душманларга қарши ҳаёт-мамот кураши олиб бораётган, қаҳатчилик бутун мамлакатни гирибонидан олган, ҳукуматнинг бошида минг бир хил ташвиш бўлишига қарамай, биз оч-ялангоч етимчаларни тўплаб ўқитди, кийинтирди. Ўша илон йили гоҳо атала, қуруқ мөш қайнатиб бериб бўлса ҳам жонимизни асраб қолди.

Интернатда юриб, бўйим чўзилиб турмушнинг баланд-пастига ақлим етадиган бўлиб қолди шекилли (қийинчилик, мен сизга айтсан, оғайни, ёш боланинг ҳам ақлини чархлаб қўяр экан чоғимда), бир куни уйга бориб онамнинг тирикчилигини кўрдим-у, юрагим эзилиб кетди. Ёпиниб ётадиган кўрпанинг увадаси чиқиб кетибди! Шуни кўрдим-у, ишламасам бўлмас экан, деган қарорга келдим. Фикримни интернат директорига айтган эдим, ишга жойлаштириб қўйди: «Қизил Шарқ» вагон ремонт заводига қарашли тунукачилик устахонасида шогирд бўлиб ишлай бошладим. Эсингиздами илгариги вагонларда тўрт бурчак, шишли фонарлар бўларди? Ўша фонарларни бизлар ясар эдик.

Биринчи ойлигимга кўрпалик чит олиб онамнинг қўлига олиб берганим эсимда. Вой, у кишининг йифлаб дуо қилганлари!

Тунукачилик ҳунарини тез эгаллаб олишимга Сайд-аҳмадхон деган устам сабабчи бўлган. Устам қотма, чўққи соқол одам эди. Сопи синиқ, эски кўзойнаги бўларди. Унга ип боғлаб қулогига ҳалқа қилиб тақиб оларди. Аммо уста кўзойнак таққани билан кўзи жуда ўткир эди. Бир сафар катта кўчадан қўлида мис кўза кўтариб бир оқ отлиқ ўтиб қолди. Уч-тўрт кундан кейин устахонада худди ўшандай мис кўза пайдо бўлди. Бираром жимжимадор! Анавини қарангки, уста шуни бир кўришда ясабди! Ўша отлиқнинг қўлидаги кўзадан чиройли бўлса борки, кам эмас, Уста Саидаҳмадхон ҳа-

қиқий ижодкор эди. У киши ўзига яраша файласуф ҳам эди. Қўлида уч йилча нишладим...

Собир ака шифтга қараб ниманидир эслади:

— Ҳа, шундай... Йигирма учинчи-йигирма бешинчи йиллар ўртасида — шу уч йил кўзимга ўн уч йил бўлиб кўрингандирки, тунукачиликда мен билмаган сир қолмагандай ўзимни етук ҳис қилиб: Саидаҳмадхон акага: «Мен қачон уста бўламан?» деб шама қўлдим.

Уста муғамбirona жилмайib:

— Ишни мен айтмасимдан кўнгилдагидай қилсанг уста бўлганинг. Йўқса, умрбод шогирдликдан чиқмайсан, — деди.

Собир ака менга қараб мийифида кулиб қўйди. Шунда унинг зар ҳалқали кўзойнаги ялт-юлт этиб кетди.

— Мен ҳам гоҳо шогирдларимга устадан эшитганларимни айтиб, эсларига солиб тураман. Тўғри-да, улар менинг айтганларимни минг аъло бажармасин шогирдликдан бир пофона ҳам кўтариолмайди. Ундан чинакам олим чиқмайди. Ўзича янги-янги foяларни олға сурсин, исботласин, меҳнатининг самарасини товоққа солиб бундог кўрсатсин, ҳаётга татбиқ этсин. Ана ундан кейин баракалла, мана энди олим бўлдинг, деб кифтига қоқай, а? Нима дейсиз, оғайни?

— Тўғри, — дедим.

Мени тунукачиликдан ўқишга йўллаган ҳам Сайдаҳмадхон ака бўлган. Бир куни рўпараларига ўтқазиб қўйиб: «Ўғлим, мана мен тунукани тақиллатиб юриб, умрим ўтганини билмай колдим. Сен ҳам умрингни тўқмоқлаб ўтказиб, кейин пушаймон емагин. Ҳозирги замон ўқинганники», — деди.

Ўйлаб қарасам, устанинг гапи тўғри.

Йигирма бешинчи йилга келиб уй-рўзфоримиз ҳам анча яхшиланиб қолган эди. Уйдагилар ҳам: «Устангнинг гапи — гап», дейишди. Яна ўқчи кўчасидаги қадр-

дон интернатга қайтиб бордим. Қарасам, интернат ўрнида педагогика техникуми очилибди. Қабул қилишди. Илмий коммунизм назариясига асос солган буюк Маркс номига қўйилган худди шу билим юртида ўзимнинг иккинчи устамни, мени кимёга қизиқтирган муаллимим Ҳасан Муртазоевни учратдим. Ўкиши ҳозир ҳам ҳаёт. Тошкент Фармацевтика институтининг профессори, кимё кафедрасига мудирлик қиласди.

У вақтда Муртазоев ўзимизга ўхшаган ёш, бўйи бир саржин, ориқ кўк кўз йигит эди. Университетда ўқиб келиб, у ерда ўргангандарини бизга ўргатиб кетарди. Кўп вақт биз билан ётоқда ётиб қолар, техникум ошхонасида студентлик улушимиизни бирга баҳам кўрардик.

— Сиз ҳам қадимги кимёгарлардай мисдан тилла ясашни хаёл қилгандирсиз? — деб кулдим.

— Йўқ, оғайни,— деди Собир aka бош чайқаб. — Мен жисмларда, тузларда, ўсимликларда тилладан ҳам қимматли, инсон ҳаёти, соғлиғи учун зарур, унинг умрини узайтирадиган моддалар яширинганини сезар эдим. Ўттизинчи йили САГУнинг кимё факультетига ҳам шу яширин моддаларни топиш усусларини ўрганиш мақсадида кирдим. Бу ишда менга Ленин йўлланмаси билан Тошкентга келган профессор Сергей Наумов устозлик қиласди.

Сергей Николаевич қотма, калта соқол-мўйловли киши эди. Уз фанини шогирдларга бутун борлиги билан берилиб, ёниб ўргатар, шунга яраша талаб ҳам қиласди. У факультетда пайдо бўлиши ҳамон, ҳатто энг четдаги хоналарда ҳам товуши эшитиларди. Тайёргарликсиз келган студентлар унга дуч келишдан қўрқиб, ўзларини деразадан ташлаб қочишар эди. Профессор Наумов ана шундай шаддод, айни пайтда ниҳоятда одил киши эди.

У вақтда кўпчилик табииёт фанлари рус тилида ўқи-

тиларди. Кимё факультетига ҳар юртдан тўплланган биз ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман болалари рус тилига нўноқ эдик. Ўзимиз ҳам қийналар, ўқитувчиларни ҳам қийнардик. Қишки сессиядан кейин бўлса керак, деканатда мажлис бўлди. Группа бошлиги сифатида мен ҳам қатнашдим. Биз ўқитувчимиз... — Собир ака эслашга уриниб стулга тирсаги билан суюнганча бармоқлари билан чаккаларини қисиб бир дам жим қолди — Йўқ, исми шарифи хотирамдан кўтарилибди. Ўзи зодагонлар оиласидан чиқсан бўлса керак, такаббур, маҳаллий студентларга тепадан қарайдиган олифта, гапиргандা ҳам димоғ билан гапирадиган ялтироқ бош киши эди. Шу профессор сўзга чиқиб гапириб-гапириб келиб: «...бу туземликларнинг бош чаноғи университетда ўқиш даражасига ўсиб етишмаган», — деди. Наумовнинг жаҳли чиқиб кетди. «Сизнинг ё кўзингиз кўр, ёки зеҳнингиз! Йўқса Октябрдан кейинги ўсиш-ўзгаришларни кўрган бўлардингиз! — деди тик қараб. — Айтинг-чи, мана ўзингиз Ўзбекистонга келганингизга ўн йилдан ортди. Шу давр ичida ақалли ўнта ўзбекча сўз ўргандингизми? Йўқ! Аминман, билмайсиз! Булар бўлса, — Сергей Николаевич орқароқда ўтирган бизларга ишора қилди, — рус тилида гаплашадиган бўлиб қолишибди: ота-боболарининг тушига ҳам кирмаган табииёт фанларини ўрганишяпти. Ана Юнусов, ана Норқўзиев, қайси «бош чаноғи тараққий этган» европалик студентдан паст ўқияпти?»

Ўттиз учинчи йили Сергей Николаевич вафот этди. Шунда қабри тепасида унинг худди шу сўзларини тақрорладим: «У бизнинг ҳам устозимиз, ҳам стамиз, ҳам ҳимоячимиз эди», дедим йиглаб туриб. Ҳақиқатан Наумов шундай одам эди.

Ўттиз учинчи йили Бутуниттифоқ, химия-фармацевтика илмий-текшириш институтига уч ойлик практикага бордим. Бизлар беш киши эдик. Шерикларим жой-жойи-

ни топиб кетди. Фақат менгина жойлаша олмадим. Профессор Орехов қўл остида ишласам деб хоҳиш билдирсам, институт маъмурияти: «Унинг лабораториясига ортиқча одам талаб қилинмайди», деб унашмади. Уч кун гача Ореховнинг йўлини пойладим. Мен у кишига фойибона ошиқ бўлиб қолган эдим-да! Александр Павлович Совет Йттифоқида ўсимлик моддалари кимёсига асос солғанлардан. Шарқ табобати, Абу Али ибн Сино, ундан кейин ўтган ҳакимлар bemорларни, асосан, доривор гиёҳлар билан даволашган. Орехов лабораториясида худди шундай гиёҳлардаги моддаларнинг кимёвий тузилиши, инсон соғлиғига керакли алкалоидлар — ишқор моддаларини ажратиб олиш йўллари ўрганилади. Мен Москвага сафарга отланганимда шу мақсадни дилимга жо қилиб олган эдим. Илмий-текшириш институтида эса мени Ореховнинг яқинига ҳам йўлатишмади! Шундан кейин одобни бир чеккага йифишириб қўйиб, алкалоидлар лабораториясига беруҳсат бостириб кирдим. Қарасам, баланд бўйли оқ халатли бир киши эшик ёнида қўлини ювяпти. Ореховни илгари кўрмаганман, аммо Орехов шу эканини кўнглим сезиб турибди. Юрагим уриб кетяпти. Қайрилиб қарап дейман, қарамайди, кейин:

— Александр Павлович, мен сизда ўқишини хоҳлайман, — дедим русчалаб.

Ҳалиги одам бир қараб қўйди-да, яна қўлини юверди. Балки Орехов эмасдир, дейман. Турибман. У бўлса мени унутиб қўйгандай. Қолишимни ҳам, чиқиб кетишими ҳам билмайман.

— Жуда ҳам хоҳлайсизми? — деб қолди анчадан кейин.

Шундан кейингина унинг Орехов эканига аниқ шинонуб:

— Уч кундан берин ҳузурингизга киролмай юрибман, — дедим.

Орехов қўлини арта туриб, мен томон ўгирилди. Бу бола қаёқдан келиб қолди, деб ўйлади шекилли, кўзойнаги узра синчковлик билан тикилди-ю, кулимсиради.

— Наҳотки? Ҳа, майли, унда ишлай қолинг, — деди.

Лаборант қизни чақириб, иш билан таниширишни топширди. Топширди-ю, чамаси, шу заҳотиёқ унуди. Унинг кўзлари кўзойнаклар ортидан тикилиб туриши, аммо ўз ўйлари билан банд бўлганидан сизни кўрмаслиги ҳам мумкин. Александр Павлович билан ойлаб ёнма-ён ишлашингиз мумкин, аммо салом-аликдан бошқа бир оғиз сўз эшитмаслигингиз ҳам мумкин. У ана шундай камгап одам эди. Лекин у тўнг одам эмасди. Асло. Александр Павлович жуда маданиятли, мулойим, шу билан бирга сипо киши эди.

Алкалоидлар лабораториясида ишлай бошлаганимга икки ойча вақт ўтгандан кейингина Александр Павловичдан умрбод эсда қоладиган икки оғиз сўз эшитдим. Кўпдан тозаланмаган аралашмалар бор экан; сафора — эшак мия ўти эритмага солиб қўйилган экан. Шуни тозалаб алкалоид ажратиб олаётганимда кимдир анчадан бери орқамда туриб кузатаётганини сездим. Ўгирилиб қарасам Александр Павлович турибди: юзида ажабланиш аломати.

— Сизга шуни қил, деб буюришдими? — деб сўради.

— Йўқ, ўзим... — дедим.

Тўғриси, ножӯя иш қилиб қўйибманми, деб қўрқдим.

Александр Павлович жилмайди. Шундан кейингина ичимда чироқ ёқилгандек бўлди.

У шкаф тортмасидан эшак мия ўсимлигинииг уругини олиб берди. Бу ишонч эди, шундай буюк олимниши менга билдирган ишонч эди!

Ишладим. Лабораторияда кечалари қолиб кетардим. Чарчаш нималигини билмасдим. Домланинг ишончи менга қанот бафишлаган эди.

Үйқусиз ўтказган кечаларим эса зое кетмади. Эшак мия уруғидан домла раҳбарлигида янги алкалоид ажратиб олдим.

Шундай қилиб, уч ойлик практика, иш — изланишлар билан ўтиб кетди.

Тошкентга қайтишга ҳозирлик кўриб юрганимда Александр Павлович ўз ҳузурига чақириб: «Шу ерда қолмайсизми?» деди. Хўп, дедим. Қизиқ устида хўп дейишга дебман-ку, аммо Москвадай катта шаҳарда қайси даромадимга яшаймаи, деб ўйлаб кўрмабман. Ўттиз биринчи йили Ленинграддаги «Красний химик» заводига практикага борганимизда тунукачилик ҳунарим қўл келган эди. Ишдан кейин қолиб, тунукачилик цехида карнай қолип ясар эдим Эвазига устама ҳақ тўлашарди. Ейиш-ичишдан ортдириб, гоҳо дам олиш кунлари эски Маринск, ҳозирги Академик опера театрига тушиб ҳам турардим. Илмий-текшириш институтида эса, менинг бу ҳунаримга зарурият йўқ. Яна денг Тошкентдан стипендия юборишимай қўйишиди. Нима қиласман? Москва кузи, ўзингизга маълум, совуқ. Ёмгир кийимимнинг чок-чокигача ўтиб кетади. Устим, аксига олиб, юпун. Қорин бўлса оч. Товарная станциясига бордим...

У вақтларда завод-фабрикалару, электростанциялар кўмир билан ишларди, бутун Москва кўмир ёқарди. Товарная станцияда кўмир тушириш, юклашга тузук ҳақ тўлашарди. Шунинг учун ҳам кундузи лабораторияда ишлайман, кечки пайт товарная станциясидаги кўмир омборига чопаман.

Бир куни кечаси, одатдагидай, ишдан бўшаб Сокольникига ётоқقا кетаётгандим. Свердлов майдонидан Горький кўчасига қайрилиб энди юқорилаётган ҳам эдимки, рўпарамда шошиб келаётган Файзулла Хўжаевни кўриб қолдим. Техникумда ўқиб юрганимда Акмал Икромов, Йўлдош Охунбоев билан қандайдир бир ма-

росимга келган. Шунда уни яқиндан туриб кўрганман. Адашншим мумкин эмас. Худли ўзи! Совуқ ўтганга ўхшайди, Свердлов майдонига қараб зинфиллаганича келаяпти. Йўлини тўсиб, салом бердим. Ялт қаради-ю, поездга осиплиб келиб қолган дайди болалардандир, деб ўйлади шекилли:

— Бу ёқларда нима қилиб юрибсан? — деди тўхтаб.

Ўзимни танитдим. У ҳамон юриб кетяпти. Мен йўл-йўлакай аҳволимни баён қилиб боряпман.

«Метрополь»да тураг әкан. Меҳмонхонага бошлаб кирди. Яна бошқатдан суриштира кетди. Файзулла Хўжаев усти-бошимга ачишгандай қараб қўйиб, ёнидан бир даста пул чиқарниб берди. Кейин санааб кўрсам бир ярим минг сўм экан.

— Оёғингга ботинка, устингга пальто ол. Яхши ўқи, — деди.

Файзулла Хўжаевнинг республика ҳукумати номидан мен етимчага кўрсатган бу ҳиммати бошимни кўкка етказди. Баъзизда трамвайга билет олишга чақа тополмай қоладиган мендек студент «Метрополь» меҳмонхонасидан кўнглим тоғдек кўтарилиб чиқдим.

Ётоқда қани кўзимга уйқу келса! Ўтириб онамга хат ёздим. «...Мендан хавотир олманлар, яхши юрибман», — дедим. Ўттиз учинчи йили оғир пайтлар эди-да. Онаизор... хавотир олмай бўладими! Бир китобни ташлаб, иккинчисини қўлга оламан, тонг ота қолмайди. Мутолаа қиласай десам, миямга ҳеч нарса кирмайди. Хаёл—кийим дўконида.

Ниҳонг тонг ёришди. Қўчага чиқсан паға-паға лайлак қор ёғяпти. Ҳамма ёқ оппоқ. Биринчи дуч келган кийим дўконига кирдим-у, энг аввал, онамга жун рўмол олдим. Кейин ўзимга пальто, ботинка... Уша йиллар оғир бўлгани билан совет пулининг қадри баланд эди.

Башанг бўлмаса ҳам озода, иссиқ кийиниб институт-

га бордим. Лабораториядагилар: «Мана энди студентга ўхшабсан», дейишиди. Негадир Орехов йўқлатибди. Кеч келганимга койимасайди, деган ташвиш билан професорнинг ҳузурига чопдим.

Александр Павлович одатдагидай соқолини тоза қирдирган, оҳорли оқ ҳалатда ишлаб ўтирган экан. Унинг ҳеч қачон пала-партиш юрганини кўрмаганман. Ҳамиша кийими дазмолланган, гард юқтирумай юради. Унинг ғазабнок бўлиб бақириб-чақириганини ҳам кўрмаганман. Бироқ, ўша куни нимадандир хафароқ кўринди: эшикни очишим билан ўрнидан туриб ёнимга келди. Менинг қувончимга қор ёғадиганга ўхшайди, деб ўйлаб қўрқиб кетдим.

— Нега айтмадинг? — деди Орехов кўзимга тикилиб туриб:

У мени биринчи бор сенсиради. Юрагимдаги ҳадик баттар кучайди.

— Нимани? — дедим дудуқланиб.

Орехов бош чайқаб туриб, «яхши эмас», деб қўйди.

— Бирга ишласаг-у, аҳволингни мендан яширсанг...

Мендан тер чиқиб кетди. Ким айтди экан? — деб ҳайрон бўлдим. Орехов аста юриб бориб жойига ўтириди.

— Кўп боодоб киши экан раисларингиз...

Профессорнинг бу гапи ундан баттар таажжублантирди: ким, қайси раис?.. Эшик олдида турганимча қотиб туравердим.

— Ёш йигит-ку, давлат арбоби!

Э, ҳа-а! Қейин билсам Файзулла Хўжаев ўзи келибди! Менинг ўқишим, тажриба ишларим билан қизиқибди. Уша пайтдаги ҳолатимни бир тасаввур этиб кўринг-а! Гангид қолдим.

Ҳозир бундай фикр юритиб қарасам, Файзулла Хўжаевнинг оддий бир студент аҳволи билан қизиқиб иммий-текшириш институтига бориши бежиз эмас экан.

Илм-маърифат бўғиб ташланган, қолоқ бир заминда тикланган ёш республика учун билимли мутахассис кадрлар сув билан ҳаводай зарур экан! Уша пайтларда шахсан Файзулла Хўжаев ташаббуси билан Москва, Ленинград, Боку, ҳатто чет элларга ҳам ўнлаб ўзбек йигит-қизлари ўқишга, малака оширишга юборилган эди.

Шу воқеадан кейин аҳволим яхши бўлиб кетди. Йўл кира, нон-чой пули ташвишидан қутулдим. САГУдан яна стипендия кела бошлади (студентликка қайта тикилашибди шекилли), гоҳо-гоҳо Ўзбекистоннинг Москва-даги доимий вакили келиб ёки чақиритириб ҳол-аҳволимдан хабар олиб турар эди. Александр Павлович илгари устоз эди, энди бўлса ота-боладай бўлиб қолдик: кундузи ёнма-ён ишлайман. Энг мураккаб тажрибалар ўтказганимизда сездирмайгина қўллаб юборади. Янги алкалойидлар хоссаларини қандай қилиб таҳлил қилиш йўлларини ўргатади; кечқурун эса қўярда-қўймай уйига бошлаб кетади.

Мен қақиқий дорилфунунни Орехов лабораториясида ўтдим. Чинакам ижод нималигини, кашф этиш лаззатини ҳам Орехов туфайли билдим. Чексиз-чегарасиз табиатга қўл уриш, унинг қатралари — гиёҳларда яширган буюк сирни очиш, инсоният учун хизмат қилдириш, бу билан ўзим ҳам инсоният учун хизмат қилиш завқини ўз фанининг чинакам шайдоси устоз Александр Павлович туфайли тотиб кўрдим.

У кўп синовлардан кейин менга мустақил ишлаш учун ёввойи кўкнори танасидаги моддаларни ўрганишни топширди. Бу оддий студент тажриба ўтэётган лаборант учун катта ишонч эди. Биласизми, оғайни, ишонч кишини рухлантириб, қанот бағишлайди. Мен ҳам кейинча Ореховдан мерос бўлиб қолган шу одатни қўллаб, ўз шогирдларимга катта-катта муаммоларни дангал ишониб топширадиган бўлдим. Фанда бу жуда зарур.

Шундай қилинса ёш киши нимага қодир, нимага ноқобил эканини яққол кўрсатади қўяди. Бу билан у синовдан ҳам ўтади. Танишгандирсиз менинг халфа, шогирдларим билан: Фаттоҳ Йўлдошев, Георгий Сидякин, Ноил Абубакиров, Ҳаким Абдуазимов, Самат Акрамов, Зиёвутдин Исмоилов... ҳозир фан докторлари, профессор. Мен ҳам ўша ўттизинчи йилларда домланинг ишончини оқлаш учун тажриба ўтказиб, найчалар ичидаги бўлаётган кимёвий жараёнлардан кўз узмай кунни тунга, тунни кунга улардим. Баъзан қоровуллар ярим кеча, сақаргезда тўсатдан лаборатория деразасида чироқ ёнаётганини кўриб қолиб, ҳайдаб чиқарган пайтлари ҳам бўлган.

Жафо чекмасанг жонона қайдади! Шундай эмасми, оғайни? Уйқусиз ўтказган кечаларим бекор кетмади. Ёввойи кўкноридан фанга номаълум «ремерин» алкалоидини ажратиб олдим. Унинг кимёвий тузилишини таҳлил қилдим. Шу билан диплом ишим тайёр бўлди. Орехов лабораториясида практикада юриб жами олтита алкалоид тадқиқ қилдим. Тошкентга қуруқ қайтмадим. Ўттиз бешинчи йили САГУнинг катта залида диплом иши ёқладим. «Собир Юнусовдан кимёгар чиқмайди», деб университетдан ўчириб юборганлар уялиб қолишиди.

Университетни битиргач, яна Орехов ҳузурига бордим. Ўттиз саккизинчи йили унинг раҳбарлигида кандидатлик диссертациясини ёқладим. Докторлик диссертациясини ҳам Орехов раҳбарлигида ёза бошлагандим. Бахтга қарши устозим ўттиз тўққизинчи йили вафот этди.

Орехов буюк олим, шу билан бирга буюк инсон ҳам эди. Шахсан менга унинг кўп хизмати сингган. Катта кимё даргоҳига қўлимдан етаклаб кирган шу азиз, муҳтарам инсон. Унинг менга қилғаш яхшиликларини умрбод унутмайман. Ҳозиргacha ҳам қачон Москвага

бормайин устозим яшаган, ишлаган жойларни бориб, зиёрат қилишни канда қилмайман. Эллик еттинчи йили Парижда бўлиб ўтган Жаҳон кимёгарлари кенгашида иштирок этганимда ҳам Александр Павлович ишлаган Сорбонна университети кимё лабораториясига атайн бордим. Майли, чет эл сафарлари ҳақида кейин бафуржа, а? Ҳозир...

## Доривор гиёҳ қидириб

— Кимё-фармацевтика илмий-текшириш институтида Орехов борида ҳам, кейинча ҳам баҳор кириши билан Москвада қолмасдан дарҳол алкалоидли гиёҳлар қидириб сафар қиласдим. Гоҳ Қавказ, гоҳ Урта Осиё. Институтга қоп-қоп қуритилган ў билан қайтардим.

Бир сафар Ботумида қизиқ ҳодиса рўй берди, — Собир аканинг кўзларида шўхлик, ҳа, ёшлик шўхлиги жилва қилди. У кўзойнагини бир кўтариб, ўтирган ўрнида қимирлаб қўйди. — Колҳида ўрмонлари, тўқайларида ҳар хил алкалоидли ўтлар териб, қуритиб, икки қоп қилиб орқалаб, поездга чиқдим. Ҳали қопларни жойлаштириб улгурмаган ҳам эдимки, бурни ўроқдай шоп мўйлов бир грузин милиционер келиб ҳужжат суриштириди. Паспортимни бердим. «Қопларингизни кўтариб кетимдан юринг», деди. У десам у деди, бу десам, бу деди. Ноилож қопларни кўтариб вокзалдаги темир йўл милицияси идорасига кириб бордим. Қопни очиб кўрсатдим. Улар мени лавр барглари олиб кетаётган савдогар деб, орқамдан кузатиб юришган экан!

Тоғ-тош, дашт-далада дайдиб юрган нотаниш бир йигитни кўриб қолганларнинг кўнглига нималар келмайди, дейсиз. Ҳалиги милиционерга ўхшаб ортиқча

ҳушёрлик кўрсатганлар, қишлоқ советларига судраб борганилар ҳам бўлган. Лекин учраганинг кўпчилиги ўз маслаҳати, қўл кучи, ҳатто от-улови билан ёрдам берарди. Ибни Сино ҳам ҳамма доривор гиёҳларни ўзи билавермагандир? У ҳам ўзидан олдин ўтган, замондош ҳакимлардан ўрганган, ҳалқ, табобатидан хабардор кексалар билан суҳбатлашган. Мен ҳам қайси қишлоқ, қайси чайлага бормайин ўша ердагилар билан, чорвани эмловчилар, табиблар билан учрашишга ҳаракат қиласман. Ахир ерда нима кўп — ўт кўн. Барини кимёвий текширишдан ўтказиш учун кишининг умри етармиди. Ҳалқ дори сифатида фойдаланиб келган гиёҳлар эса юз йиллар давомида синовдан ўтган.

Масалан, кампирлар нега исириқ солишади? Боласи ёки, невараси инс-жинсдан халос бўлиши учунми? Исириқ тутатилганда ундаги шикор, мой ва бошқа моддалар куйиб атрофга таралади-да, хонани ҳид, рутубатлардан тозалайди. Турли хил юқумли касалликлар микробларини қириб юборади. Лйниқса грипп вируслири, ич терлама, юракбуруқ микробларини қиради. Кампирлар буни ўзларича тушунгаплар. Эндиликда исириқнинг таъсирини биз илмий асосда исботладик.

Демак, ҳалқ дори сифатида фойдаланиб келган гиёҳларда беморга шифо бўладиган алкалоид, гликозид, эфир мойи ёки кислота бор. Аммо ҳар қандай эмчи, табиб сизга ўз билганини осонликча айта қолмайди; оғзидаги ошини олдириб қўядигандай сизни ёқтирамайди. Уларнинг кўнглини тона билишингиз керак. Ўттиз беш, ёки ўттиз олтинчи йилда Паркентнинг тепасидаги Заркент қишлоғида Туроб ота деган бир мўйсафид билан танишдим. У кишининг катта фазилати — гиёҳларнинг тилини билиши эди. Ҳа. Кулманг, у киши чинакам табиат ошифи эди! Туроб отанинг олдига қуруқ бормасдим. Совга-салом, чорак қадоқ чой, қанд-қурс, гўшт-ёғ

кўтарпб борардим. У киши сўққа бош, мозорда алла-қандай авлиёning чироғини ёқиб, қоровулдай, бир ҳужрада фақирона ҳаёт кечирарди. Шунинг учун ҳам арзимаган совға-салом кўтариб бориб, қари одамнинг кўнглини овлардим. Кўп вақт, у киши билан ариқ бўйидаги супада кўк чойни майдалаб ўтириб, мириқиб сұхбатлашардик. Бир куни энди дастурхон атрофига ўтирган ҳам эдикки, узоқдан йифи овози эшитилди. Туроб ота ичиб турган чойини тугатмай дастурхонга қўйди. Иккимизнинг ҳам қулоғимиз динг. Ёш боланинг овози тобора яқинлашарди. Ҳақиқатан ҳам ўн-ўн икки ёшлардаги ўғил болавой-войлаганча эшикдан кириб келди. Кетида онаси. Бола мол боқиб юрганида болдиридан илон чақибди.

Туроб ота «Кўзинг билан кўрдингми?», «Қандай илон?» — деб суриштира кетди. Мени заҳари қонга ўтиб ёмон қилмасайди деган қўрқув босди: боланинг илон чаққан жойи қонталаш бўлиб кетган эди.

Туроб ота болага далда берар экан, яктагининг чўнтағидан қаламтарашини чиқарди. Пайқадимки, боланинг ярасини тилмоқчи. Қаламтараш нималарга урилмаган дейсиз. Шунинг учун отанинг қўлидан олдим. Пичноқ тифини гугурт ёқиб алангага тутдим. Туроб ота мен ўйлаганимдай қилди: боланинг илон чаққан жойини тилиб-тилиб юборди-да, ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради. Нима қидиряпти экан, деб ҳайрон бўлдим. Ариқдан сакраб ўтди-ю, нариги қирғоқдаги қандайдир бир гиёҳни юлди. Қайтиб бу қирғоққа ўтди. Ҳалиги ўтнинг баргини кафтида эзиб-эзиб боланинг ярасига қўйди-да: «Бор кетавер, яхши бўлиб қоласан», — деди.

Она-бала кетди. Мен тинчиёлмадим:

— Заҳар қонга ўтиб юракни ишдан чиқаради-ку? — дедим.

Туроб ота бўлса пинагини ҳам бузмади.

— Ўтнинг сути ҳам қонга ўтади, заҳарни кесади, — деди.

Шу кечаси Туроб отаникида ётиб қолдим. Аммо тонг отгунча хаёлим ҳалиги болада бўлди: «Мурғаккина нарса, илоннинг заҳрига дош бера олармикан», деб ҳар хил хаёлларга бордим. Кун чиқмай туриб, отага билдирамай илон чаққан боланинг уйини сўроқлаб топдим. Йўқ, бола яхши бўлиб кетибди. Туроб ота айтмоқчи, гиёҳ илон заҳрини кесибди. Кўнглим тинчид қайтиб келсам Туроб ота боғчасига экилган бедани ўраётган экан. Қарашиб юбордим. Ишни тугатиб, ўрик тагида салқинлаб ўтирганимизда «Табибликни кимдан ўргангансиз?» деб сўрадим:

— Илондан, — деб жавоб берди.

Кулдим. Ишонмаганимни сезиб ғалати бир воқеани айтиб берди.

Туроб отанинг бир эшаги бор экан. Шуни сотиб бузоқ олсам, катта бўлса сигир бўлади, соғиб ичаман, деб ўзича режа тузибди-ю, Паркент бозорига борибди. Эшакни пуллабди. Аммо пулига бузоқ келмабди. Икки қўли бўш, пиёда қайтибди. Заркент билан Паркентнинг ўртаси анча масофа. Кунда қизиб ётган яланғоч тепаликлар, сой ўпирган жарликлар. Ота ҳориб бир тут тагида тўхтабди. Тут ҳам каллакланган, лекин ҳар қалай кўланкаси бор экан.

Туроб ота сояда салқинлаб ўтирганида қулоғига шитирлаган овоз эшитилибди. Тут тепасидаги чумчуқлар қаттиқ чириллашибди. Ота атрофга бундай тикилиб қараса, олачипор илон. Тепадан иланг-билинг ўрмалаб у ўтирган жойга тикка тушиб келаётган эмиш. Туроб ота йўталиб овоз берибди. Илон қайрилиб ўзини жар тагидаги чакалакка урибди. Чамаси, илон ҳам кун қизиганда шу тут тагига тушиб салқинлар экан.

Жар тагидаги бирор кавакда қовоқ арилар уяси бўлса керак, бирдан тўзиб кетибди. Қовоқ ари ҳеч чақ-қанми? Бай-бай-бай, кузда чақса борми, ёмон қиласи—дўмбирадай шишириб юборади.

Илон жар тубидаги чакалакдан вашиллаганча қочибди. Қовоқ арилар виз-виз шўнгигбай наиза урармиш.

Ота қараб турса илон нарироқча қочиб борибди-ю, сой бўйида ўсган баланд бир ўтга чирмасибди. Ўша ўтнинг учидан тишлаб роса сўрибди. Кейин пастга тушиб, ҳеч нарса бўлмагандай, секин-аста ўрмалаб кетибди.

Илонга даво бўлган бу ўт нима экан, деб ота ўрпидан туриб бориб қараса, сабзи баргли, ҳиди ҳам сабзи ҳидли эрман экан.

«...Шундай, табибликни мен илондан ўрганганман», деган эди Туроб ота. Мен бўлсан у кишидан қўлтиқларига кириб кўпгина доривор гиёҳларни билиб олдим. Ҳақиқатан ҳам ота дори ўрнида фойдаланган гиёҳларни кимёвий текшириб кўрганимизда улар алкалоидларга бой эканлиги маълум бўлди. Шунаقا, оғайнини, «Билмаганин сўраб ўрганган — олим, орланиб сўрамаган — ўзига золим», деган Алишер Навоий. Собир Юпусович мақтанчоқ экан деб ўйламанг, оғайнини. Бўлмаса Туроб ота ким? Чаласавод, диндор бир мўйсафид. Лекин синчков, зеҳни тиниқлигидан эшитган-кўрганларини ёдида мақкам сақлаган, халқ табобати тажрибаларини ўрганган. Натижада унинг зеҳни-дили бир сандиқча айланаб қолган. Агар мен ҳозирги баъзи одамларга ўхшаб, «ҳа, бу бир сассиқ чол-да», деб ёнидан бесалом ўтиб кетаверганимда ҳалиги дил сандиги ёпиқлигича қолаъераарди.

...Қирқ биринчи йилининг баҳор, ёз ойларини ҳам шифобахш гиёҳлар қидириб ўтказдим. Эски Авлиёота билан Чимкент оралиғидаги қирларда юрганимда уруш бошланганини эшитдим. Шошилинич Москвага қайтдим. Москва мен сафарга кетаётганимдаги Москвага ўхша-

май қолибди. У вақтда баҳор кийнмида, кўркам, чароғон тантанавор эди. Энди бутунлай бошқача: чорраҳаларда зенит тўплари. Қеч кириши билан Москва осмонини пўлат симлар кўтарган ҳаво шарлари тўлдиради, деразаларда чироқ кўринмайди. Кўчаларни тўлдириб қўшинлар саф-саф ўтади; кишиларнинг чехрасида эса мунг, ўйчанлик. Қаердадир самолёт гуриллайди. Қорони тунни проҗекторлар нури тилкалайди. Қаердадир бомбалар гум-гум ёрилади. Ёнгин бошланади. Мен уйга бормайман. Кўп вақт кунимни ҳам, тунимни ҳам институтда ўтказаман. Ўйда мени кутадиган ҳеч ким йўқ. Хотиним икки боламни олиб Тошкентта кетибди. Кечалари том тепасига чиқиб навбатчилик қиласиз. Институтимиз Фрунзе номидаги Ҳарбий академияга қўшни... Фашист самолётлари Москвага ҳужум қилганда кўпроқ ўша Ҳарбий академияни мўлжалга олишга ҳаракат қиласиди. Кўп вақт ташланган бомбалар теварак-атрофга тушади. Бир кечаси ўн учта ёндирувчи бомбани ўчирганимиз.

Уруш даврини эслашнинг ўзи азоб. Халқ қўшинига қўшилиб, Москва мудофаасида иштирок этдим. Михайловка деган қишлоқда бомба парчаси тегиб чап сонидан оғир яраландим. Йўғон илигим майдаланиб кетибди. Қор, тупроққа қоришиб ўлар ҳолатда беҳуш ётганимда қуролдошларим топиб олишибди. Подольскда, Иваново-Вознесенскада госпиталда ётдим. У ерни ҳам душман авиацияси бомбардимон қила бошлагач, Қозонга кўчиришди. Илгари Ватанни ҳимоя қилиб жанг қилган бўлсам, энди ярадор оёғимни ҳимоя қилиб жарроҳлар билан жанг қилишга тўғри келди.

Бир сафар ҳарбий врачлар тепамда тўпланишиб кенгаш ўтказишиди, машҳур хирург профессор Вишневский ҳам бор. Етти ой кўкраккача гипсда тахтакачланиб ётиш ҳазиллакамми! Аммо шу давр ичida суюк сини-

ши-ю даволашга оид китобларни, ярадориниң ҳақ-хуқуқлари — ҳарбий устав, қонунчиликка оид нарсаларни ўқиб, медик, юрист бўлиб кетганман денг! Гипсни очиб кўришди — сасиб кетганман. Оёғимнинг тузалавермаганини кўришиб, сезиб турибман, кесишмоқчи.

— Ҳеч қандай қон бузилиш — қорасон белгилари йўқ, кесишлиарингга йўл қўймайман! — дедим бақириб.

Оёқсиз мен қандай кимёгар бўлдим? Далама-дала, тоғма-тоғ юриб, доривор гиёҳ қидиришим керак; эртадан кечгача лабораторияда тикка туриб тажриба ўтказишим зарур! Йўқ, қаттиқ турдим. Оёғимни асраб колдим. Қўлимда қўлтиқтаёқ...

Ювиб-тозалаб қайта гипсга солишибди.

Қозондан Свердловскка, у ердан Оренбургга жўналишиди. Оренбургдан эса... бир амаллаб бошимни кўтариб вагон деразасидан ташқарига қарадим. Болаликдан таниш вокзални кўрганимдан кейинги тугилиб ўсган она юртим Тошкентга келганимга ишондим! Ўша пайтдаги ҳолатимни сиз сўраманг, мен айтмай! Оғир яраланиб, шунча вақт тортган азобларим шаҳримни бир кўришдаёқ эсимдан чиқиб кетди.

Ҳозирги Дизель остановкасида уруш вақтида госпитал бўларди. Шу госпиталга ётқизишиди. Суякларим қийшиқ бита бошлаган экан, ростовлик Богораз деган зўр жарроҳ бошқатдан операция қилди. Синиқ суякларимни очиб эговлади, жой-жойига қўйиб гипслади. Яна неча ой ярадор оёғимга ўн икки қадоқли тош осиғлиқ ётдим. Мушаклар бита бошлагандა тортишиб, синиқ суякларни айқаш-уйқаш киришириб юборар экан-да. Шунинг учун ҳам оёғим аввалгисида етти сантиметр калта бўлиб қолган экан. Кейинги даволашлардан сўнг фақат икки сантиметргина қисқа бўлиб битди. Оёқни бемалол ерга босадиган бўлдим.

Шундай қилиб қирқ учинчи йил апрель ойида гос-

питалдан чиқдим. Ўзингиз биласиз, у вақтлар уйда оёқин узатиб ётадиган давр эмас эди. Бирор ҳафта ўтар-ўтмас Республика Фанлар Комитетининг кимё институтига қўлтиқтаёқда кириб бордим. Ипститутда алкалоидлар лабораторияси ташкил қилдим. Илк пайтларда елкамга солдат қопчиғини осиб, қўлтиқтаёқда Бўржар бўйлари — бу ёғи Чилонзор, у ёғи Чифатой Дарвоза гўристонларигача қатнаб, алкалоидли ўтлар тердим. Шундай қилиб юриб, уруш «белнга тепған» илмий ишимни якунладим: қўрқ саккизинчى йили «Алкалоидларнинг ўсимликларда пайдо бўлиши, тўпланиш динамикаси ва аҳамияти» деган ном билан нашр эттирдим. Қўрқ тўққизинчى йилда докторлик диссертациясини ёқладим.

Эллик еттипчи йилга келиб алкалоидлар лабораторияси Ўзбекистон Фанлар Академиясининг йўсимлик моддалари кимёси институтига айлаиди.

Ўсимлик моддалари кимёси институтida аниқланган кўпгина алкалоидлар соф ёки синтетик — бошқа моддаларга аралаштирилган ҳолда дори-дармон сифатида қўлланилмоқда.

Хозир институтнинг ўн уч лабораторияси бор. Уларнинг ишлари бир-бири билан боғлиқ. Масалан, институт ботаниклари алкалоидли ёки техника ўсимликларини қидириб топиш, қаерларда, қандай шароитда ўшини ва запасини аниқлашса, кимёгарлар улардаги алкалоид, гликозид, оқсил моддалари ра кислоталарни ўрганишади. Фармакологлар эса кимёгарлар аниқлаган ўсимлик моддаларининг таъсирини каламуш, қуён ва ҳоказо ҳайвонларда синаб кўриб, инсонга нафини ўрганишади. Технология-тажриба лабораторияси эса ўсимлик моддаларини ажратиб олиш методлари, технологияси назарияси билан шуғулланади — маҳаллий ўсимликлардан олинадиган мъалум дориларни тайёрлаш усул-

ларини такомиллаштириш бўйича иш олиб боради. Институтимизда ботаникларсиз кимёгарларнинг иши юришмаганидек, кимёгарларсиз фармакологлар «яшай отмайди». Институт ташкилий жиҳатдан шундай қурилган, лабораториялар бир-бири билан узвий боғлиқ. Масалан, дефолиантлар кимёси лабораториясида бутилкаптакс дориси яратилди. У ҳозирги пайтда гўза баргини тўкишда қўлланиләётгани бутифозга қараганди қирқ марта заҳарсизроқ, яъни одамга деярлп безарар. Кимёгарларимиз яратган бу янги дорини ўсимликшуносларимиз синовдан ўтказишиди. Биология фанлари кандидати Анвар Умаров Қишлоқ хўжалик министрлигидаги ўртоқлар билан бирга Вахш водийсида синовдан ўтказишиди. Яхши натижা берди...

Собир аканинг гапи бўлинди. Хонага институтнинг илмий котиби Айзиков билан бир йигит кириб келди. Иккови ҳам қўнғир кийимда. Икковининг ҳам рағги бир хил: оқ-сариқ. Фақат бўйлари ҳар хил. Айзиков новча, нотаниш йигит ўрта бўй. Айзиковнинг юзи чўзинчоқ, қирра бурун; нотаниш йигит эса юмалоқ юз. Айзиковнинг кўзларида нуқсони бор шекилти, қора кўзойннак тақиб олган.

Ҳамиша камгап Айзиков Собир акага киминингдир номига ёзилган хатни ўқиб берди.

Собир ака бош чайқади.

— Расмийроқ чиқибди. Самимий бўлсин. Ақалли янги йил билан табрикланг.

— Вақт ўтди, — Айзиков эътироғ билдириди.

— Ҳечқиси йўқ. Янги йил энди бошланаяпти. Иккп оғиз илиқ сўз... сотиб олмайсиз-ку! Олим бўлгани билан у ҳам одам, ахир! Ана ундан кейин илтимосга кўчинг... Сиз... — Собир ака кулча юз йигитга мурожаат этди,— бу хатдан ташқари профессорга оғзаки менинг саломимни ҳам айтинг.

Айзиков билан йигит чиқиб кетишди:  
Суҳбатларига қизиққанимни сезган Собир ака изоҳ берди:

— Ҳалиги йигит — Анвар Умаров. Таништирмабман ҳам. Қишлоқ хўжалик министриимиз билан «бутилкаптакс»ни қўллашга рухсат олишгани Москвага кетишяпти. СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигида химикатлар бўйича раиси — ҳозиргача ғўза баргларини тўкишда қўлланилаётган бутифоз дорисини яратган олим... Комиссия қандай қарор чиқаради — ким билади дейсиз. Яна Озарбайжонда ёки Арманистонда сина дейдими. Эҳтиёткорлик яхши, албатта. Аммо «сина-сина»га кўп вақт кетиб, оммавий қўллашга рухсат текканида ҳалиги дори эскириб, ундан яхшироғи пайдо бўлиши ҳам мумкин. Бундай сусткашлик, шубҳасиз давлатга зарар, фан тараққиётiga тўғоноқ.

Собир ака бир дам жим қолди. Юзидан кайфи бузилганини пайқадим. Үзимни гуноҳкордек ҳис этиб, вақтини олганим учун узр айтмоқчи бўлиб турганимда у ўрнидан оғир қўзгалди.

— Мендай кекса одамни гаига солиб қўясиз-да, ўзингиз индамай ўтираверасиз, — дея таъна қилди. — Бундан кейин гапларимиз бири боғдан, бири тогдан бўлмаслиги учун аниқ саволлар тузиб келинг.

Мен «хўп» дедим.

## Шаҳримиз боғистон бўлсин

Ён дафтаримга Собир акадан сўрайдиган саволларимни аниқ ёзиб, душанба куни кабинетига кириб борсам у дераза олдида ташқарига тикилганча ўйчан турган экан: бу пайт институт ҳовлисидағи олмазорда қор бўрон ғужгон ўйнамоқда эди.

Олма кўчатлари нишона қилиб-қилмаган, мургак ҳали. Совуқ урмаганмикан, деб, ташвиш чекаётган бўлса керак, деб кўнглимдан ўтказдим. Саломлашиб аҳвол сўрадим:

— Яхши, — деди Собир ака гапимни оғзимдан олиб. — Кечак қўшнимникида базм қурдик. Ўғлининг туғилган куни экан. Қаранг, туппа-тузук йигитча бўлиб қолибди. Чақалоқлигида ўн қават кўрпача-ю чойшабга ўраб, бизникига кириб қолишарди. Қўшнимнинг тилабтилаб етишган фарзанди, уни попалагани, попалаган эди.

«Қўйворсангиз-чи, бу жониворни яланғочлаб !Ахир куннинг юзини кўрсин-да», деб тегишардим.

Ҳалиги болапақирнинг қўллари чийдай. Оёқлари маймоқ, боши ялпоқ эди. Сабаби: аъзойи бадапига витамин етишмаган, қуёшнинг нури тегмаган.

Менинг гапимга кириб яланғочлаб қўйиб қўйишиди. Ҳўл мева бера бошлашди... Энди нўриб таний олмай қолдим, боланинг оёқлари тўғри, қўллари биққа, бошининг ялпоқлиги ҳам билинмай тойчоқдай бўлиб кетибди.

Бизнинг Ўзбекистон шароитида болаларда витаминоз умуман бўлмаслиги керак. Бу узоқ шимолга — мева битмайдиган, куннинг кўзи ойлаб кўринмайдиган жойларга хос касаллик. Бизнинг боғ-роғларимиз аслда витамин заводларидир.

Эндиликда шаҳримиз кенгайиб, илгари шаҳар аҳолисини мева, сабзавот билан таъминлао турган боғлар, далалар ўрни тураг жойларга айланиб кетди. Катта шаҳарни қишлоқлар мева, сабзавот билан таъмишлайди, албатта, лекин четдан келади, деб қараб турмаслигимиз керак. Шаҳарнинг ўзини мевазор боққа — витамиин заводига айлантиришимиз керак! Педагогика институтни олдидағи олмазор хиёбонни эсланг-а! Ёмонми? Чакири

тиканакли сассиқ дарахтлар ўрнига ҳовлилар, кўча ёқаларига ёнгоқ, шотут, гилос, ўрик, олма эқсак бўлмайдими? Буларнинг чиройи қайси мевасиз дарахтницидан кам? Анорнинг гули истироҳат боғларидағи қайси гулдан кам? Ёқутдай ёшиб камида бир ой очилиб туради. Эрталаб уйғониб деразангизни очиб юборсангиз димоғингизга гуп этиб жийда гули ҳиди урилса! Бунга нима етсин! Жийда пишганда-чи! Қин-қизил маржондай шода-шода бўлиб туради. Мазасини айтмайсизми! Тургай-битгани дори-ку!

Бир вақт Ботаника институтининг директори профессор Русанов, марҳум олим Коровин учовимиз шаҳар советига кирганимиз. У вақтда Хусаинов деган ўртоқ ради эди. Фикримизни эшишиб бўлиб лоқайдлик билан:

«Болалар қўярмиди! Мевасини териб кетишади», деди. «Терса — терсин. Ейишгани фойда», дедик. «Синдиришади», деди. Бир синдирап, икки синдирап. Учинчи марта синдиримайди, дедик. «Тут, ўрик, шафтоли пишганда ерга тўклилади. Асфальт йўлларнинг бети шира босиб ётади», деди. Шира бўлса бўлсин. Асфальтни ювиш қийин эмас. Юракка дармон, мияга даво ўша шира, глюкоза берадиган дарахтларни экайлик. Ахир қаҳатчилик йилида тоғли кекса тожик шотутга қараб туриб: «Тут пишибди. Энди ўлмаймиз», деб бекорга айтмаган, дедим. «Ёнгоққа тош отиб ойналарни синдиришади», деди. Ўша синдирадиган болалар менинг деразамни синдира қолишин, лекин катта кўчаларга ёнгоқ экайлик, деб ялиндим. Ахир ўша синдирадиганлар ҳам мевали дарахтлар билан ҳамти яшаб юриб, бора-бора кўзи тўяди, ўрганади. Тушунтира-тушунтира Хусаиновни унатдик. Лекин у шаҳар советида узоқ ишламади. Ундан кейин раис бўлган Юсупованинг ҳузурига ҳам кирдик. Маълум режалар тузиб кирдик. Юсуповани кўп тарғиб қилишга тўғри келмади. Аёл киши эмасми —

рози бўла қолди. Аммо яна раис ўзгарди. Ҳозир Тошкентни мевазор богоистонга айлантиришнинг айни пайти: шаҳар деярли янгидаи қурилляпти. Янги кварталлар, янги шаҳарчалар барпо бўляяпти. Иморат атрофларига, ҳовлиларга, кўчаларга мевасиз эмас, мевали дарахтлар экиш керак. Жамоат ҳовлиларига кўчатни шу ҳовлиларда турувчилик ўзлари баҳамжиҳат бўлиб экнишсин. Чорраҳа — ҳиёбонлардаги бўлажак анорзор, анжирзор, жийдазорлар парваришини пенсиядаги кексаларга топширилса ҳам бўлади: ҳосилини бола-чақаси билан баҳам кўрса кўринити-да! Энди шаҳар ичидағи боғларни оқар сув билан таъминлашга келсак лойиҳа тузувчилик эски ва янги сув йўлларини унутиб қолдирмасинлар. Бизда қадимдан сув ҳақрафаси бузилмаган: бир қўшни иккинчи қўшинининг ҳовлисига ўтадиган ариқни ҳатто уйининг остидан ўтган тақдирда ҳам кўмиб ташлашга ҳақи бўлмаган.

Албатта, шундай катта шаҳарни мевали дарахтлар кўчати билан таъминлаш осон эмас. Бунинг учун мавжуд кўчатзорларни кенгайтириш, янги кўчатзорлар барпо қилиш керак бўлади.

Гапимнинг холосаси шуки, Тошкентимизни, умумалик республикамиздаги шаҳарларни мевазор боғ ҳолида, йирик, табиий витамин заводлари ҳолида кўришни истайман.

Ташқарида ҳамон қор бўралар. Тарам-тарам кўкимтири қиров босган олма кўчатлари энди кўзимга қаҳратон қиши қаърига қаровсиз ташлаб қўйилган мурғак, нимжон бўлиб эмас, башқача кўриниб кетди. Деразадан қараб туриб, уларниң баҳорда гуркираб гуллашни тасаввур этдим. Ҳатто олма гулининг муаттар ҳидидимоғимга урилгандай ҳам бўлди.

## Имтиҳон

Собир ака дераза олдидан узоқлашиб, ўз столига бориб ўтирганида у кишининг билдирган эътирозини эслаб ён дафтаримни олиб варақладим.

— Асосий мавзудан яна четга чиқдик шекилли: спзни нима қизиқтиради? — Собир ака менга мурожаат этди-да, соатига қаради. — Яна бир соатча вақтим бор. Кейин лабораторияга чиқиб кетаман.

— Эртага...

— Эрталабдан бандман: бир группа олимлар билан Кореяга кетаяпмиз! Шундан олдин халфаларим билан маслаҳатлашадиган ишлар бор.

Кореяга сафар... чет эл сафарлари... Миямда Собир акага бериладиган савол ўзидан-ўзи пиша қолди. Шунга яқин савол ён дафтаримда ҳам қайд қилинган: ўтган сафардаги суҳбатда Собир ака Париж, Сорбонна университетини тилга олмаганиди!

Сўрадим.

— Парижга дейсизми? Эллик еттинчи йилда эди шекилли... — Собир ака даҳанини аста уқалаб туриб ўйланди. — Эллик бешинчи йили Цюрих... Ҳа, эллик еттинчи йили экан. Парижга Халқаро кимёгарлар симпозиумига бордим. Мендан кейин доклад қилган бир франциялик олима ўзлари очган янги алқалоид ҳақида гапирди. Шунда Мадам Ливини тилга олди. Мадам Ливи ахир устозим Орехов билан бирга ишлашган аёл! Александр Павлович кўп эслар эди уни.

Франциялик олима минбардан тушгандан кейин бориб ёнига ўтиришга рухсат сўрадим. Мадам соғ рус тилида жавоб берди. Ўзи Одессада туғилган экан-да. Ишим осон кўчди: бетаржимон гаплаша кетди. «О-о, Месье Орехов? Мадам Ливи лабораториясида ҳозир ҳам портрети осиғлиқ турипти!» деди суҳбатдошим.

— Париж аёлларн жозибалн бўлишади. Тан бериш керак,— деб мийифида кулиб қўйди Собир ака.— Домланинг портретини бир кўриш, у кишининг қадами етган жойни зиёрат, қилиш ишиёқи юрагимни жўш урдирди: ҳалиги аёлга эргашиб мадам Ливи лабораториясиға бордим. Мадам Ливи сочи оппоқ, келишган бир кампир экан. Александр Павловичнинг шогирди эканимни эшитиб: «О-о! А-А-А-лессандр!..» деб нималарни дир ўз тилида айтиб кўп қувонди. Ёшлик чоғлари эсига тушиб кетгандир-да, кўзига ёш олди. Узи бошлаб юриб Александр Павловичнинг иш столини, деворда осиғлиқ портретини кўрсатди. Кучга тўлган йигитлик чоғлари экан. Домланинг кенг пешанасидан чуқур ўй, кўзларидан фаросат нури ёғилиб тургандай.

Юзма-юз туриб: «Салом Александр Павлович», дедим. У ҳам гўё алик олиб, маъқуллагандек бўлди.

— Парижда «хинин» алкалоидининг ижодчисига, Пеллетье шарафига XIX асрда қўйилган ҳайкал бўлиши керак. Шуни кўришнинг иложи борми?— деб сўрадим мезбонларимдан.

Мадам Ливи менинг яхши ниятимни табриклади. У ўз шогирди — мени шу ерга бошлаб келган ёш хонимни қўшиб берди.

Ҳайкал яқин жойда — Сорбонна университети ёнидаги майдонда экан. Аммо Пеллетьевинг ҳайкали мен ўйлаганимча мисдан эмас, мармардан ясалган экан. «Нега бундай?» деб сўрасам, «Бунинг учун немис босқинчилари айбор. Улар Париждаги барча мис ҳайкалларни йўғиширио олиб эритиб, замбарак қўйишган»,— деб тушунтириди йўл бошловчим.

Француزلар Парижни босқинчилардан озод қилишганларидан кейин мис ҳайкаллар ўрнига мармар ҳайкаллар ўрнатишибдн.

Мезбонимга миннатдорчилик билдириб Сена бўйида-

ги «Полидарсис» меҳмонхонасига борсам ҳамроҳларим академик Қазанский билан профессор Арбузов... йўқ, отаси эмас, ўғли «Собирнинг жанублиги тутди», деб кулишиб ўтиришган экан. Бўлган воқеани айтиб берганимда улар ҳам қизиқиб қолиши «Бизни ҳам бошлаб бор», деб туриб олиши. Мадам Ливига телефонда мурожаат этишга тўғри келди. Фарбий Европада бир неча марта бўлдим: Лондон, Прага... Лекин Париж ҳамда Цюрих сафари асло эсимдан чиқмайди.

Эллик бешинч иили СССР Фанлар Академиясининг президенти Несмейнов бошлиқ бир группа совет олимлари Халқаро органик кимё конгрессида қатнашиш учун Цюрих шаҳрига бордик.

Илгари Швейцарияни харитадагина кўрганман, эшитганман, ўқинганман ҳам. Швейцария, айишқса, Женева кўли соҳили жаҳои давлатмандларининг оромгоғи. Швейцария мамлакатининг хазинаси асосан чет эллик сайёҳлар ҳисобига тўлади. Аммо тан бериш керак, Швейцария табиати ҳақиқатан ҳам гўзал: баланд қорли Алп тоғлари, кўм-кўк жилгалар, ўрмонзорлар ўртасида тиниқ, ойна кўллар. Бизда чиройли тоғ водилари ни, одатда, Швейцарияга ўхшатишади. Бу бежиз эмас, албатта.

Женева, Цюрихда тарихий жойлар кўп. Швейцарияга етиб борганимизнинг эртасига ёки Владимир Ильич муҳожириликда юрганида турган уйни бориб кўрдик.

Халқаро органик кимё конгресси женеваликлар, цюрихликларни унча қизиқтиргмаган бўлиши ҳам мумкин. У ерларда ҳар куни бўлмаса ҳам ҳафта — ўн кунда қандайdir Халқаро кенгаш бўлиб туради. Аммо мен учун Швейцария сафари янгилик эди. Фақат китоб-журналлар, плтмий бюллетенлар орқалигина таниш бўлган машҳур олимлар билан учрашаман, фикр олишаман. Ҳаяжонланардим.

Минбарда америкалик олим Вудворд. Пенициллиннинг ижодкори. Шунинг орқасида бойиб кетган миллионер. У стрихнин алкалоидининг синтезини тамомлаганлиги ҳақида ахборот берди. Вудвордан кейин гапириш навбати менга келди. Лабораториямизда алкалоидлар кимёси устида олиб борилган тадқиқотларимиз ҳақида доклад қилидим. Вудворд битта алкалондинг кимёвий хоссасини тузиб чиққан экан, биз, ўнлаб янги алкалоидлар ажратиб олганимиз, уларниг кимёвий хоссасини тузганимиэни гапириб жадваллар ёрдамида намойиш қилидим.

Конгресс қатнашчилари шарафига зиёфат берилганда, негадир, мени Совет Йиттифоқидан борган ҳамроҳларимдан ажратиб, тўрга ўтқазиб қўйишди. Жуда ноқулай бўлди. Ахир, академик Несмеянов, академик Казанскийлар бор... Үнг томонимда Вудворд, сўл томонимда гарбнинг яна бир атоқли олими. «Мистер Юнусов», «Герр Юнусов», деб ёнёқдан савол бернишади. Саволлар замонавий кимёнинг кун тартибида турган муаммоларига оид. Зиёфат илмий мунозарага айланниб кетгандай эди, чамамда. Айниқса, веналик Шпетт деган олимнинг шогирди ёшроқ профессор савол устига савол ёғдираяпти. Шундан кейин мени имтиҳон қилишаётганини пайқаб қолдим. Улар менинг халқаро минбарда туриб фанга номаътум бўлган янги алкалоидлар тадқиқотига оид қиёлан докладимга ишонишмаганга ўхшайди. «Қашфиёт буғдой рангти осиёликнинг қўлидан келадиган иш эмас, докладни руслар ёзиб берган. У факат тўтиқушдай ўргатилганин сайраган», деб ўйлашиб, қасддан мени ҳамроҳларимдан ажратиб имтиҳон қилишаётган экан! Сочларим тикка-тикка бўлиб кетди. Лекин ўзимни босдим. Ҳалиги веналик профессорга ўзининг домласи кашф этгап фенантридин алкалоидлари группасига оид савол берсам тутилиб чала-чулпа жавоб

қўлди. Ҳолбуки Шпеттнинг кашфиёти ёнига биз томони-миздан қўшилган янгиликлар, инглиз, немис матбуотида аллақачонлар эълон қилинган. Шундан кейин бошқаларнинг ҳам попуги пасайди.

Буни академик Несмеянов ҳам сезиб ўтирган экан. Зиёфатдан кейин йўлда кетаётиб: «Собир Юнусович бугун имтиҳондан ўтди», деб кулиб қўйди. Тўғри, илгари кўп имтиҳонлардан ўтганман. Аммо бу сафарги имтиҳон аввалгиларга ҳеч ўхшамас эди.

Собир ака билинтирмайгина қўл соатига қараб қўйди-да:

— Энди сиз халфаларим, шогирдларим билан сухбатлашинг, — деди.

Унинг халфалари — лаборатория мудирлари эканини дарров тушундим. Уста, халфа, шогирд... Ўз қўл кучи билан цон топиб еган пайтида ёш қалбида чуқур изқолдирган сўзлар...

— Сезишимча сиз бир нима ёзмоқчига ўхшайсиз? — Собир ака сўраб қолди.

Бош иргаб тасдиқладим.

— Лекин ёзадиган нарсангиз, оғайни, фақат бир одам тўғрисида бўлмасип.

— Халфаларигиз, шогирдларингиз ҳақида ҳам...

— Ҳа, балли! — маъқуллади Собир ака. — Битта калла маълум муаммони олға суриши мумкин-ку, аммо уни ечиш, бажаришда икки қўл камлик қиласди. Ишимизнинг табиати ўзи шундай асов — ҳар томондан ўраб олиб, кўпчилик бўлниб қўл урсаккина бўй беради.

Шундай, оғайни, Собир Юнусов ундоқ қилибди, Собир Юнусов бундоқ қилибди, деб мақтаманг. Мен ни-маики қилган бўлсам атрофимдагилар билан бирга қилдим: нимагаки ҳар кандай деб керилиш — бачканалик. Бизниңг соҳамиз шу қадар бепоёнки, ўйлаб

қарасанг, қилған ишларинг денгиздан томчидай бўлиб кўринади кўзингга. Бупдай пайтда, Собир, умидсизланма, сен улгурулмаганларингни ана, шогирдларинг бор, шулар қиласди, деб ўзимни ўзим овутаман.

## Романтиклар

Собир ака билан хайрлашиб йўлакка чиққанимизда ўйланиб қолдим: институтда ўн учта лаборатория бор. Уларда юздан ортиқ илмий, техник ходимлар ишлашади. Ҳаммасига кириш, кўриш, танишишга жуда кўп вақт кетади. Шунинг учун танишишни ўсимликлар лабораториясидан бошлашга қарор қилдим. Чунки деярли қолган ҳаммаларининг иши шу лаборатория билан боғлиқ. Уидан ташқари бу лабораторияга Собир ака билан студентлик давридан таниш, ҳаммадан ҳам узоқ бирга ишлашган одам — Короткова бошчилик қилас экан. Бироқ юқори қаватга кўтарилиб доривор ва техник ўсимликлар лабораториясига кириб борганимда қидирган одамимни учрата олмадим. Бир йигит ниманидир ёзиб ўтирибди.

— Елена Евгеньевна отпускада, — деди у. — Ишигиз борми.

Танишдик. Рўпарамда кенг елкалари билан деразани деярли тўсиб турган бу паҳлавон қомат йигит лаборатория мудирининг ўнг қўли, биология фанлари кандидати Султон Ҳамидхўжаев экан.

Короткова ҳақида сўз очганимда:

— Онахонимиз ажойиб аёл, — деди фаҳр билан Султон. — Ўрта Осиёда уининг қадами етмаган жой йўқ: Собир ака икковлари тоғу чўл, водию қир ҳаммасини ишида кезиб чиқишган. Аслда Елена Евгеньевнанинг ўзи билан учрашсангиз бўларди. Уий Академия шаҳарча-

сида, яқин. Бари бир бормоқчи бўлиб турган эдим.—  
Лаборатория ҳисоботига қўл қўйдиришим керак...

Рози бўлдим.

Бизга ҳамроҳим Султондай, аммо унга қараганда тоши оғир мўйсафид киши эшик очди.

Елена Евгеньевна — сочи оқарган, паст бўйли, оғзи тўла тилла тиш кекса аёл бизларни очиқ чеҳра билан меҳмонхонада қарши олди. У, эгнида кўк гулли кўхнaroқ жомакор, уй ишлари билан куйманиб юрган экан.

— Чоли-кампир қишида отпуска олдик,— деди Елена Евгеньевна ишхонасига бошлаб кириб ўтиришга таклиф қилгач.— Иккимиз ҳам, мана, Султон билади, жаҳонгашта... романтиклармиз,— у ҳали бизга эшик очган йўғон кишига қараб кулиб қўйди.— Баҳор кириши билан биттамиз тоққа, иккинчимиз саҳрора қараб кетамиз.

Елена Евгеньевнанинг эри Иван Константинович ҳам биолог олим. Урта Осиё Урмон хўжалиги илмий текшириш институтининг илмий ходими, вазифаси ўрмон, тўқай зааркундалари — ҳашаротларга қарши кураш.

Елена Евгеньевна нима мақсадда келганимни билиб:

— Собир Юнусович тўғрисида китоб ёсса арзийди. У ўз соҳаси бўйича Иттифоқдагина эмас, дунёда ҳам етакчи олимлардандир. Шу билан бирга у инсон сифатида ҳам олижаноб,— дея таъриф-тавсиф қила кетди.— Одатда, студент ҳатто аспирантнинг ҳам илмий командировкага оид ҳисоботи олинади-ю папкага тиқилади. Уттиз бешинчи йили Собир Юнусовнинг Бутуниттифоқ кимё фармацевтика илмий текшириш институтида ўтказган практикасига оид ҳисоботини эса бутун университет тинглаган. Мен ўзим биология факультетида ўқисам ҳам кимё факультетининг лиқ тўла катта зали эшиги олдида тик туриб, унинг нутқини эшитганман.

Собир Юнусович билан шахсан ўттиз олтинчи йили ёзда танишдим. Биз бир групга ботаниклар Чотқол тоғида кезиб, кечки пайт Заркентга келиб чойхонада қўндиқ. Шу ерга Собир Юнусов ҳам келиб қолди. Орқасидаги қопини ерга қўяётib:

— Бу ёқларда нима қилиб юрибсиз? — деди мени кўриб қолиб.

Студент чоғидан таниш эдик. Чет, тогли қишлоқда кутилмагандага бундай учрашувдан иккимиз ҳам қувондик.

— Ўзингиз нима қилиб юрибсиз? — дедим мен.

— Тогда киши нима қиласарди? Тилла қидиради!

Собир Юнусовичнинг бу гани ҳазил эди. Тирсиллаб турган қопида ўт-чўпдан бошқа ҳеч парса йўқлигиги бир қараашдаёқ пайқагандим.

У Москвадаги Бутуниттифоқ кимё ва фармацевтика илмий текшириш институтидан экспедицияга келган экан.

Собир Юнусович билан иккинчи марта қирқ учинчи йили учрашдик. Ботаника институтига қўлтиқтаёқда кириб келиб, мени ўзи яқинда ташкил этган алкалоидлар лабораториясида ишлашга таклиф қилганди. Рози бўлдим.

Лабораторияда тўргт киши ишлардик: Собир Юнусович, Завъялова, Прогрессов ва мен. Прогрессов Собир Юнусович раҳбарлигига кандидатлик диссертацияси ёқлади. Ҳозир у Донбассда, Завъялова Уралдами қаердадир ишлайити. Алкалоидлар лабораторияси ташкил бўлганида атиги биргина хонага жойлашган эди. Ҳозир у ўн уч лабораторияга ўсиб кенгайди — ўсимлик моддалари кимёси соҳасида ишлаётган жаҳон кимёгарларининг макласига, йирик илмий текшириш институтига айланди. Унинг биноси бутун бир маҳаллани эгаллайди. Алкалоидлар лабораториясида тўрттагина илмий

ходим ишлаган бўлса, ҳозир институтда уч юз олтмиш битта киши ишлайди. Шулардан бир юз етмиш еттиласи илмий ходим. Қирқ учинчи йили фақат бир киши — лаборатория мудири Собир Юнусовнинггина илмий даражаси бор эди. Ҳозирга келиб институтда еттила фан доктори, эллик саккизта фан кандидатлари ишлайди. Буларнинг деярли бари Собир Юнусовнинг қаноти остида тарбия топган унинг шогирдлари, ёки невара — шогирдларидир. Шу институтда ўсиб илмий даража олган, кейин қанот чиқариб ҳар қаёққа парвоз қилган олимлар ҳам кўп.

Собир Юнусов институтимизни йўргагидан ўраб-чирмаб ўстирди. Институтимиз, том маънода, Собир Юнусовичнинг фарзанди. Собир Юнусовични ҳам, ўз навбатида, шу институтимиз тарбиялади, вояга етказди. Улар иккиси қўл ушлашиб бирга ўсишди.

Партия ва ҳукуматимиз институтимизни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлади. Буни институтимиз ходимларининг ҳалқ, давлат олдида қилган хизматларининг тақдирланиши деб биламан ва шу коллектив аъзоси бўлишим билан фахрланаман.

Яна нималарни айтиб берсам экан, ўртоқ...— Елена Евгеньевна кафтини кафтига қўйиб қулимсиради.

— «Ўрта Осиёдаги алкалоидли ўсимликлар» деган икки томли асар ёзиб қўйибсиз-ку, яна нимани айтай дейсиз, — ёнимда ўтирган Султон луқма ташлади. — Ҳар бир гиёҳнинг топилиши ўзи бир тарих-ку! Шулардан гапиринг.

Елена Евгеньевна «Қўйсанг-чп», дегандай Султонга бир қараб қўйди. Мен илтимос қилдим.

— Болалигингизда эшитгансиз ёки ўқигандирсиз: эртакларда киши умрини боқий қиласиган обиҳаёт қидириб, тузалмас дардга даво бўладиган гиёҳ излаб неча-неча қаҳрамонлар дашт-биёбонларни кезишади. Бу

аслда афсона эмас, ҳақиқат,— Елена Евгеньевна ўз фикрига қўшилган-қўшилмаганимни билишин истади шекилли, кўзларимга синчковлик билан тикилди. — Юон ҳакими Гиппократу, Ўрта Осиёлик Ибни Сипо ҳам дардга даво гиёҳ қидиришган. Мана биз оддий фонийлар ҳам...

— Ундан деманг, сиз фоний эмассиз! — Султон устозига эътиroz билдириди.

— ...Биз оддий фонийлар умримизни қидириш, кезиш билан ўтказяпмиз. Ана шундай кезишларда нималарни кўрмадик, нималарни бошдан кечирмадик. Эллигинчи йили баҳорда Сўх атрофида айландик. Қўштут сойи ёқалаб бораётганимизда қаттиқ жала қўйди. Иўл ёмон: тор, паст-баланд, эгри-буғри: тоғ бағридан ўтади, иккн терак бўйи пастда сой. Сел келиб қутуриб оқапти. «Газ — 69» машинамиз бор. Орқага қайтиб бўлмайди. Фақат олдинга юришимиз керак. Яқинда сел ўтган жилғага қиялаб тушиб, юқорилаётганимизда мотор торта олмади. Ер нам эмасми, машина олдинга юриш ўрнига орқага сирғаниб бораянти. Сакраб-сакраб ерга тушдик-да, орқа фидирак тагига тош ташлаб тўхтатиб қолдик. Бўлмаса сойга юмалashi муқаррар эди.

Машинани тўхтатишга тўхтатдик-ку, лекин юқорига итариб чиқаришга кучимиз етмади. Бир аспирантни Сўхга юбордик. Район милнцияси бошлиғи номига хат ёзиб, ёрдам беришини илтимос қилдим.

Бундай ҳодисалар тоғи тош, сўқмоқларда юрганимизда тез-тез учраб туради, шунинг учун чет жойларга сафар қилишдан олдин, ҳар эҳтимолга қарши маҳаллий маъмуриятга учраб, ўзимизнинг кимлигимиз, нима мақсадда юрганимиздан уларни хабардор қилиб қўйардик. Буни бизга Собир Юнусович ўргатиб қўйган. Маҳаллий ҳокимиятга ўзимизнинг кимлигимизни эртароқ билдириб қўйишга ҳаракат қилишимизнинг яна бир

боиси бизлар экспедицияга чиққанимизда саёқ лўлиларга ўхшаб бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юрамиз. Аҳоли шубҳаланпши ҳам мумкин. Баъзи бирлари «артистмисизлар?» деб сўрарди. Собир Юнусович бундай пайтда: «Ҳа, мана бош раққосамиз», деб мени кўрсатарди.

Сўх район милициясининг бошлиғи таниш эди. Кечга яқин икки милиционер бир юқ машина тўла одам билан етиб келиб қолди.

Сўхга етиб борганимиздан кейин кўрсатган одам-гарчилиги учун район милиция бошлиғига миннатдор-чилик билдиримоқчи бўлиб ҳузурига кирдим. Шунда гапдан гап чиқиб, у менга аллақандай «хаёл» деган ўт ҳақида гапириб қолди. Шу ўтнинг томиридан кичкина кесиб чойга солиб ичилса, кишини банги қиласар — ширин хаёлларга чўмдирар экан. Кўпроқ ичилса кишини ақлдан оздирар, ҳатто ўлдирар экан. Кўп йиллар муқаддам бир йигит олий мактабни тамомлаб, қишлоққа мактаб директори бўлиб келибди. Эски директор саводи пастроқ, бупинг устига жуда кекчил одам экан. Ҳалиги ўз ўрнига тайинланган йигитнииг овқатига «хаёл» ўтнинг томиридан қўшиб ичирибди. Йигит жинни бўлиб қолиб, зўрга тузалибди. Кейин сир очилиб эски директор қамалиб кетибди. Сўх ва теварак-атрофдаги қишлоқларда бундай шафқатсиз қасос олишлар илгари тез-тез учраб туарар экан.

Милиция бошлигининг ҳикояси мени ҳайратда қолдирди. Тўғриси бу ёфи Хитой, бу ёфи Афғонистон, Эрон чегарасигача кезганман. Минг-минглаб ўтларни била-ман. Аммо «хаёл» деган ўтнинг мавжудлигидан бехабар эканман.

Кейинча Сўх атрофидаги тоғларда юрганимизда нотаниш бир ўтни учратдим. Барги тамакиникидай. Дарҳол пичоқни ишга солдим. Кавлаб олсан томири ўша

район милиция бошлиғи тасвирлаб берганидай. Тошкентга қайтганимизда Собир Юнусовичга бердим. Текшириб кўрса «ҳаёл»нинг томираидатропинеимон кўз қорачиқларини кенгайтириб, мия, асабларни карахт қилувчи жуда кучли заҳар бор экан. Натижасини Сўх район маъмурниятига маълум қилдик.

Киши соглигига, чорвага, умуман халқ хўжалигига катта зиён етказувчи бундай ўсимликларни кўплаб аниқлаганимиз. Аҳолини хабардор қилганимиз. Ҳукумат эса, ўз навбатида, эҳтиёт чоралари кўрган.

Улуғ Ватан уруши йилларни Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд обласининг айрим районларида аҳоли ўртасида галати касаллик пайдо бўлди. Айниқса қирқ еттинчи, қирқ саккизинчи йилларда бу касаллик кенг тарқалди. Ҳукуматимиз шошилини равишда комиссия тузди. Унда атоқли медиклар Хадукин, Компанцев, Домбровский, кимёгарлардан Собир Юнусов, Георгий Сидякин, ботаниклардан мен бор эдим.

Халқ бу касалликни «туя қорин» деб атаганича бор эди. Беморнинг қорин қапордай қанпайиб шишиб кетар, жигарни қаттиқ оғрир. Врачлар bemорнинг аҳволини енгиллатиш учун қоринни тешиб баъзиларидан ўн-ўн беш литргача сув олиб ташлар. Касал чўпдай озиб кетар ва ниҳоят ҳалок бўлар эди.

Ходукин касалликни вирус тарқатса керак, деб тахмин қилди. Бошқа медиклар «Боткин касали» деб даъво қилишди.

«Туя қорин» касаллиги билан асосан қишлоқ аҳолиси касалланар эди. Шунинг учун ҳам биё Собир Юнусов, Сидякин учовимиз bemорлар овқатдан заҳарланишмаганмикан, деб ўйлаб дон-дунни текширишга киришидик. Қорамиқ, чирмовуқ уруги, темиртикан демоқчи дон-дун ичидан ўттиз тўрт хил ёввойи ўтлар уруғи, хас-чўи топдик. Булардан баъзилари ишқорли эди.

Аммо кимёвий тузилишларини чуқурроқ ўрганишга эритма танқис. Бир неча литр хлороформ учун Собир Юнусович билан Георгий Петрович Сидякиннинг Соғлиқни Сақлаш Министрлигига кўп марталаб қатнаганлари ҳали-ҳали эсимда. Ҳамма нарса танқис оғир йиллар эдид. Шунга қарамай Собир Юнусович ўз шогирди билан ҳалигни ёввойи ўт уруғларининг кимёвий тузилишини текшириб чиқишиди. «Кўкмараз» деган ўтнинг майдада зангор уругларида «гелиотрин», «лазиокарпин» алкалоидлари мавжудлигини аниқлашди. Шу алкалоидларни ҳайвонларга бериб синааб кўрилганда «тужа қорин» касаллигининг белгилари уларда ҳам кўринди. Шундай қилиб, қишлоқ аҳолиси ўртасида тарқалган фожиий «тужа қорни» касаллиги бугдой, арпага аралашгап «кўкмараз» туфайли эканини аниқладик.

Ҳукуматимиз «кўкмараз» тарқаган майдонлардан ўриб-йигиб олинган галлага дарҳол карантин эълон қилди.

Этологинчи йилда бўлса керак, Ховосга яқин Жулангар қишлоғида оғир касаллик пайдо бўлди: орқамия, асаб фалаж бўллиб, бутун-бутун оилаларнинг ёстиғи қуриди. Яна Собир Юнусовичнинг алкалоидлар кимёси лабораторияси иш берди. Ҳукумат комиссияси составида фожиа юз берган жойга бордик. Бу сафар ҳам ишни дон-дунни текширишдан бошладик. Қарасак, Жулангар далаларидан йиғиштириб олинган дон негадир, рангпар, кўкимтири. Собир Юнусович шогирдлари билан кимёвий тадқиқ қилганда донга қандайдир ўта заҳарли ўтнинг сути синггани аниқланди. Бугдой ангизлари, далаларни кезиб юриб, у ўтии ҳам топдик: барги баҳмалдай қалин «камшир чопон» деган гиёҳ экан. Қомбайнга буғдой билан ўрилиб, янчиқдан ўтганида «камшир чопон» сиқилиб суви донга сингар экан. Бўндай заҳарли алкатоидни шимган дондан тайёрланган озиқ-овқатни еган одам

аста-секин заҳарланиб мия, перв иплари фалаж бўла борар экан.

Комиссиянинг текшириш хуносаларига асосан республика ҳукуматимиз «кампир чопон» ўти тарқаган қишлоқ-районлардан йиғнб-териб олинган ғаллани истеъмол қилишни дарҳол тақиқлади. Бу билан жуда катта фожианинг олди олиб қолинди.

«Хаёл», «кампир чопон», «кўқмараз» каби ўтлар инсонларга баҳтсизлик келтирса, «Бўригул», «қорақовуқ», «санчиқўт», «эрмон» каби гиёҳлар киши саломатлигини тиклашдан ташқари баҳт ҳам келтиради.

— Оддий ўт-а? Биринчи эшлишим, — дея тегишдим.

— Мен оддий ўтдан баҳт топган анча кишиларни биламан, — Елена Евгеньевна бош иргаб кулимсиради. — Қирқ тўққизинчи йили ёзда Фаргона водийсидаги Хўжа ота дарасида Собир Юнусович билан доривор ўт териб юриб қўниш жойимиздан узоқлаб кетибмиз. Кун найзада. Қиздириб турибди. Бир парча кўланка бўлса-чи. Томоқ қақраб бораяпти. Тепаликда чодир қўринди. Шунга қараб юрдик. Чиқиб борсак асалари чининг жойи экан. Бир кекса рус юзига ниқоб тутиб, тутун тутатиб уялардан асал олаяпти. Ундан: «Бир чойнак чойнинг иложи бўлармикан?», деб илтимос қилдик. Халтамиизда нон-қантимиз бор. Фақат чой бўлса бас. Чол: «Уйга кирнинглар», деб имлади. Ичкари кирсак бир аёл чилланинг кунида қалин кўрпага ўраниб ётибди. Ранги заъфарон. Бир қарашибдаёт у бечорани безгак қийнаб қўйганини пайқадик. «Нега даволатмадингиз?» десак «Ўзимча даволанаюман. Бу ҳали тузалиб қолганим», деди.

Унга шу атрофда турадиган бир ўзбек кампир «дамлаб ич», деб аллақандай томир берибди. Яқиндан бошилаб шуни ичаяпти экан.

Аҳоли бу ўтии «Бўригул» деб атар ёкан. Мия ўтга ўхшаган чўзинчоқ, танга баргли, лўвиясимон ҳосил ту-гувчи оддий ўт. Собир Юнусович билан Хўжа ота, Ҳамзаобод атрофидан анча-мунчасини териб олдиқ. Тек-ширсак «бўригул» алкалоидга бой ёкан. Тошкентга қайтганимизда Собир Юнусович бир даста «бўригул» ўтини шогирди Фаттоҳ Йўлдошевга узата туриб: ярим ҳазил, ярим чин: «Ма, сенга бахт келтиради», деди. Чиндан ҳам Фаттоҳ Йўлдошев шу «бўригул»дан бахт топди: докторлик диссертацияси ёқлади. «Бўригул» битта Фаттоҳ Йўлдошевгагина эмас, яна кўп одамларга бахт келтирди: икки киши фан доктори; ўн уч киши эса кандидат бўлди. Собир Юнусович ва унинг шогирдлари «бўригул»дан ажратиб олган алкалоидлардан тайёрланган дорилардан эса минглаб беморлар шифо топмоқда.

Елена Евгеньевна билан суҳбатимиз давомида четроқда ўтириб кино камеранинг нимасинидир тузатиш билан банд бўлган Иван Константинович:

— Собир Юнусович яхши одам,— деб гапга ара-лашди.— Мен уларнинг бир экспедицияларига қатнашиб кинога олганман. Олтмиш йиллигида кўрсатмоқчи-ман.

Иван Константинович суратга олган рангоранг табиат манзараларини томоша қилиб ўтириб атрофимизда шундай гўзал, жаннатдай жойлар бор экан-ку, кўрмасдан ўтиб кетаётган эканмиз, деб ачиндим. Қирғизистон тоғларидаги Саричелак кўли, Зарафшон дарёсининг юқорисида дунёнинг етти ажойиботи — етти кўл... Ўтирган бўйра, юрган дарё деб бекорга айтишмас экан. Бу табиат ошиқлари хонасига киришда қуруқ кирган бўлсам чиқишида катта тухфа кўтариб — дилимда табиат ишқи билан яйраб чиқдим.

## ... Бахт топганлар

Елена Евгеньевнадан кейин Фаттоҳ Йўлдошев билан учрашдим.

— Елена Евгеньевна тўғри айтибди, — деб кулди у. — Собир ака қўлимга тутқазган «бўригул» ўти устида олиб борган меҳнатим туфайли баҳт топдим.

Тўғри, меҳнат, фақат мақсадга инилиш йўлидаги меҳнатгина қишига баҳт келтиради. Шу билан бирга... Тинимсиз меҳнат қиши қиёфасида, шубҳасиз, маълум из ҳам қолдиради: Фаттоҳ Йўлдошев тепакалини ниқоблаб турган юпқа сочини силаб қўйди.

— Қирқ тўққинзинчи йили Собир акага шогирд бўлишни орзу қилиб ҳузурларига келганимизда ёш йигит эдик, — Фаттоҳ Йўлдошев ўйчан бош чайқади. — Усимлик моддалари кимёси бўйича аспирантурага фақат биттагина ўрин бор экан. Курсдошим Зиёвуддин Исмоилов мендан бир ёш катта. Шунинг учун аспирантурага киришда дўстим билан рақобат қиласликка қарор қилдим. Аммо Собир ака тўхтатиб: «Агар кириш имтиҳонларини яхши топширсанглар жой топамиз», деб кўнглимни кўтардилар.

Яхши топширишга ҳаракат ҳам гапми! Ахир Фармацевтика институтида ўқиб юрган студентлик вақтимда Собир акага шогирд бўлсан деб орзу қилардим! Иккимиз ҳам қабул қилиндик.

Сиз айтган ҳалиги «бўригул» ўтини Собир ака тажрибалироқ, бошқа шогирдларига тақлиғ қилиланларида меҳнатлари зое кетишидан қўрқиб қабул қилишмапти. Сабаби шу «бўригул» ўти билан бир оиласга мансуб «кавказ барвининги»ни академик Ореховдай одам текшириб кўп овора бўлган экан.

Мен сизга айтсан, Собир аканинг кимёдаги катта

хизматлари шундаки, у киши бир оиласга мансуб бир хил ўсимликларнинг алкалоидли ёки алкалоидсиз бўлиши, кўп вақт, ўша ўт ўсан замин, шарт-шароитга боғлиқ эканини чуқур ўрганганлар ва назарий жиҳатдан асослаганлар. Масалан, сой бўйида ўсан девпечак билан икки-уч юз метр нарида қуруқроқ жойда ўсан девпечак дориворлик жиҳатидан бир-биридан тамоман фарқ қилиши мумкин.

Ундан ташқари, Собир ака ўсимликлар танасида ўсиш даврининг қайси пайтида алкалоид кўп тўпланишини илмий асослаб берганлар.

Собир ака бир оиласга мансуб «кавказ барвинниги»-дан алкалоид олиб бўлмаганлиги билан «бўригул»ни кимёвий текширишга сарфланадиган вақт, меҳнат бекор кетмаслигига ишонганлари ҳолда менга топширгач эдилар. Ҳақиқатан ҳам Собир ака билан шу ўтдан «винканин», «винкаметрин», «эрвинин», «винканидин» алкалоидларини ажратиб олдик. Шу соҳадаги ишларимни якунлаб эллик бешинчи йилда кандидатлик диссертацияси ёқладим. Кейинча ҳам шу ишни тўхтатмадик. Бўригул тоифасидаги ўтлардан қирққа яқин алкалоид ажратиб олдик. Шундан йигирматаси бутунлай янги. 1965 йилда «бўригул» ўтидан ажратиб олинган алкалоидларнинг кимёвий хоссаларини тузиб чиққаним учун докторлик илмий даражаси беришди. Ҳозир «бўригул»дан ажратиб олинган баъзи алкалоидлар соғ ёки аралашма ҳолда медицинада кенг қўлланилмоқда. Инсон учун хизмат қилмоқда, дардига даво бўлмоқда.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли институтимизда кашф этилиб соғлиқни сақлашда кенг қўлланила бошлаган ўн хил дори учун олтмиш еттинчи йили Собир Юнусов, Ҳаким Абдуазимов, Ноил Абубакиров, Муҳаммад Султонов Елена Короткова, Валентина Масленникова, Тальят Шокиров ва мен Бируний мукофотига сазовор бўлдик.

Мен билан бирга аспирантурага кирган дўстим Зиёвуддин Исмоилов эртага йигирма тўққизинч январда докторлик диссертацияси ёқлади. У ҳам устозимиз Собир аканинг ёрдамида камолотга эришди. У таликтурум — санчиқ ўтнинг кимёвий тузилишини ўрганди. Домла раҳбарлигида йигирма уч алкалоид ажратиб олди. Шулардан ўн биттаси фанда бутунлай янги.

Зиёвуддин ажратиб олган алкалоидлар Москва, Фрунзе, Тошкент касалхоналарида синовдан ўтмоқда. Айрим олимлар уларнинг шифобахшлигига юқори баҳо беришмоқда. Айтгандай, Ҳаким ака билан танишдингизми? — деб сўраб қолди Фаттоҳ Йўлдошев.

Мен бош чайқадим.

— Беруний мукофоти лауреати Ҳаким Абдуазимов билан-а? Қани юринг бўлмаса таништириб қўяй.

Фаттоҳ Йўлдошев ўз бўйига нисбатан узунроқ кўк халатда. У олдимга тушиб иккинчи қаватга йўл бошлади.

Иккинчи қават йўлаги ҳам пастки қаватдагидай бора-боргунча икки томопи девор шкафлар. Очиқ эшиклардан яна ойнавон шкафлару, эгри-буғри шиша найчалар кўзга чалинади. Пастда ҳам, юқорида ҳам аллақандай нимтатир, нордон ҳид анқигани анқиган.

Фаттоҳ Йўлдошевга эргашиб торгина бир хонага кириб борганимда ёшгина аёл билан кўк халатли (бу институтда деярли ҳамманинг эгнида кўк халат) юзи қизил мағиз, барваста бир киши нок нусха шишада виқири-виқири қайнаётган кизғиши суюқликни кузатиб нима ҳақдадир гаплашаётган экан. Ҳимия фанлари доктори Ҳаким Абдуазимов шу киши экан.

Фаттоҳ Йўлдошев бизларни таништириб чиқиб кетгандан кейин виқири-виқири қайнаётган нок нусха шишадаги қизғин моддага гўё кимёдан хабардор одамдай тикилиб туриб:

— Бу янги алкалоид кашф этиш йўлидаги янги уришлар бўлса керак? — дедим.

— Йўқ,— деди Абдуазимов беларвогина,— шишада лигнин қайнайти.

— Ахир сиз алкалоидлар кимёси лабораториясида эмасмисиз?

— Учирма бўлганман,— мийифида кулди Абдуазимов.— Бошқа ҳамма лабораторияларнинг мудирлари каби мен ҳам учирма бўлганман.

Фан доктори даражасини олганимдан кейин домла чақириб: «Энди катта бўлиб қолдинг. Қачонгача менинг қарамоғимда яшайсан?» деб қозон-товоғимизни бўлак қилганлар. Ушандан бери мана шу кичкина лигнинлар кимёси лабораториясида ётибмиз.

Абдуазимовнинг алкалоидлар кимёси соҳасидаги ишидан бир оз хабардорман. (Султоп айтиб берган.) У фанда «унгерния» деб юритиладиган «қорақовуқ» ўсимликлар турларининг биологиясини, қаерларда ўсшини ўрганган бўлса, Ҳаким Абдуазимов устози Собир ака билан ҳамкорликда улардан ўн икки хил алкалоид олишган. Ҳозир шу алколоидлардан тайёрланган «похларин» дориси беморнинг қон босимини туширишда ёрдам беради «Галантамин» ёш болаларда учрайдиган фожиа—шолга қарши даво сифатида бутун дунёда шуҳрат топди. Аммо Абдуазимов қўл урган янги соҳа — лигнин кимёсидан бехабар эдим.

Лигнин — ўсимлик танасининг ёгоч қисми экан.

Агар каучукка лигнин қўшилса, ундан тайёрланган машина ғилдираклари анча мустаҳкам бўлиши, агар ерни пармалаш пайтида лигнин солинса, ернинг юмашши, шунингдек, қора рангли суюқлик лигниндан ўтказилса, оқариши аниқланган. Аммо ғўзапоя лигнинидан халқ хўжалигида фойдаланиш масаласи ҳалигача ўрганилмаган. Фақат ғўзапоя ўтин сифатида ёқиб келинган.

— Лигнин моддасига бой ўсимлик, дарахтлар ҳар қандай касалликка чидамли, умри узоқ бўлади. Агар ғўзапоядан лигнин моддасини кимёвий йўл билан тозалаб олиб, ўфит сифатида ишлатсак пахта турлари вилт касалига чидамли, бақувват бўлиб ўスマсмикан? Бизнинг лабораториямиз ҳал қилиши зарур муаммолардан биттаси шу, — деди Абдуазимов.

Ҳаким Абдуазимов, мени, ўз навбатида, учинчи қаватда жойлашган гликозидлар кимёси лабораториясига кузатиб қўйди.

Юрак касаллиги шу кеча-кундузда ҳамма касаллар ичида инсоният учун биринчи ўринда турган душман дир: ҳар хил касалликлар туфайли ўлаётганларнинг юзтадан етмиштаси юрак касаллигидан ўлди. Касал юрак эса, ҳозирча асосан, глюкозидлар билан даволанади.

Глюкозид — заҳар. Унинг кўн миқдордагиси — ҳалок қиласи. Оз миқдордагиси — дори. Гликозидлар киши юрак уришини секинлатади. Натижада юрак мускуллари дам олади, яъни куч тўплайди. Кейин қонин шиддат билан баданга сиқиб чиқариш қудратига эга бўлади.

Глюкозидли ўсимликлар жаҳонда оз. Улардан строфантус, анчар иссиқ минтақада ўсади. Ватанимиз бу доривор ўсимликларни яқин вақтларгача чет эллардан тилла баҳосида сотиб олар эди. Эндиликда глюкозидлар кимёси лабораториясининг ходимлари Ноил Абубакиров, Яматова, Масленникова, Горович юракка даво «строфантин»ни маҳаллий ўсимликлар — суғур ўти ва кендердан олишни ўрганишди. Жутдан эса строфантинга ўхшаш кучли «олиторпэнд» глюкозиди ажратиб олишга муваффақ бўлишди.

Ноил Абубакиров лабораториясининг юкорида айтилган кашфиётлари ҳозир ҳалқ хизматида. Минглаб заиф юракларга мадор бўлмоқда. Балки, шу дамда юзлаб кишиларни бевақт ўлимдан асраб қолаётгандир.

Ана, Абубакиров рўпарамда ўтирибди: кенг пешали, жуссаси пишиқ, ўрта бўй инсон. Унинг эгнида ҳам ўша таниш — кўк ранг кўхна жомакор. Шундай оламшумул, ўта хайрли ишлар қилиб қўйибди-ку, на шошади, на ҳовлиқади.

— ...Мен ҳам алкалоидлар лабораториясидан учирма бўлгапман, — дейди у чагир кўзларини қисиб.

Нонл Абубакиров Ватан урушидан подполковник даржасида жанговар Қизил Байроқ, «Богдан Хмельницкий», бириичи, иккинчлар даражали Ватан уруши, иккита Қизил Юлдуз орденларин, яна кўпгина медалларнинг кавалери сифатида шон-шуҳрат билан қайтибди. Аммо, шунга қарамай, у Собир Юнусовнинг алкалоидлар кимёси лабораториясига кичик плмий ходим бўлниб киришдан уялмапти.

— ...Ўсимлик моддалари кимёсига қизиқиш менга Собир Юнусовдан юққан, — деди кимё фанлари доктори Абубакиров.

Мен кейинча терпен ва кислоталар кимёси лабораториясида бўлиб, кимё фанлари доктори Георгий Петрович Сидякин билан суҳбатлашдим; фармакология ва кимё терапияси лабораторияси мудири, медицина фанлари доктори Муҳаммад Султонов билан учрашдим; кимё фанлари кандидати Талъат Шокиров билан унинг экспериментал-технология лабораториясини айландик. Яна кўпгина плмий ходимлар билан гаплашдим. Уларнинг республикамиз шон-шуҳратини оширадиган, умуминсоний хайрли ишлар қилаётганликларини изйқадим. Яна институт колективининг катта, аҳил оила бошлиғига, Собир аканинг ўз таъбири билан айтганимизда, халфа ва шогирдларнинг ўз устозларига нисбатан илиқ, меҳр-оқибатларини сездим.

Кечки пайт ишхонамда ўтириб замондошларим яланкалик дурадгорнинг кенжা ўғли буюк кимёгар — уста

ва унинг халфа, шоғирдларидан эшитганларимни қоғозга тушириб бўлиб, энди нуқта чеккан ҳам эдимки, радиодан хушхабар эшитиб қолдим. СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан фан ва Ватанга қилган катта хизматлари учун бир группа совет олимларига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Шулар қаторида Собир Юнусов ҳам бор. Худди ўзим мукофот олгандай қувондим.

— Мукофот муборак, Собир ака! — дедим ғойибона.

1969 йил, март.

# М У Н Д А Р И Ж А

<b>Қорақалпоқ дафтаридан саҳифалар</b>	<b>3</b>
Шуманай афсонаси	4
Омади келган йигит	7
Хўжайлининг хирмони Говур қалъадан баланд	8
Қутлиқиз момонинг қўшиғи	15
Амударё миллионери	20
Унинг сеҳргар қўллари	23
Мугурдак арава	29
Орол фарзандлари	37
<b>Ўзбекистон олтини</b>	<b>47</b>
Кончилар учун	49
Қидирувчилар	50
Кон	54
Сараловчилар	57
<b>Доя</b>	<b>64</b>
<b>Парвоз</b>	<b>69</b>

<b>Дурадгорнинг кенжা ўғли . . . . .</b>	<b>75</b>
Табиат бир қулф . . . . .	75
Шайдойилар . . . . .	77
Доривор гиёҳ қидириб . . . . .	90
Шаҳримиз боғистон бўлсин	99
Имтиҳон . . . . .	103
Романтиклар . . . . .	108
...Бахт топганлар . . . . .	118

---

Ўз2

А 67

А н с р б о е в С.

Парвоз. Очерклар. Т., «Ёш гвардия» 1973.  
128 б.

А на р ба е в С. Полет.

Ўз2

На узбекском языке

**СУННАТУЛЛА АНАРБАЕВ**

**П О Л ё Т**

**О ч е р к и**

Издательство «Ёш гвардия», Ташкент — 1973.

Редактор Э. Сиддиков  
Рассом А. Олимжонов  
Расмлар редактори К. Назаров  
Техн. редактор Л. Шишикина  
Корректор М. Назирова

Босмахонага берилди 11/VI-1973 й. Босишга руж-  
сат этилди 29/VIII-1973 й. Формати  $70 \times 108\frac{1}{3}$ . Бос-  
ма листи 4,0. Нашр листи 5,18. Шартли босма  
листи 5,6. Тиражи 15000. Қоғоз № 1. Р—14427.

07—3—3—071  
A-M 356—06—73 1973

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвар-  
дия» нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Шартнома 49—73. Ўзбекистон КП Марказий Ко-  
митети нашриёти босмахонаси, Тошкент, «Правда  
Востока» кўчаси, 26. Заказ 2657. Баҳоси 16 т.